

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(ISSN 2181-8421)

№ 2 2018

*Азиз ватандошлар,
ҳар кунингиз Ҳаётингизни яшашингиз!*



БУНЁДКОР ЮРТ БАҲОРИ

Ўлкамизда кўклам сабоси кезаяпти. Дунёдаги барча халқлар, элу элатлар бу фаслни интиқлик билан кутади. Албатта, ҳар фаслнинг ўз хислати, фазилати бор. Лекин баҳор ўзгача фасл. Кўкламда табиат уйғонади. Бутун борлиқ ям-яшил либосга, гулларга бурканади. Бу эрка фасл руҳимизга, кайфиятимизга ҳам янгиланиш, кўтаринкилик бахш этади. Дориломон кунларга етганимиздан дилларга шукроналик тўлади.

Баҳор, Аёл. Бу сўзларни бири-биридан айро тушуниб бўлмайди. Яшариш фасли кўклам келиши билан нафосат ва гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларимиз байрами - Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз.

Қалбларда шундай кўтаринкилик ва шукуҳ билан Наврўзга пешвоз чиқамиз. Бу борада яқинда матбуотда Президентимизнинг "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрами эканлиги, асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган бу айём мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айлангани алоҳида таъкидланган. Шунингдек, қарорда қайд этилганидек, Наврўз байрамининг бекиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган, "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, байрам шодиёналари кенг миқёсда нишонланади.

Шу ўринда, 2010 йилда БМТ томонидан 21 март - Халқаро Наврўз куни деб тан олинганини айтиб ўтмоқ жоиз. Бу эътироф

Наврўзнинг оламшумул нуфузини тасдиқлайди, албатта. Эндиликда Наврўз расмий равишда башарият байрамига айланди.

Зеро, Наврўз муносабати билан инсоният ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этади. Бу байрам халқларни атроф-муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

қилиб яшашга чорлайди.

Албатта, байрам кувончи тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-муҳаббат, анъаналарга садоқат руҳияти ҳукм сургандагина татийди. Озод Ўзбекистонимиз ана шундай саодатли мамлакатдир.

Эътибор берсангиз ўлкамизда ниҳоятда жадал суратлар билан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган. Масалан, ўтган йили шаҳарлар ва қишлоқларимизда умумий тураржой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Тураржой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди. Бу минглаб оилаларга шоду хуррамлик кириб борди, деганидир. Мазкур эзгу ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилади. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм

маблағ йўналтирилади.

Ёки мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу жорий йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Аграр соҳадаги ислохотларга назар ташласак, ўтган йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда қарам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди. Шунингдек, 11 минг гектарда бободоҳқонларимиз интенсив боғ ва янги тоқзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди. Мамлакатимизда биринчи марта заъфарон (шафран) каби ноанъанавий экин экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди. Келгусида юртимизда рапс, каноп, ковул сингари кўплаб экинлар экиладиган майдонлар кенгайтириб борилади.

Кечаги деҳқон-фермер бугун саноатчи-тадбиркорга айланмоқда. Масалан, ўтган йили юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва яратувчанлик борасида эришилаётган натижалар хусусида ҳўб ва кўп рақамларни келтириш мумкин. Лекин, баландпарвоз мақтовлардан тийилган ҳолда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз: мазкур бунёдкорлик ишлари замирида Юртбошимиз таъбири билан айтганда, амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгилангани мужассамдир. Шу боис халқ ва давлат ҳамжиҳатлиги озод Ўзбекистонимиз равнақига равнақ қўшмоқда, элу улус байрамларни кўтаринки руҳда нишонламоқда.

Халқимиз доруломон сурур ила Наврўз айёмини қаршиламоқда. Ният шулки, ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг қуйидаги тилаклари барчамизга йўлдош бўлсин:

*Ҳар тунинг Қадр ўлибон,
Ҳар кунинг ўлсин Наврўз.*

Тоҳир ДОЛИЕВ.

ЕРНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ, ЧИГИТНИ МАҚБУЛ МУДДАТДА ЭКИШ

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, чигит экишда эрта баҳорда тупроқ оби-тобига келганда аввал нам тўплаш мақсадида бороналаш тавсия қилинади. Натижада чигит бир хил чуқурлик ва намга экилади, ниҳоллар текис униб чиқади, гўза барвақт ўсиб-ривожланади, ҳосилдорлик ошади. Чигит экиш олдидан ишлов тадбирлари тупроқнинг ҳолатига қараб амалга оширилади. Бороналанган майдонлар юзаси текис бўлса, экиш олдидан молалаш етарлидир.

Шўрланмаган ерларда эрта баҳорда ва экишдан олдин икки марта бороналаш ўтказилса, ўтлоқи тупроқларда ерни яхши ҳолга келтириш учун бир марта ишлов бериш етарли бўлади.

Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Фарғона ва бошқа вилоятларда яхоб суви берилган, шўри ювилган майдонлар тупроғининг ҳайдов қатлами кучли зичлашган бўлса, бундай тупроқларда чизелга борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискланади. Эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва дискли бороналар танланиб ва тўғри ишлатилса, тупроқнинг ҳайдов қатлами зичлашмай, чигитни экиш учун ер сифатли тайёрланган бўлади.

Кузда шудгор қилиниб шўри ювилган майдонларда ҳайдов қатлами зичлашмаган бўлса, 8–10 см чуқурликда 2 қаторли зиг-заг борона билан бороналанади. Бороналаш пайтида ажриқ, гумай, қамиш ва бошқа кўп йиллик бегона ўтлар илдизи тозаланиб, даладан йиғиб-тегиб ташқарига чиқарилиб, ёқиб ташлаш тавсия этилади.

Агар кузда шудгор остига минерал ўғитлар солинмаган далалар бўлса ёки шўри ювилган майдонларда экиш олдидан фосфорли ўғитлар йиллик меъерининг 60–70 фоизи (физик ҳолда аммофос 200 кг/га ёки PS-Агро 250 кг/га ёки суперфос 385 кг/га) ҳамда маҳаллий калийли ўғитларнинг 50 фоизи (калий хлориди 80 кг/га) чизель-борона остига солинади. Белгиланган ўғитлар ўз муддати ва меъёрида қўлланилмаса, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик пасайиб кетади. Қолаверса, ҳосилнинг қарийб ярми ўғит ҳисобига шаклланишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Механик таркиби оғир ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар ўзида намни сақлаш хусусияти ўта паст бўлгани учун ерни экиш олдидан тайёрлашга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бунда далани кечки соатларда кун чиқ-

қунга қадар тайёрлашга эришиш лозим. Акс ҳолда кундуз куни бороналаш ёки чизеллашда ҳосил бўлган кесаклардан жуда тезлик билан нам буғланиб, кейин ушбу кесакларни майдалаб, майин тупроқ ҳосил қилиб бўлмайди.

Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида асосий майдонларда чигит пуштага экилади. Пушта олинган далаларни бороналашда чопиқ тракторларига осиладиган махсус бороналардан фойдаланиш яхши самара беради, чунки бунда пушта ва жўяклар трактор томонидан эзилмайди.



Кузда пушта олинган ерларда намлик кўп сақланади, пушта юзаси қуёшда яхши қизийди ва ер тез етилади, экиш олди техника ва ёнилғи харажатлари камаёди, ниҳоллар текис ерга нисбатан 2–4 кун олдин униб чиқади, ниҳолларнинг ўсиб-ривожланиши яхшиланади, пахта ҳосилдорлиги 15–20 фоиз ошади.

Тупроқнинг табиий намлигига чигит ундириб олиб бўлмайдиган жойларда нам тўплаш мақсадида баҳорда 22–25 см пушта олиниб, тупроқ механик таркиби ва қишда тўпланган намлик ҳисобга олиниб гектарига 600–700 м³ миқдорида захира суви берилади.

Пушта ҳайдов қатламида тупроқ зичлигини узоқ муддат мақбул ҳолатда сақланиб туришини таъминлайди. Бу технологияда тупроқнинг устки қисмида ҳарорат текис далага нисбатан 1–3 даража юқори бўлади. Негаки, дала юза сатҳи пушталар ҳисобига катта бўлиб, тупроқлар қуёш

нури ва иссиқлигидан самарали фойдаланади. Чигит эса барвақт униб чиқади, пахта ҳосилдорлиги 4–6 ц/га га ошиши таъминланади.

Чигит экиш муддати, меъёри ва усуллари. Республикамиз минтақаларида чигитни мақбул муддатларда экиш ва соғлом қўчат ундириб олиш, эртаги, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки эрта эккан эрта ҳосил олади.

Экиш учун уруғлик чигитларга қўйилган талабларга мувофиқ, унинг унумчанлиги 90–95 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Фермерлар чигитнинг унумчанлигини ўзлари ҳам текшириб кўришлари, 100 дон уруғлик чигитни уй шароитида иссиқ хоналарда қумга экиб кўриб, 3–5 кунда униб чиққанларини санаб кўриш орқали ҳам аниқлашлари мумкин.

Чигитни экишда тупроқ намлиги ва ҳарорати, уруғлик сифати, чигитни дорилаш, намлаш, мақбул муддатда, меъёрида ва чуқурликда экиш талаб этилади. Олимлар тавсияларига асосан, тупроқнинг 10 см қатламидаги ҳарорат 12–14°C даража бўлганда тукли чигитларни, 14–16°C даража бўлганда туксиз чигитларни экишга киришилади, тупроқ ҳарорати 9–10°C бўлганда плёнка остига чигит экиш бошланади.

Тупроқ намлиги 65–70 фоиз бўлса ёки чигит экиладиган тупроқни қўлда олиб, зичлаб ерга ташлаб юборилганда сочилиб кетса, ёки тракторнинг экиш агрегати тупроқни кесмаганда ва лой чиқармаганда, далага тракторнинг кириш имконияти бўлганда чигитни экиш бошланади. Уруғлик чигит сифатига қўйиладиган асосий талаблар: унумчанлиги 90–95 фоиздан кам бўлмаслиги, намлиги 10 фоизгача бўлиши, ифлослик даражаси 0,3–0,7 фоиздан ошмаслиги, туклилиги 0,5–2,5, механик шикастланганлиги 7–8 фоиздан ошмаслиги керак.

Маълумки, дунё бўйича гўзанинг 100 дан ортиқ касалликлари учрайди ва ушбу касалликлар таъсирида етиштириладиган ҳосилнинг 10–20 фоизи ва ундан ҳам кўпроғи йўқотилади. Ўзбекистон шароитида гўза касалликларидан: бактериялар қўзғатадиган гоммоз ва замбуруғлар қўзғатадиган илдиз чириш, вертициллёз ва фузариоз, вилт касалликлари кенг тарқалган.



Ер ости сувлари яқин жойлашган, намлик юқори бўлган ерларда, серёгин ва салқин об-ҳаво кузатиладиган ёки кучли қатқалоқ ҳосил бўладиган ҳамда сифатсиз уруғлик чигитлар экилган ёки чигит жуда чуқур экилган ерларда илдиз чириш касаллиги келиб чиқади.

Агар тупроқ ва ҳаво ҳарорати паст, ердаги намлик юқори ва юза қисмида қатқалоқ ҳосил бўлганда ҳамда тупроқда касаллик чақирувчи патогенлар учраганда ёки чигит фунгицидлар ва стимуляторлар билан ишлов берилмаган бўлса гомоз касаллиги келиб чиқади. Шунинг учун уруғлик чигитлар экишдан олдин уруғдорилар ва стимуляторлар билан албатта дориланиши шарт.

Пахта тозалаш ёки уруғлик чигит тайёрлайдиган заводлардан келтирилган тукли чигитларни экиш олдида намлашга катта аҳамият бериш керак.

Чигитни намлаш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Тукли чигитнинг 1 тоннасини намлаш учун 600 литр сув сарфланади.

Чигитни намлаш ишлари олдиндан тайёрланган (асфалтланган ёки бетонланган) махсус майдончаларда ўтказилади. Бундай майдончаларнинг бўйи 4–5 м, эни 2–3 м ва баландлиги 30–35 см катталиқда бўлиши мумкин. Бунда намлаш вақтидаги сув оқиб кетишининг олди олинади. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини 20–25 см. дан оширмаслик зарур. Намлаш 3 босқичда: биринчиси 3–4 соат, иккинчиси 4–5 соат, учинчиси 5–6 соат мобайнида ўтказилиб, 200 литрдан сув сарфланади, шундагина чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади, бундай чигит сувга буртиб, тўйинади, қобиғи юмшайди. Бу эса намлиги кам бўлган тупроқларда ҳам унинг униб чиқишига ижобий таъсир этади.

Республикамизнинг ноқулай об-ҳаво шароитида чигитни хатосиз, соғлом ва эрта ундириб олиш муммосини ҳал этиш йўлларида бири биостимулятор ва ўсишни созловчи моддалар билан уруғларни экиш олдида ва ўсимликнинг вегетацияси даврида қўллаш технологияларини олиб бориш лозим.

Кўп йиллик тажрибаларга асосан чигитларни намлаш билан биргалликда экиш олдида, ёки уруғлик чигит тайёрлаш заводларида тукли ва туксиз чигитларга ўстирувчанлик хусусиятига эга стимуляторлардан “Гумимакс” (0,8–1,0 л/т), “Узгуми” (0,7–0,8 л/т), “Фитовак” (200–300

мл/т) препаратлари билан ишлов бериш ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитида ҳам чигитнинг унвчанлигини оширади, касалликларга бардошлиги кучаяди, илдиз тизимини бақувват ривожлантиради ва тупроқнинг табиий намлигидан унумлироқ фойдаланилади, ўсимликнинг ўсиб-ривожланишини, ҳосил тўплашини тезлаштиради.

Фермер хўжалиги раҳбарлари уруғлик чигитни намлашда бир кунда қанча майдонга чигит экилишини, далага олиб бориш ва бошқа ишларга кетадиган вақтларни ҳам ҳисобга олиши, шунга қараб қанча миқдорда чигитни намлашни режалаштириши мақсадга мувофиқдир.

Чигитни ўз вақтида мақбул муддатларда экиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида республикамиз минтақаларида чигит экишнинг мақбул муддатлари аниқланган. Унга кўра, чигит экишнинг мақбул муддати Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида 10–25 апрель, шимолий туманларида 15–30 апрель, Хоразм вилоятида 10–25 апрель, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 5–15 апрель, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 1–15 апрель, Наманган ва Андижон вилоятларида 1–15 апрель, плёнка остига экишда 20 март–1 апрель, Самарқанд вилоятида 5–20 апрель, Бухоро ва Навоий вилоятларида 1–15 апрель, Қашқадарё вилоятининг жанубий туманларида 25 март–15 апрель, тоғ олди туманларида 1–15 апрель, Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида 25 март–10 апрель, шимолий туманларида 1–15 апрелга тўғри келади. Ушбу муддатлар йилнинг об-ҳаво шароити келишига қараб бироз фарқланиши ва 5–7 кун эрта ёки кеч ўтказилиши мумкин.

Тупроқ турлари ва механик таркибига қараб чигит экишнинг энг маъқул чуқурлиги 4–5 см, секин қизийдиган оғир тупроқларда 3–4 см бўлиб, тукли чигитлар гектарида 45–55 кг, туксиз чигитлар 25–30 кг экилса, тўлиқ ва соғлом кўчат олишни таъминлайди.

Чигитни биринчи навбатда тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ ва тез етиладиган ерларда, кейин эса оғир тупроқли тоғ олди минтақаларида экиш мақсадга мувофиқдир. Тупроқ ҳарорати паст бўлганда экилган чигит чириб, ниҳоллар сийрак униб чиқади, касалга тез чалинади, нимжон ўсиб-ривожланади ва пировардида пахта ҳосили ҳам пасайиб кетади.

Чигит экиш ишлари тўлиқ тугатилиши учун далалар чети, симёғоч ва ўқариқлар атрофи ҳам қўлда экилган бўлиши керак. Шундагина барча майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинади.

Унумдорлиги паст, балл бонитети 30–40 ва 50 балл, механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда, кўчат олиш қийин ва нишаблиги юқори бўлган жойларда чигитни қўшқаторлаб экиш тавсия этилади, бунда 1,5 баробар кўп кўчат олиш имконияти бўлиб, туксиз чигитлар 45–50 кг сарфланиб экилади. Чигит экиш сеялкаси 90 см. ли (60х30х12-1) схемада қўшқаторлаб бир йўла 8 қаторга чигит экишга мўлжалланган бўлса, ушбу сеялка бир вақтнинг ўзида 60 см. ли қатор ораларини 30 см. ли кенгликдаги пушта устига қўш қаторлаб (қатор орасига 30 см, уялар ораси 12 см) экади. Қўшқаторлаб экишда ҳар гектарда оддий усулга нисбатан деярли 1,5 баробар кўп кўчат бўлишига эришилади. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушиши, қаторларнинг тўғри чиқиши, туташган қаторлардаги (маркёр) масофа бир-хил бўлишига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Чигит экишда кенг қамровли (6–8 қаторли) сеялкалардан фойдаланиш тупроқ зичланишининг олдини олади, иш унумини оширади ва қисқа муддатда тупроқда тўпланган табиий намга чигит экишни таъминлайди.

Чигитни экиш билан бир вақтда гектарига соф ҳолатда 15–20 кг азотли, 20–25 кг фосфорли ўғитлар сеялкага ўрнатилган махсус мосламалар ёрдамида экиш чизигидан 5–7 см четга, 12–15 см чуқурликка солинади. Бегона ўтларга қарши “Стомп” гербициди гектарига 0,8–1,0 кг, “Которан” 1,2 кг меъёрда сепилиши яхши самара беради ва бегона ўтлар сонини кескин камайтириб, ниҳолларнинг ўсишига қулай шaroит яратилади.

Чигит экишни мақбул муддатларда, агротехник талабларга риоя қилган ҳолда ўтказиш, ерга қадалган уруғни тупроқдаги табиий нам ҳисобига ундириб олишни ҳамда майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилишни таъминлайди.

Экиш мавсумини юқорида келтирилган тавсияларга амал қилган ҳолда қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш ғўзадан эртаги ва мўл ҳосил олишга замин яратади.

Ф.ТЕШАЕВ, Ш.АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.докторлари,

Ф.ҲАСАНОВА,
қ.х.ф.н.



**Мамлакатимиз аҳолисини,
қишлоқ меҳнаткашларини
йилбоши — Наврӯзи олам
билан муборакбод этамиз
Далаларга барака уруғи
қадалаётган шу кунларда
барча қишлоқ хўжалик
экинлари ҳосили мўл, эл-
юртимиз хирмонлари
сарбаланд,
деҳқонларимизнинг
даромади мўмай, турмуши
янада фаровон, дастурхони
тўкин бўлишини тилаймиз.**

**Байрам шукӯҳи йил бўйи
ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Ғўза уруғчилиги
республика маркази
жамоаси**

КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ ОМИЛЛАРИ

Ѓўза ниҳолларини тўлиқ ундириб олиш, уларнинг ўсиб-ривожланишини тезлаштириш ва пахта майдонларини бегона ўтлардан тозалашда экин қатор оралари тупроқларини тўлиқ ва сифатли юмшатиш катта аҳамиятга эга.

Бу кўрсаткичларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан КХУ-4, КРХ-4, КРТ-4 культиваторларининг созлик даражасига боғлиқ:

- культиватор рамалари эгилмаган бўлиши лозим, улар тракторга маҳкам қилиб, ерга нисбатан параллел ҳолда ўрнатилсин (ишлов бериш чуқурлигининг бирдайлиги таъминланади);

- олдинги ва орқа грядиллар стойка, тутқич ва қулфлар воситасида рамаларга пухта бириктирилсин, бунда штангалар ерга параллел бўлсин (ишлов бериш кенглиги бирдай сақланади);

- грядилларнинг носоз втулкалари янгиларига алмаштирилсин, қулфлардаги маҳкамловчи болтларнинг резбалари едирилмаган бўлсин (грядиллар ортиқча тебранмайди);

- минерал ўғит бункерларида тешиklar ва ёриқлар бўлмасин, ўғит солиш аппаратининг ҳамма қисмлари енгил айлансин, ўғит солиш меъёрини ростловчи механизм соз бўлсин (ўғит нобуд бўлмайди ва бирдай сепилади);

- пичоқлар ва стрелкасимон панжалар штангаларга шундай маҳкамлансинки, бунда уларнинг тиглари узунасига ер сатҳига тегиб турсин, юмшаткич панжалари ва очарларнинг ерга ботиш бурчаги тупроқ шароитига қараб солансин (агрегатнинг тортишга қаршилиги ошмайди);

- ишчи органларнинг кўтарилиш баландлиги ҳамда ерга ботиш кучи грядил поводокларидаги пружина қулфи халқаларини суриш билан ростлансин (баландлик ва куч меъёрида сақланади);

- трактор филдираклари ва грядиллар ҳимоя кожухлари билан жиҳозлансин (ғўза шоҳлари ва кўсақлари шикастланмайди);

- ишчи органлар завод шароитида тайёрланган ва стойкаларга пухта маҳкамланган бўлсин (ишчи органлар тезда едирилмайди, сифат таъминланади);

- ҳар бир культиватор учун 8 та пичоқ (4 та чап кесувчи, 4 та ўнг кесувчи), 5 та стрелкасимон панжа (ғозпанжа), 4 та юмшаткич пичоқ-

лар ўрнатилган очар, 28 та ККО типидagi юмшаткич, 8 та дискасимон юмшаткич (4 та чап кесувчи, 4 та ўнг кесувчи), 8 комплект ротацион юлдузча тайёрлаб қўйилсин (улардан ғўза қатор ораларига ишлов бериш турига ва тупроқ ҳолатига қараб фойдаланилади);

- пичоқлар ва панжаларнинг қирқиш қирралари ўткир, қийшаймаган ва кертисиз бўлсин (бегона ўтлар тўла нобуд бўлади, тупроқ майин чиқади);

- барча ишқаланувчи сиртлар мойлансин, культиватор бўялсин (деталлар узоққа чидайди, ёмғирда



зангламайди).

Культиваторлар юқоридаги талабларга жавоб берса, ғўза қатор ораларидаги тупроққа эйлен ишлов берилади ва ҳосил элементлари сира шикастланмайди.

Ѓўза қатор ораларида майин, майдаланган тупроқ ҳосил қилиш, ундаги намликни узоқ сақлаб туриш ва далаларда бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймаслик культивациянинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Механизаторлар ғўза қатор ораларини биринчи культивациялашга пухта тайёргарлик кўришлари ва бу тадбирни ўта зийраклик билан амалга оширишлари керак. Чунки бу пайтда ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдиллари ниҳоятда нозик ва мўрт бўлади. Ўғтиборсизлик билан берилган биринчи ишлов бир қисм ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва тадбирни сифатли ўтказиш қуйидаги талабларнинг тўлатўкис бажарилишига боғлиқдир:

- далаларда ғўза ниҳоллари униб чиқиб, қаторлар яққол кўриниши билан биринчи культивацияни бошлаш (акс ҳолда агрегатни тўғри юргизиб бўлмайди);

- ишчи органларни тупроққа бирмунча юза ботадиған қилиб ўрнатиш (акс ҳолда нозик ғўза илдиллари ўрнидан кўзғалади ва ниҳоллар нобуд бўлади);

- биринчи культивацияда трактор тезлигини 2,84–4,88 км/соатдан оширмаслик (агрегат барқарор юради);

- ёмғирдан кейин тупроқ бетини қатқалоқ босган ёки бегона ўтлар эндиғина униб чиқаётган бўлса культиваторларга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: ротацион юлдузча — 8 комплект (ниҳоллардан 3–5 сантиметр узоқликда ва 3–5 см чуқурликда); пичоқлар — 8 та (4 та чап кесувчи, 4 та ўнг кесувчи) 6–8 см чуқурликда; стрелкасимон панжалар (ғозпанжалар) — 5 дона, 12–14 см чуқурликда;

- қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культиваторга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: дисксимон юмшаткич — 8 дона (4 таси чап кесувчи, 4 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5–7 см узоқликда ва 6–8 см чуқурликда; пичоқлар — 8 дона (4 таси чап кесувчи, 4 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9–10 см узоқликда ва 6–8 см чуқурликда; стрелкасимон панжаларни (ғозпанжалар) — 5 дона, эгатнинг ўртасига 12–14 см чуқурликда ўрнатиш.

Ѓўза қатор ораларини иккинчи ва кейинги культивациялаш пахта майдонларини ҳар галги суғоришдан сўнг тупроқ тобига келган пайтда ўтказилади. Шундагина майда ва донатор тупроқ ҳосил бўлади.

Кўриниб турибдики, культивациянинг пировард мақсади ҳосилга ҳосил қўйишидир. Шу боис бу тадбирни бажаришни юқори малакали механизаторлар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д.,

А.ҚОРАХОНОВ,
т.ф.н., (ҚХМЭИТИ).

МАРТ – КУЗГИ ҒАЛЛА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

Жорий қиш мавсумининг бироз илиқ, нисбатан камёғин келиши кузги ғалла ривожига ўз таъсирини кўрсатди: аксарият майдонлардаги майса ривожига сустлиги кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, экин қишқи тиним даврини тўлиқ ўтамади. Баҳор ойлари серёғин келса, майдонларда бегона ўтлар ҳаддан ташқари кўпайиши ҳамда турли касаллик ва зараркундаларнинг тарқалиши кучайиб, ҳосилдорликка зарар етказиши мумкин.

Ривож паст, кечикиб экилган ғалла майдонларида тушлаш фазаси об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига қараб март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этиши мумкин. Бундай майдонларга баҳорги озиклантиришдан ташқари қўшимча ишлов бериш баргдан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, шарбат усулида сугориш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталари бўлган биопрепаратларни қўллаш самаралидир.

Эрта баҳорда ғалла майдонларига минерал ўғит суспензиясини сепиш экиннинг ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бунда тушлаш даврида 10 кг, найчалош даврида 12 кг карбамид минерал ўғитини 300 литр сувда эритиб, махсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига сепилади.

Шунда майсалар барг сатҳи қалинлашиб, экиннинг касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги ошиши баробарида фотосинтез жараёни яхшиланади. Натижада ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши жадллашади.

Энг муҳим тадбирлардан яна бири бу – ғалла майдонларида азотли ўғитлар билан иккинчи озиклантиришни амалга ошириш ҳисобланади. Кузги бугдойнинг найчалош фазасида ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси поялар сони кўпайган бўлади.

Бугдойнинг найчалош даврида азотли ўғитларга бўлган талаби ортади. Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида 300–320 кг/га миқдорида берилади.

Ғалланинг найлаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичида бошоқлар ва бошоқдаги донлар шаклланади. Найчалош фазасининг давомийлиги 25–30 кунни ташкил этади. Ўсимлик бу даврда бутун вегетация давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50–60 фоизини

тўплайди. Найчалош фазасида намлик ва озуканинг етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Озиклантирилган майдонлар тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақа шароитидан келиб чиқиб 600–700 м³/га ҳисобида сугорилади. Сугоришни шарбат усулида ўтказиш яхши самара беради.

Бегона ўтлар кучли тарқалган майдонларда март ойининг 3-декадасидан бошлаб, тавсия этилган гербицидлар ёрдамида бегона ўтларга қарши дастлабки ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, зарарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари бўлган майдонларда биринчи навбатда профилактика ишловини ўтказиш талаб этилади.

Ғалла майдонларида тарқалган бегона ўтлар ҳамда турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга уйғунлашган усулда қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

Майдонлардаги бир ва икки йиллик бегона ўтлар (жағ-жағ, шўра, олабута, бангидевола, қўйткан, итузум, мачин, сутлама, райграс, тулқидум, ёввойи сули ва бошқа) ғаллага берилган минерал ўғитлар, сув ҳамда қуёш нуруни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъмол қилиши оқибатида ҳосилдорликни камайтириб, дон сифати пасайишига салбий таъсир кўрсатиши кўп йиллик тажрибаларда ўз исботини топган.

Шу боис бегона ўтлар ривожланган майдонларда уларнинг тури ва сонига қараб бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши 75 фоизли “Гранстар ДФ”, “Реситал”, “Далстар”, “Тайфун” (15–20 г/га), 24 фоизли “Химби” (0,15–0,2 л/га), бир йиллик бир паллали бошоқли бегона ўтларга қарши 8 фоизли “Топик”, “Тердок”, “Клоди-мекс”, “Топ-Дим” (0,3–0,4 л/га), 3 фоизли “Атлантис” (250–300 г/

га), 25 фоизли “Атлантис Стар” (0,2–0,3 кг/га), кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши 75 фоизли “Пик” (15–20 г/га), “Гранстар Плюс”, “Энтостар Плюс” (30 г/га), “Химране” (0,375–0,5 л/га), 20 фоизли “Старане–200” (0,75–0,1 л/га) каби гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар – сариқ ва кўнғир занг, септариоз, ун шудринг, фузариоз тарқалишининг олдини олиш ёки улар тарқалиш хавфи бўлган майдонларга Давлат кимё комиссияси рўйхатидаги фунгицидлардан 30 фоизли “Алтис Премьер” (1–1,5 л/га), “Броадер” (0,2–0,3 л/га), 28 фоизли “Аканто Плюс” (0,3–0,5 л/га), 25 фоизли “Бампер” (0,5 л/га), “Крест” (0,5 л/га), “Титул Дуо” (0,2 л/га), “Дуазол” (0,2 л/га), 33 фоизли “Альто Супер”, “Файтер” (0,3 л/га), 22,5 фоизли “Тебумекс Плюс”, “Энтоликур” (0,3–0,5 л/га) кабилардан бири билан 200–300 литр ишчи эритма меъёрида ишлов бериш мақсадга мувофиқ.

Зараркундалар – зарарли хасва, шиллиққурт (пявица), арракаш, шира ва трипс каби ҳашаротларга қарши ишлов беришда инсектицидлардан 20 фоизли “Багира” (0,2–0,3 л/га), “Бестселлер” (0,05–0,075 л/га), 10 фоизли “Далметрин” (0,06–0,08 л/га), 2,5 фоизли “Делцис” (0,25 л/га), 5 фоизли “Далатэ” (0,15–0,2 л/га), 55 фоизли “Агрофос-Д” (0,5 л/га) препаратлари билан ишлов бериш тавсия этилади.

Юқоридаги чора-тадбирлар ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазалари ҳамда бегона ўтларнинг униб чиқиш даврига қараб 5–10 кун олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Бошоқли дон етиштиришда белгиланган агротехник чора-тадбирларнинг юқоридаги тавсиялар асосида ўз муддатларида сифатли бажарилиши мавжуд ғалла майдонларидан мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.,

Н.ЮСУПОВ,

лаборатория мудири.

Умумхалқ байрами — Наврӯзи олам муборак!

Яратганнинг инояти, омилкор деҳқонлар,
ғаллакорларнинг бемисл меҳнати билан
ўзимизнинг беминнат донимиз ва нонимизга
эга бўлдик.

Шундай фараҳбахш кунларда қишлоқ
хўжалигида фаолият кўрсатиб келаётган
фидойи ҳамкасбларимизни, барча
юртдошларимизни янгилашни айёми билан
самимий қутлаймиз.

**"Ўздонмахсулот" акциядорлик
компанияси жамоаси**

Бетакрор таровати билан ўлкамизга
кириб келган баҳорнинг фусункор айёми
— **Наврӯзи олам барчамизга
қутлуғ бўлсин!**

Барча юртдошларимизга
баҳорий кайфият ҳамиша йўлдош
бўлишига тилакдошимиз.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
"Ўздавдонинспекция"
давлат дон инспекцияси жамоаси

СОЯ – КЕЛТИРАДИ САРМОЯ

Республикаимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, хусусан, ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, импорт ҳажмини қисқартириш, чорвачилик ва паррандачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашда соя экиннинг аҳамияти катта.

Дуккакли ўсимлик ҳисобланган соя барча қишлоқ хўжалик экинлари — кузги ғалла, ғўза, маккажўхори, саб-завотлар ва бошқа экинлар учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Соя экинидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда тупроқ унумдорлиги ҳамда сув таъминоти яхши бўлган майдонларни танлаб олиш, шунингдек, экинни тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этамиз.

Соя экиладиган майдонга шароитдан келиб чиққан ҳолда соф ҳолда 90 кг фосфор ва 60 кг калийли ўғитлар 100 фоиз берилиб, дала бегона ўт қолдиқлари ва илдиэларидан тозаланиб, обдон текисланади.

Республикаимизнинг тупроқлари таркибида соя ўсимлигига мослашган бактерияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли экинни экишдан аввал уруғларга албатта “Ризотоптин”, “Ризобиум”, “Брадиризиобиум” биоўғитларининг бири билан 600–800 г/га ҳисобида ишлов берилиши керак, акс ҳолда соя ўсимлиги илдиэида биологик азот тўпланмайди.

Қуёш нури тушмайдиган жойга бир текис ёйилган уруғлар устидан биоўғитлар бир хилда сепади ва яхшилаб аралаштиргач, усти мато билан бир оз муддат ўраб қўйилади. Ишлов берилган уруғлар ўша куннинг ўзида экилиши керак, акс ҳолда фойдали бактериялар ўз кучини йўқотади.

Сояни экиш учун энг мақбул муддат тупроқнинг 0–10 см қатламдаги ҳарорат 12–14°C атрофида бўлишидир. Қатор ораси 60 ёки 70 см бўлган пуштага йирик-майдалигидан келиб чиққан ҳолда 60–80 кг меъёрда уруғлик сарфланса, ҳар гектар майдонда ўртача 350–400 минг туп қўчат олиниши таъминланади. Уруғлик СПЧ-6-8 пневматик сеялкасида 4–5 см чуқурликка экилиши энг мақбул ҳисобланади.

Асосий муддатда уруғ экиш ишларини жанубий минтақаларда март ойининг охири, марказий минтақаларда апрелнинг биринчи ярмидан, шимолий минтақаларда эса иккинчи ўн кунлигидан бошлаб ойи охирига қадар якунлаш мақбул ҳисобланади.

Уруғларни тупроқнинг табиий намлиги ҳисобига ундириб олиш муҳим аҳамиятга эга. Агар тупроқда намлик

етарли бўлмаса, майдонга енгилгина уруғ суви бериш талаб этилади. Акс ҳолда қўллаган жойлардаги уруғлар ўз унвчанлик хусусиятини йўқотади ва қўчат қалинлиги меъёрдан кам бўлишига олиб келади.

Нихоллар униб чиқиб, биринчи учталиқ барглр ҳосил бўлганда тупроқда ҳаво алмашишини таъминлаш, иссиқлик ва сув ўтказувчанлигини яхшилаш мақсадида қатор оралари культивация қилинади. Бунда КРХ-4 культиватори ишчи органлари камида 10–12 см чуқурликка, ўсимликлардан эса 8–10 см узоқликда юрадиган қилиб жойлаштирилиши керак. Вегетация да-



вомиди тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда қатор ораларига камида 2–3 марта культиватор билан ишлов берилади.

Майдонни бегона ўтлардан тозалаш мақсадида ўтоқ ва кетмон чопиқ қилиб турилади. Тупроқ шароитига кўра сизот сувлари юза жойлашган майдонларда 1 марта чуқур чизелланиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумотларга кўра, соя экинидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун соф ҳолда 70–75 кг азотли, 90 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитлар берилиши керак. Биринчи азотли озиқлантириш шоналаш даврига қадар ўтказилиши керак. Бунда қатор ораларига 30–35 кг/га миқдордаги азот культиватор ўғитлагич билан 12–14 см чуқурликка берилади.

Иккинчи азотли озиқлантириш шоналаш-гуллаш даврида ўтказилиб, 40 кг/га миқдорда 16–18 см чуқурликка солинади. Азотли ўғитларнинг бундан кеч муддатларда берилиши экиннинг ўсув даврини кечиктириб юборади.

Тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда биринчи суғориш шоналаш-

гуллаш босқичида ўртача 600–650 м³/га, иккинчиси гуллаш-дуккаклаш даврида, учинчиси донининг тўлиши даврида 800–850 м³/га меъёрда ўтказилади. Шунингдек, соя донининг пишиш босқичида намлик етарли бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар 15–20 кунда суғориб туриш мақсадга мувофиқ.

Суғориш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши доннинг тўлиқ бўлишини таъминлайди. Намлик етишмаса соя дони майда бўлиб, ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига олиб келади.

Соя экинига ўргимчаккана, шира, оққанот каби сўрувчи зараркундалар ҳамда кузги тунлам, қўсак қурти каби зараркундалар зарар келтиради. Уларга қарши курашишда биологик ва кимёвий қарши кураш чораларини уйғунлашган ҳолда қўллаш яхши самара беради.

Сўрувчи зараркундаларга қарши олтинқўз имогасини белгиланган нисбатларда ва тартибда тарқатиш мақсадга мувофиқ. Кимёвий курашишда эса комплекс таъсир этувчи препаратлардан фойдаланиш зарур.

Шира, оққанот, тамаки трипси, кичик ёшдаги қурт личинкаларига қарши “Моспилан” (0,15 л/га), “Карбафос” (0,6–1,0 л/га), “Дельтафос” (1,0 л/га), “Аплауд” (0,5 кг/га), “Адмирал” (0,5 л/га), “Полирин-К” (1,0 л/га), “Калипсо” (0,1 л/га), “Вертмек” (0,5 л/га), “Фуфанон” (1,0 л/га), “Кораген” (0,04–0,05 л/га), “Аваунт” (0,4–0,45 л/га) препаратларнинг бирортасини (кўрсатилган меъёрларига амал қилган ҳолда) тракторга тиркалган ОВХ пуркагичи билан гектарига 300 литр сув сарфланган ҳолда пуркалади.

Ўргимчакканага қарши профилактика учун гектарига 30–40 кг. дан олтингургутни чанглатиш, зарур бўлган вақтда кимёвий препаратлардан “Омайт” (1,5 л/га), “Нерон” (1,0–1,2 л/га), “Вертмек” (0,2–0,3 л/га), “Фуфанон” (1,2 л/га), “Дельтафос” (1,5 л/га) препаратларининг бирини белгиланган тартибда сепиш яхши самара беради.

Соя экинини парваришда агро-техника тадбирлари юқоридаги тавсияларга тўла амал қилган ҳолда ўз вақтида ўтказилганда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришилади.

А.МҲМИНОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қ.х.ф.н..

З.ЯҚУБОВ,

илмий ходим.

БОҒЛАРДАГИ БАҲОРГИ ЮМУШЛАР

Республикамызда қишнинг январь ва февраль ойларида ҳаво ҳарорати ўтган йилларга нисбатан анча илқ бўлиб, ёғингарчилик жуда ҳам кам кузатилди. Шу боис тажрибали боғбонларимиз дарахтларга шакл бериш, буташ ва сийраклаштириш ишларини якунлай деб қолди.

Ҳосилии боғ ва тоқзорларни эрта баҳорда (март ойи бошларида) озиқлантириш зарур бўлиб, бунда соф ҳолда 120 кг/га азотли, 90 кг/га фосфорли, 30–45 кг калийли ўғитларни 20–25 см чуқурликка солиш керак. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган боғларда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ушбу меъёр 20–30 фоизга оширилади. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан биргаликда берилса, самараси анча ошади.

Ёғингарчилиكنинг кам кузатилиши, тупроқда намликнинг етарли даражада бўлмаслиги мевали дарахтларнинг яхши ўсиб-ривожланишига, мевалари тўлиқ шаклланмай, майда бўлиб қолишига сабаб бўлади. Шу боис айни кунларда боғ-тоқзорларга албатта яхоб суви бериш зарур. Бунда боғлар 1500–2000 м³/га, тоқзорлар 1200–1500 м³/га меъёрдаги сув билан 3–4 кун давомида сугорилса, тупроқ обдон намланади. Шунда дарахтлар қуртакларининг уйғониши бироз кечикади.

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, март ойида республикамызда қисқа муддатли совуқлар тез-тез такрорланиб туриши дарахтларга салбий таъсир этади. Бунинг олдини олиш мақсадида, боғнинг ҳар бир гектар майдонида тутатиш учун гўнг, хашак ва хазон аралашмасини йиғиб қўйиш (уюмлар сони 150–200 та) зарур. Яна бир муҳим тадбир – бу совуқ кузатилиши олдидан боғ қатор ораларидаги сугориш ариқлардан сувни жилдирашиб оқизиб қўйишдир. Шундай қилинса, боғдаги ҳаво ҳарорати 2–3°C га кўтарилиб, дарахтлар совуқ уришидан сақлаб қолинади.



Дарахтларнинг қуртаклари бўртиш арафасида ҳаво ҳарорати +10°C дан паст бўлмаган вақтда уруғ ва данак мевали боғларга 3 фоизли Бордо суюқлиги (100 л сувга 3 кг мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшилади) билан ишлов бериш ҳам яхши самара беради.

Дарахт таналари ва шохларини оҳак (10 л сувга 2 кг оҳак ва 1,5 кг тупроқ аралаштирилади) билан оқлаш ҳам новдалардаги қуртакларнинг ҳаракатини кечиктиради.

Дарахтлар гуллаб бўлгач Бордо суюқлигининг 1 фоизли (100 л сувга 1 кг мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшилади) эритмаси пуркалади. Бундан ташқари чуқур таъсир этувчи фунгицидлар ҳам яхши самара беради. Бунда “Топсин–М” (1 л/га) препарати 0,1 фоизли қилиб сепилади. Шунингдек, “Байлетон” (0,2–0,3 л/га), “Фолликур” (0,25 л/га), “Вектра” (0,3 л/га) препаратларидан ҳам фойдалан ҳам яхши самара беради.

Март ойида тоқзорларда таъмирлаш ишлари, яъни темир-бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб чиқиш, устун тагларини зичлаш ишларини якунлаш лозим.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим ҳудудларда эса ойнинг охиридан бошлаб тоқ тупларини очиб, симбағаларга қўтариб боғлаш ишлари амалга оширилади.

Тоқлар симбағаларга қўтариб боғлангач, 10–20 т/га маҳаллий гўнг, соф ҳолда 60 кг/га азотли, 30 кг/га калийли минерал ўғитлар солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.

Республикамызда боғ-тоқзорлар майдони йилдан-йилга ортиб, ҳар йили 5–10 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва тоқзорлар ташкил этилмоқда. Янги боғ-тоқзор-

лар барпо қилишда хатоликка йўл қўймаслик зарур.

Мевали дарахтларнинг кўчатлари уч хил пайвандтагларда, яъни пакана пайвандтаг (паст бўйли), ўрта ўсувчи пайвандтаг ва кучли ўсувчи пайвандтагларда кўпайтирилади.

Янги боғлар барпо қилишда боғ атрофини ихоталаштириш, ниҳолларни шамоллардан ҳимоялаш имконини беради. Бунинг учун терак, ўрик, жийда ёки ёнғоқ каби дарахт кўчатларини экиш керак.

Янги боғ барпо этиш учун танланган майдон эрта баҳорда (март ойи бошида) кўчат экилишидан олдин текисланиб, 35–40 см чуқурликда плантаж сўқа ёрдамида ҳайдалади, тупроқ етилиши билан чизелланади ҳамда кетма-кет мола қилиниб, кўчат экиш учун режа тортилади.

Режа тортишда экиладиган кўчат турларига қараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5х2,5 м, ўрта ўсувчи 3,5х3 м, нок кўчатлари учун 3,5х2 м, ўрта ўсувчи 3,5х2,5 м, ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсувчи кўчатларда олма навига қараб, 5х3 м, 5х4 м, нок учун 5х3 м, 5х4 м схемалари тавсия этилади.

Кучли ўсувчи мевали дарахтларнинг кўчатларини қуйидаги схемаларда экиш тавсия этилади: олма 8х7 м, 8х6 м, нок 8х5 м, 8х5 м, беҳи 6х4 м, 5х4 м, ўрик 8х7 м, 8х6 м, гилос 8х7 м, 8х6 м, олхўри 6х5 м, 6х4 м, шафтоли 6х4 м, 5х4 м, ёнғоқ 8х8 м, 8х7 м, бодом 6х5 м, 6х4 м, хурмо 6х6 м, 6х5 м, олча 6х4 м, қорағат (смородина) 3х1,5 м, 3х1 м, малина 2,5х1 м, 2,5х0,5 м, тоқ кўчатлари 3х2,5 м, 3х2 м.

Янги кўчат экиладиган майдонларда режа қозиқлари ўрнатилгач, унга назорат қозиқлари ўрнатилиб, кўчат экиладиган чуқурлар қовланади. Чуқурлар КЯ–100 махсус агрегатида ёки қўлда 60х60х60 см ҳажмда қовланади.

Чуқурларни қовлашда аввал тупроқнинг юза 20–25 см қисми бир томонга, чуқурнинг тагидаги қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350–400 г фосфорли, 30–40 г калийли ўғитлар ҳамда 8–10 кг чирпанг гўнг тупроқ билан аралаштириб солиниб, кейин кўчат экилади.

Янги экиладиган кўчатларни экиш учун кўчатзордан экиш майдонига олиб боришда кўчатларни илдиз қисми шамолламаслиги учун уларни похол, брезент ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйилади.

Кўчатларни экишдан олдин майдон олдида катта чуқурда аталасимон лой тайёрланиб, унга 8:1, 10:1 миқдорида молнинг суюқ шатмоғи қўшилади. Шатмоққа кўчатларнинг илдизи бирма-бир яхшилаб ботириб олинади. Шунда экилган кўчатларни тезлик билан сугоришнинг имкони бўлмаган жараёнда ижобий таъсири катта бўлади.

Кўчатлар экилиб бўлингач, дарҳол сугориш ариқлари очилиб, кўчатлар сугорилади.

Тоқ кўчатлари ҳам худди шу усулда экилади. Бунда экилган кўчатларнинг 4–5 та куртаги қолдирилиб, қолган қисми кесиб ташланади. Кўчатлар сифатли қилиб экилса, улар яхши ўсиб-ривожланиб, кўп йиллар давомида мўл ва сифатли ҳосил беради.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н., Академик М.Мирзаев номи БУВаВИТИ.

*Мустақил ва озод Ватанимиз тараққиёти, унинг
ёруғ истиқболи йўлида самарали меҳнат қилаётган
барча юртдошларимизга, хусусан пахта тозалаш
саноати ходимларига баҳор элчиси — Наврўз
муборак!*

*Халқимиз дастурхони тўкин, nasibаси бутун
бўлишида жонбозлик кўрсатиб келаётган
бободехқонларимизни, меҳри дарё, саховатпеша
тадбиркор-у ишбилармонларни, қолаверса, барча
юртдошларимизни яшариш айёми билан самимий
қутлаймиз!*

**“Ўзпахтасаноат” акциядорлик
жамияти жамоаси**

*Муқаддас заминимиз узра кириб келган
яшариш ва янгиланиш айёми*

*— мафтункор Наврўзи олам эзгу ниятли
ватандошларимизга муборак бўлсин!*

*Наврўз бетакрор таровати билан диёримиз аҳлининг
файзли хонадонларига барака, ўзларига мустаҳкам соғлик,
ойлавий хотиржамлик олиб келишига тилакдошимиз!*

“De nova agro” компанияси жамоаси

ЭРТАГИ ЭКИНЛАРНИ ЭКДИНГИЗМИ?

Эртаги сабзавотларнинг бир қисмини дастлабки ўсув даврида шаффоф плёнка остида парваришlash ниҳолларнинг барвақт пайдо бўлиши ва ҳосили оддий усулга нисбатан камида 15-20 кун барвақт пишиб етилишини таъминлайди. Шу билан бирга, плёнкадан фойдаланилганда кечикиб экилган сабзавотларнинг ривожини жаддаллаштиришга имкон беради.

Кўчати орқали кўп етиштирилдиган иссиқсевар сабзавотлардан помидор, ширин қалампир, бақлажон экинларини кўчат қилиш ишлари кўчатхоналарда давом эттирилади. Ниҳоллар 2–3 барг чиқарганда ораси 5х6 см қилиб кўчириб ўтқазилади. Кўчириб ўтқазилган кўчатлар 10–12 кундан сўнг биринчи озиклантирилади. Бунда 10 л сувда 5 г аммоний сульфат ёки карбамид, 40 г суперфосфат ёки аммофос ва 10 г калий ўғитлари эритилиб, барг устидан берилди. 6-7 кундан кейин иккинчи маротаба юқоридаги миқдор икки маротаба кўпайтириб озиклантирилади. Учинчи озиклантириш кўчатларни очиқ далага экишдан 4–5 кун олдин амалга оширилади.

Кўчатларни парваришlashда кўчатхона ҳарорати ва тупроқ намлигига катта эътибор қаратиш лозим. Кўчатхонада ҳаво ҳарорати юқори бўлса тупроқдаги намлик тез буғланиб кетиши мумкин.

Мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган вилоятлардаги сабзавотчилик хўжаликлариди эртаги экинларни экиш 20 февралдан 20 мартгача, жанубий минтақаларда бу муддатдан 15–20 кун ил-

рида 10 мартгача, шимолий минтақаларида 30 мартгача экилади. Далага экиш учун 40–45 кунлик, барглари тўқ яшил, илдизлари дуркун ривожланган, соғлом кўчатлар танлаб олиниб, 70х25 (30) см схемада экилади. Кўчатлар экиб бўлгандан сўнг тупроқ намлигига эътибор қаратиш, талаб этилса суғориш лозим. Орадан 2–3 кун ўтгач эгатлар кўздан кечирилиб, хато жойларга кўчат экилади. Эгатларнинг ораларини КРН-2,8А русумли культиватор билан 15–16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимликлар атрофи юмшатилади, маъданли ўғитлар билан озиклантирилади ва суғорилади.

Эртаги пиёз 2–3 марта, дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида КРН-2,8А русумли культиватор билан 15–16 см чуқурликда ишлов берилади.

Баҳорги сабзи уруғи республика-мизнинг жанубий вилоятларида 15–28 февраль, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 1–15 март, шимолий минтақаларида 15–30 мартда сепилади. Уруғ сарфи гектарига 3–5 кг. Парваришlash жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири бу — ниҳолларни бир текис ундириб олиш ҳисобланади. Намлик маромида бўлганда ниҳоллар 10–12 кунда униб чиқади.



гарироқ, шимолий минтақаларда эса 15–25 кун кейинроқ, амала оширилади. Бу муддатда карам кўчатлари, пиёз, сабзи, редис, кўкат сабзавотлар (укроп, кашнич, петрушка, салат) уруғлари ҳамда уруғлик картошка туганаклари экилади. Плёнка остида уруғ экиш ва кўчат ўтқазиш очиқ ердагига нисбатан анча эртароқ бошланади. Помидор, ширин қалампир ва бақлажон сингари иссиқсевар ўсимлик кўчатлари мартнинг 2-ярмидан экила бошланади.

Эртаги карам кўчатлари республикаимизнинг марказий минтақала-



Ниҳоллар униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташ ва яганалашга киришиш лозим. Сабзи икки марта ўталади: дастлабки сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3–4 барг чиқарганда. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади. Бегона ўтларни йўқотиш

учун гербицидлардан фойдаланиш қўл келади. Кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши 10,5 фоизли “Зеллик Супер” 1 л/га меъёрда сепилади. Бир йиллик бегона ўтларга қарши эса уруғ экишдан олдин 50 фоизли “Гезагард” — 2–3 кг/га, 20 фоизли “Набу” — 1,5 кг/га меъёрда бегона ўтлар 1–2 чинбарг чиқарганда, 12,5 фоизли “Фюзилад Супер” препарати 1–2 кг/га ҳисобида бегона ўтлар 2–4 та чинбарг чиқарган вақтида пуркаш яхши самара беради.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажонни уруғидан етиштириш учун уруғларини очиқ майдонларга экиш ишлари об-ҳаво шароитига қараб март ойининг 3-декадасида амалга оширилади. Бунинг учун майдонларни тайёрлаш ишлари ўта сифатли бажарилиши лозим. Куз ойларида 30–40 см чуқурликда шудгор қилинган майдонлар март ойида икки марта чизелланади ва молаланади. Шундан сўнг 70 см оралиғида КРН-2,8А, КОН-2,8 ёки



КРО-4 русумли культиваторлар ёрдамида эгат олинади.

Эгат олингандан сўнг унинг устига чиринди ва фосфор-калий ўғитлари аралашмаси лента усулида тўшаб чиқилади. Бу аралашма эгат тўғрилганда тупроқ билан қоришиб кетади. Эгатлар эни 50 см кенгликдаги қора полиэтилен плёнка билан мулчаланади. Плёнканинг ҳар икки тарафидан 10 см қисми тупроқ билан ёпилади. Плёнкани эгат юзасидаги очиқ қисмини симметриясидан ҳар 25–30 см оралиқда 2–2,5 см кенликда тешилиб 1,5–2 см чуқурликда помидор, ширин қалампир ва бақлажон уруғлари экилади. Қора плёнка остига



экилган уруғлар эрта ва тўлиқ униб чиқади. Плёнка остида бир йиллик бегона ўтларнинг униб чиқиши ва ўсиб-ривожланиши тўхтади, тупроқ юмшоқ ва нам ҳолда сақланади. Ушбу усул қўлланилганда ўсимликларнинг илдиз қисми бақувват бўлиб ривожланади, тупроқнинг чуқурроқ қатламигача ўсиб бориши таъминланади.

Эртаги картошка экиш ишлари республикамизнинг марказий, шимолий ва қисман жанубий минтақаларида олиб борилади.

Эрта баҳорда картошка экишнинг энг мақбул муддати: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий ва Фарғона водийси вилоятлари учун 10 мартгача; Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари учун 1 мартгача; Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун эса 20 мартгача ҳисобланади. Экиш схемаси 70х25–30 ёки 90х25 см, экиш чуқурлиги 7–9 см. ни ташкил этиши лозим.

Эрта баҳорда экиш учун картошканинг эртапишар “Агаве”, “Санте”, “Гранола”, “Зарафшон”, “Ред Скарлет”, ўрта эрта-

пишар “Альвара”, “Аринда”, “Белуга”, “Виктория”, “Драга”, “Кондор”, “Карлена”, “Латона”, “Марфона”, “Пикассо” ва бошқа



навлари тавсия этилади.

Эртаги картошкadan ўртача 20 т ҳосил олиш учун 25–30 т маҳаллий гўнг, 200 кг азот, 170 кг фосфор, 100 кг ўғити соф ҳолда солинади. Бунда органик ўғитнинг ҳаммаси ва фосфорли, калийли ўғитларнинг 70 фоизи ҳайдовда бериш ва фосфор ва калий ўғитларининг қолган қисми ҳамда азотнинг 50 фоизи картошка униб чиққандан сўнг биринчи ишловда, азотнинг қолган қисми гуллашдан олдин берилади.

Ўсув даврида сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда 7–8 марта суғорилади. Суғориш ҳар ҳафтада 1 марта, ҳосил туганаклари пайдо бўлиши билан 5–6 кунда гектарига 400–500 м³ ҳисобида амалга оширилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари 10–12 см чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир КРН–2,8А, КОН–2,8А, КХО–4 русумли культиватор билан картошка шоналагунча амалга оширилади.

Эртаги муддатда барвақт экилиб, ўсув давридаги барча агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилган майдонлардаги картошка ҳосили ҳам эрта етилиб, йиғиштириб олинади. Ушбу майдонларни ўз вақтида қайта экишга тайёрлаб, такрорий сабзавот экинларини қулай муддатларда экиб, улардан мўл ҳосил етиштиришга эришилади.

Р.ҲАКИМОВ,

қ.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,

к.и.х., (СПЭваКТИ).

Долзарб мавзу

ФЕРМЕРЛИК — ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ ВА МАЪСУЛИЯТ

Сўнгги йилларда республикамиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида кузатилаётган жадал ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бугунги кунда аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш орқали мавжуд ер ва сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларини ички имкониятлар ҳисобига сифатли, экологик тоза ва нисбатан арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳар қандай иқтисодий ислохотларнинг юқори самарадорлиги аввало, унинг мустақкам ҳуқуқий асосга эга эканлиги ва уни амалда қўллаш механизмнинг нечоғлиқ мукамаллигига боғлиқ бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида асосан олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамоийилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни белгиловчи ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ҳаракатлар стра-

тегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида жумладан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг чора-тадбирлари белгилаб берилган бўлиб, бу борада фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш мумкинки, бу фермер хўжаликлари фаолияти янада ри-

вожланишида янги босқични бошлаб беради.

Фермер хўжаликларини солиққа тортиш масалаларида яратилган қулайликлар ҳам эътиборга молик. Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ҳозирги босқичида фермер хўжаликлари янги солиқ ва бошқа имтиёзларни бериш бўйича амалдаги Солиқ кодексига қатор ўзгартiriшлар киритилди. Бунда, пахта хомашёсини йиғиш бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган ишчилар даромад солигидан, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахслар тегишли ер участкасига нисбатан 5 йил муддатга ягона ер солигини тўлашдан озод этилиши фермерлар учун имкониятдир. Давлат солиқ сиёсатида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини фермер хўжаликлари ягона ер солигини тўлашда қўшимча имтиёзлар яратиш, фермерларга нисбатан солиқ идоралари томонидан солиқ тўлови амалга оширилмаган ҳар бир кун учун пеня ҳисобланишининг олдини олиш мақсадида солиқни



тўлаш муддатлари 3 даврдан 2 даврга ўзгартирилганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу фермер хўжаликлариغا ягона ер солиғини ҳисобот йилининг 1 сентябрига — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи миқдорида, 1 декабрига — солиқнинг қолган суммасини тўлаш имкониятини беради.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 26 сентябрдаги 179а, 96, 49-сонли қўшма қарори билан “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Ушбу низом пахта хомашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермерларга қатор имтиёзларни тақдим этади. Масалан, фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдони учун дизель ёнилғиси ва минерал ўғитларни олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли шохобчалар орқали харид қилиш каби имтиёзлар кўзда тутилди.

Давлат томонидан фермер хўжаликлариغا бундай имтиёзларнинг белгиланиши фермерда эртанги кунга бўлган ишончни янада мустақамланишига хизмат қилади.

Давлат фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириб имтиёзлар берар экан, ўз навбатида уларга қатор маъсулиятни ҳам юклайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони фермер хўжаликлари раҳбарларидан ердан фойдаланиш борасидаги мажбуриятларига янада жиддийроқ ёндашишни талаб этади. Чунки, ушбу ҳужжатда ердан фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизими қўлланилиб, 2018 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участ-

каларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилиб бориш белгиланди. Шунингдек, ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширмаган фермерларга нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилишга бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади. Ердан фойдаланиш маъсулиятини оширишга бўлган эҳтиёжнинг долзарблигини, ушбу масаланинг халқ депутатлари туман кенгашларида муҳокама қилиниши ҳолатини доимий равишда сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар чоракда Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш тавсия қилинганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Фармон билан Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2018–2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликлариغا айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгиланди. Албатта, бундай қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва жамият олдидаги маъсулиятини ҳис этмайдиган, шартномавий мажбуриятларни бажаришга эътиборсиз фермерлар билан курашишда катта ёрдам беради.

Ушбу фармон ўз навбатида фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солишга қаратилган айрим қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштиришни белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида фермер хўжалиги тушунчаси мустақамланган бўлиб, унда “Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи” субъект эканлиги кўрсатилган. Маълумки, кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган (тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қуриш ишлари ва хизматлар кўрса-

тиш) соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Кўп тармоқли фермер хўжалигининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим шартлардан бири, бу — фермер хўжалиги ўз даромадини ошириш мақсадида қонунда тақиқланмаган қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир. Кўриниб турибдики, қонуннинг 3-моддасини мазмунан ўзгартириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида фермер хўжаликлариغا ер участкалари захира ерлардан; юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан; қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан; қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилиши кўрсатилган. Бугунги талаб бўйича, ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги юритиш учун фермер хўжаликлариغا ижара шартлари асосида берилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларидан самаралироқ фойдаланилишини, фермер хўжаликларининг ерлардан фойдаланиш манфаатдорликларини янада оширади. Ушбу модданинг 3-қисмига кўра, “сув фонди ерлари” фермер хўжаликлариغا берилиши мумкин эмас. Сир эмаски, бугунги кунда сув фонди ерлари баликчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлариغا берилмоқда. Бу эса ушбу нормани қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни бугунги кун амалиётига мувофиқлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Б.ХУСЕНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи,

М.МИРЗААБДУЛЛАЕВА,

бошқарма стажёри, ю.ф.н.

КЎПТАРМОҚЛИК — ДАРОМАД МАНБАИ

Косонсой республикаимизнинг энг хушманзара туманларидан бири. Шунингдек, бу туман аҳли энг кўҳна кент эгаси эканликлари билан ҳам фахрланишади. Чунки Косонсой аҳли шаҳар қуриб, деҳқончилик, боғбонлик ишларини бошлаганларида ер юзидаги кўплаб шаҳарлар, давлатлар ҳали йўқ эди. Бундан қарийб икки минг йил аввал бошланган ишлар ҳозирда косонсойликларни доимо олдинга ҳаракат қилишга ундайди. Туманнинг умумий ер майдони 50852 гектарни ташкил этса-да, унинг 41047 гектарида деҳқончилик қилинади. 739 та фермер хўжалиги 23942 гектар экин майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

— Туманимиз экин майдонлари тоғолди ҳудудларида жойлашганлиги деҳқонларимизнинг гўза ва галла парваришида анча эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишларини талаб қилади, — дейди “Кушон роҳи сафед” фермер хўжалиги раҳбари Собиржон Жўрабоев. — Шунинг учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида кечиктирмасдан самарали ташкил этиш хўжалик раҳбарларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Туманимизда фаолият юритаётган кўплаб хўжаликлар кўптармоқчилик сари қадам ташлашган. Кўптармоқчилик хўжаликнинг асосий даромад манбаидир, шу билан бирга қишлоқ



“Кушон роҳи сафед” фермер хўжалиги фаолиятдан лавҳа

ёшларини доимий иш билан таъминлайди. Жумладан, бизнинг хўжалигимиз ҳам шу йўналиш натижасида ривожланиб бормоқда.

Мен 1994 йили ўрта мактабни тамомлаб отам Абдусамад Жўрабоев билан собиқ “Дўстлик” ширкат хўжалигида сувчи бўлиб иш бошлаганман. Раҳматли укам Шерали паррандачиликка ихлос қўйган эди. 2013 йили унинг ташаббуси билан 5 гектар экин майдони

сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Ҳокимиятдагилар бошлаган ишимизга омад тилашди. Ўша йили 5 ака-ука 8000 бош Ломан-браун зотли жўжани парваришлай бошладик. Шерали кун бўйи жўжалар атрофида парвона бўларди, унинг хурсандлиги бизни ҳам қувонтириб, янада ғайрат билан ишлашга ундарди. 2017 йилга қадар паррандалар сонини 27 минг бошга етказишга муваффақ бўлдик. Ҳозир 15 мингта тухумга кирган товук ва 15 мингта жўжа парваришляяпмиз. Туманимиз бозорларига ҳар кун и ўртача 12 минг дона тухум арзонлаштирилган нархларда етказиб берамиз. Айти пайтда 92 гектар экин майдонида 23 нафар доимий ишчимиз билан меҳнат қиляпмиз. Ернинг 20 гектари паррандалар учун озуқа етиштириш учун ажратилган.

Паррандачилик нозик соҳа эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларни ўз вақтида озиқлантириш, хоналарни санитария қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда озода тутиш, вакцинация ишларини самарали ташкил этишни талаб этади. Зооветеринаримиз Иброҳимжон Усмоновнинг ўз ишига масъулият билан ёндашганлиги сабабли хўжалигимиз кундан-кун ривож топиб бормоқда. Жорий йилда 51,4 гектарга галланнинг “Таня” навини экдик. Ҳозир озиқлантириш ишларини олиб боряпмиз, ривожланиши яхши. Ўтган йили ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олган эдик. Жорий йилда бу кўрсаткични 60 центнерга етказишни режалаштиряпмиз. 22 гектар майдонга пахтанинг уруғлик

“Меҳнат” навини экиш арафасида-миз. Гарчи ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олиш учун шартнома имзолаган бўлсак-да, 48—50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Хўжалигимиз замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланган. Ўтган йили Германиянинг “Лимкен” компаниясидан замонавий уруғ экиш сеялкасини харид қилдик. Бу техника ерни текислаб, керакли микдордаги уруғни белгиланган сантиметр оралиқда ва чуқурликда экади. Бу, албатта, экиладиган уруғнинг исроф бўлмаслигини таъминлайди. Тажрибали механизаторимиз Соҳибжон Жўрабоев техникаларимизни назорат қилиб иш самарадорлигини юқорилаб боришига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ишчиларимизни ҳордиқ чиқаришлари учун дала шийпонимизда барча шароитларни муҳайё. Ҳар кун икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. 0,5



Ака-ука Жўрабоевлар.

гектар майдонда ташкил қилинган иссиқхонамизда турли хил кўкатлар, помидор ва бодринг етиштириб, ишчи ва ходимларимиз истеъмоли учун етказиб берамиз.

2017 йил Собиржон Жўрабоев учун ҳам унутилмас йил бўлди. Қишлоқ хўжалик ходимлари кун и арафасида у Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги Фармонида мувофиқ “Шухрат” медали билан тақдирланди. Бу эса Собиржон бошчилигида фермер хўжалик ишчиларини ҳам қувонтириб, уларга кучқувват бағишлади.

Абдусамад ота тўрт ўғли бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганидан, туман фермер хўжаликлари орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб бораётганидан хурсанд бўлиб дуолар қилмоқда. Дуо олган муродга етар, дейишади.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

МАТОНАТЛИ ИНСОН ҲУЗУРИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги “Қизилўзак” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ислон Қаипназаров билан суҳбатимиз томорқа хўжаликларида олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

– Маҳалламизда 5235 нафар аҳоли истиқомат қилади, 197 та хўжалик томорқачилик билан банд. Жангабай Тулемуратов, Халбай Қўсечиев, Элзода Абдужамилваларнинг оилалари томорқасидан йилига 10–14 млн. сўмдан даромад қиладилар. Бизнинг ерларимизнинг ҳосилдорлиги паст бўлса-да, халқимиз кўзлаган мақсадига етишмаса, тинчимайди. Кенгесбай Ниёзов оиласи билан томорқасида олиб борилаётган ишлар гапимга исбот бўлади, – деди у ва бизни ушбу оила томорқаси томон бошлади.

– Томорқада ишлаш менинг жону дилим, ернинг ҳидини яхши кўраман. Айниқса, баҳор фаслида атрофда ёқимли насим эсади, – дейди қишнинг қор-қировли кунларида ҳам томорқасида куймаланиб юрган Кенгесбай Ниёзов.

Унинг оиласи кичкина эмас – 9 жон истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи Қуролай Сейдонова билан 7 нафар фарзандни уйли-жойли қилишди.

Уларнинг ҳаёт йўллари енгил кечмади. Кенгесбай ака тракторчилик қилар, рўзгорини шу касб орқасидан тебратарди. Болаларининг каттаси Қўчқорбой энди-гина 8 ёшга кирганида Кенгесбай аканинг бир қўли комбайнда янчишиб, кўп йиллар дард чекди, 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Шунда оила иқтисодий муаммоларга дуч келиб, улар тушкунликка ҳам тушишди. Ахир, каттагина оила, болалар ейман-ичаман, кияман дейди, турли тўловлар бор. Вазиятдан тўғри йўл орқали чиқиш кераклигини ўйлаган оила бошлиғи 1993 йилда 24 сотих қўшимча томорқа ер олиб иш бошлади. Бу ерга саримсоқпиез, помидор, карам ва бошқа бозорбоп экинлар экди, олма, ўрик, узум кўчатлари қадади. Бу мўъжазгина боғ бир неча йилда ҳосилга кирди. Боғ қатор ораларига экилган озиқ экинларнинг ҳам йилдан-йилга ҳосил-



дорлиги орта бориб, тез вақтда хўжалик эҳтиёжидан ортиб бозорга ҳам олиб чиқилад бошлади.

– Ўтган йили болгар қалампир, бодринг, аччиқ қалампир ва кўкатлар ҳам экдим, ҳосил яхши бўлди, – дейди Кенгесбай ака. – Ҳар йили 35 туп узум, 8 туп ўрик, 5 туп олма, 3 туп қорали, 5 туп беҳи дарахтларим мева беради. Уларнинг ораликларидаги 15 сотих ерга жўхори экяпман. Ҳар йили шу кичкина боғимиздан оиламизнинг еб-ичишидан ташқари 8–10 млн. сўмлаб даромад оламиз. Шу орқали 30–40 бош парранда, 2 бош соғин сигирни бузоқчалари билан боқаяпмиз. Жеткербай ва Қўчқорбойларни янги уйга кўчирдик, келинларимиз Замира ва Мадинахонлар фарзандлари билан келиб бизга қарашадилар. Қизларимиз Гулчехра ва Соҳибжамоллар ҳам оилали, жами 10 нафар неварамиз бор. Ёз бўйи келиб боғ ҳавосидан баҳра олишади. Биз узоқ бир қишлоқда яшасак ҳам бахтлимиз, ахир, яшаш учун имкониятимиз бор. Бу имконият – бизнинг мана шу томорқа хўжалигимиз.

Кенгесбай аканинг томорқаси-

ни кўздан кечирдик. Бу жойни боғ қилишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Кўмилган узумлар тупроқ оралаб дўппайиб турибди. Бу бежизга эмас, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг қиши қуруқ-совуқ иқлимли бўлиб, анжир, узум каби мевалар кўмилмаса, совуқ уриб кетади. Айрим жойларда кўмишдан олдин ерга гўнг ташлаш лозим бўлади.

Ҳамма яхши, тўқ, фаровон, бахтли яшашни хоҳлайди. Аммо бунинг учун изланиб имкон топомоқ керак. Бунга чимбойлик деҳқон оиласи мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Мамлакатимиз раҳбари халқ фаровонлиги ва озиқ-овқат саноати ривожига томорқачилик ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини бот-бот такрорламоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Томорқачиликка эътибор қучайса, халқимиз бунинг аҳамиятини тўла тушуниб етса, бир қарич ер ҳам эгасиз қолмайди. Бу дегани ҳамма тўқ, фаровон, бахтли яшаши учун имкон яралади.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Кенгесбай Ниёзов томорқасидаги боғда.

ДАРАХТ ЭККАН САВОБ ОЛАР

Дунёда шундай инсонлар борки, улар фарзандларининг, юртнинг, халқнинг келажagini ўйлаб яшайдилар. Уларнинг ҳар бир куни келажакка ташланган хайрли қадамдир.

– Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг ободлиги, гуллаб яшнаши ва кўркамлиги учун ҳар биримиз масъулмиз, – дейди Хоразм давлат ўрмон хўжалигида ўрмон муҳандиси вазифасида 27 йилдан бери фаолият олиб бораётган Эгамберди Қурязов. – Ҳазорасп туманининг Пичоқчи қишлоғида ҳайдовчи оиласида туғилиб, ўсдим. 1981 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)ни тугатиб, қишлоқ хўжалик кимёлаштириш бирлашмасида дастлаб техник кузатувчи, кейинчалик катта агроном бўлиб ишладим. Эндиликда ўрмончиман. Шу касб орқасидан обрў топдим, одамлар эътиборига тушдим, “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Ягона орзуим умрим бориша шу касбим билан халқим, мамлакатим учун хизмат қилишдир. Урганч шаҳридаги ҳар бир дарахга қўлим теккан, десам хато бўлмайди. Айниқса, кўҳна Хоразм фахри бўлган гужумларни яхши кўраман, уларни асраб-авайлашга ҳаракат қиламан.

У киши бу сўзларни айтarkan, ён-атрофдаги арча ва теракларга нигоҳини қадади. Ушбу дарахтлар ҳам салобати ва бор бўйи билан шамолларда силкиниб, бу содда ва камтар инсонга салом бераётгандек эди, гўё.

Бир ниҳолни ерга қадаб, уни ўстириб, улкан дарахтга айлантирганларни, юртни боғроғга буркаганларни халқимиз ҳамиша қадрлайди, кўкларга кўтаради. Айтишларича, ёши ўтиб қолган отахон бир туп тут кўчатини экаётган экан, йўлдан ўтаётган бир бекорчи унинг устидан кулибди ва:

– Ота, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолибди, бу экканингизнинг роҳатини кўрмасангиз, соясида бирпас чўзилмасангиз, нимага экяписиз?, – деб савол берибди.

– Ниҳол экканинг савоби кўп, болам. Балки бу тутни татиб ҳам кўрмасдан ўтиб кетарман, аммо неварачевараларим, албатта, тотади. Бу ниҳол улғайиб катта дарахт бўлса, кимдир тагида дам олса ёки мевасидан тотса, эккан-тикканга раҳмат деса бўлди, савоби менга тегаверади, – деб жавоб берган экан бобо ўзига хос табассум билан.

Кўриниб турибдики, бизнинг вазифамиз содагина яшаб ўтган боболаримиз, момоларимиздан қолган кўҳна дунё таомилларини давом қилдириб, борини асраб, келажак авлод-



га тақдим этишдан иборат.

Ўрмон хўжалиги ходимлари эса атроф-муҳит ободончилиги, турфа зироатларнинг мўлқўллиги, келгусида шаҳар ва қишлоқларга кўрк бўлгучи боғ-роғларни кўпайтириш билан бирга, арча, тол, гужум, тут, ўрик, гилос, олча, терак, қайрағоч каби турли-туман манзарали ва мевали дарахтлар сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, бу билан экологик муҳитнинг тозаланишига ҳисса қўшишдек хайрли ва масъулиятли вазифаларни бажарадилар.

Турмуш ўртоғи Роҳатжон Қурбонёзова билан биргаликда бир ўғилу уч қизни вояга етказиб, невараларга бобо бўлиб, онаси Пошшажон аядан “Отанга ўхшадинг, болам!” деган сўзни эшитган ўрмон муҳандиси Эгамберди аканинг хурсандчилигининг чеки йўқ. Ахир, отаси Ортиқбой ота ҳам ҳайдовчиликдан бўш қолди дегунча атрофга кўчат экиб, боғ қилишни хуш кўрарди-да.

– Бу бахтли кунларимни отам кўрмадилар, аммо онамнинг қувончидан, шу элда эъзозли бўлганимдан шодман. Ҳамкасбларим билан эккан кўчатларимиз бўй чўзиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшса, янада бахтли бўламан, – дейди Э. Қурязов.

Юртимизда Наврўзи олам тантаналари ҳукм сураётган шу шукуҳли кунларда тиниб-тинчимас, ўз ишига фидойи инсон Эгамберди Қурязовни, барча ўрмончиларни қутлуг байрам билан қутлаймиз. Халқимизнинг ҳар куни байрам, зафар ва шодиёналарга тўла бўлаверсин.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: “Дўстлик” ордени соҳиби Э.Қурязов.



ТРАКТОРВОР.UZ

МТЗ ВА БЛЮМИНГ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМІЙ ДИЛЕРИ

*Жаннатмакон юртимиз ривожига муносиб хисса
қўшаётган деҳқонларимизни, халқимизни Наврўз
байрами билан самимий қутлайди ва қуйидаги
қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этади:*

Беларус 80.1
Беларус 892
Беларус 920
Беларус 1025

Беларус 82.1
Беларус 952
Беларус 80X
Беларус 1221



(+998 98) 125-7-125
(+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд ва пул ўтказиш
йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган
Маҳсулотлар сертифициланган

БОБО ИЗИДАН БОРАЁТГАН НАБИРА

Яхши ниятларни дилига жо қилган деҳқон ҳеч қачон уйида тинч ўтирмайди. Чимбой туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Давлатбой Султоновнинг айтишича, бу йил чимбойлик деҳқонлар учун янада омадли келиши кутилмоқда.

Туманда 521 та фермер хўжалиги бор. Шундан 73 таси кўп тармоқли, 351 хўжалик пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Туман Марказий МТП учун “Қишлоққурилишбанк” кредити ҳисобидан 5 та юқори унум билан ишловчи бульдозер, 4 та комбайн, 10 та экин қатор ораларига ишлов берувчи чопиқ трактори, 4 та сеялка, 3 та культиватор олинганлиги деҳқончилик ишларида унумдорликни ошириш учун янги имконият яратди.

Наврўз байрами арафасида Чимбойга ташрифимиздан мақсад Қораўзак қишлоғилик асл деҳқон, раҳматли Пардабой ота Наврўзбаевнинг невараси, “Шуҳрат” медали соҳиби Муҳиддин Наврўзбаевнинг фермер хўжалигидаги ишлар билан танишиш эди.

“Сари олтин” фермер хўжалигини 2010 йилдан буён бошқариб келаётган бу ёш ва зиёли йигитга бобосининг ишончи билан эди. Тоғаси Нажмиддин Наврўзбаев хўжаликда иш бошқарувчи бўлса-да, отахон чаққон, изланувчан, тиниб-тинчимас катта неварасига кўпроқ ишонарди.

Муҳиддин Москва иқтисодиёт гуманитар институти Нукус филиалининг сиртки бўлимида ўқиб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллагач, хўжалик ишларини қайта режालаштирди. 2017 йилда 20 гектарга экилган буғдойнинг ҳар гектаридан 60–62 центнер ҳосил етиштирилди. Такрорий экинлардан 3 гектарга мош, 1 гектарга сабзи, 3 гектарга кунгабоқар экиб, юқори даромад олди. 10 гектар ерга экилган пахтадан 21 центнер ўрнига 27 центнердан хирмон кўтарилди.

– Техникамиз етарли, бобом ҳам асосий эътиборни техникага қаратар эди. Ерларимиз балл бонитети паст бўлиб, йилига икки ё уч марталаб ерларнинг шўрини ювмасак, кутилган ҳосилни ололмаймиз, – дейди Муҳиддин.

Жумашбай Жиёмуротов ва Қолназар Бердоновлар хўжаликда анча йиллардан буён тракторчилик қилаётганлари боис, ерларнинг паст-баландини яхши билишади. Иш кўзини биладиган сувчилар Жўлимбет Байниязов, Медет Хўжакиевлар, ишчилардан Даригул Раимова, Зевре



Сейтимбетовалар ҳар бир ишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Хўжаликдаги 80 гектар умумий ер майдонининг 67 гектарига экин экилади. 2017 йилда 64 млн. сўм соф фойда олди. Тиниб-тинчимас фермер бу фойдага сунъий балиқ ҳавзаси бунёд қилмоқчи, паррандачиликка эътибор қаратиб, курка боқишни йўлга қўймоқчи.

– Президентимизнинг биз фермерларга ишончи ва яратиб бераётган имкониятларидан тўла фойдаланиш пайти келди. Шу пайтгача кўп югур-югур қилиб янгиликка ҳаракат қилардик, лекин қаршиликлар кўп эди, – дейди М.Наврўзбаев. – Бу йилдан умидимиз катта. Инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш ғояси билан ишга киришдик. Ахир ҳар бир фермер биттадан янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ҳам иқтисодий ривожланиб, 2–3 нафар қишлоқдошимиз иш билан таъминланади.

30 ёшли фермер йигитнинг бугунги ўйлари янгиликлар яратиш, қишлоқдошлари ҳаётини фаровон, дастурхонини тўкин кўришдан иборат. Туманда “Йилнинг энг яхши фермер хўжалиги” номинацияси ғолиби бўлиб, қишлоқ хўжалиги ходимлари кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг “Фахрий ёрлиғи” ва қатор совғалар билан тақдирланган Муҳиддиннинг ҳали режалари улкан. Ишонамизки, у ўз қатъияти, бобосига хос ишчанлик хусусиятлари билан албатта кўзлаган мақсадларига эриша олади. Ахир 6 нафар ўғил, 6 нафар келин, 23 нафар невара, 4 нафар эвара, 4 нафар невара куршовидаги бувижони Зевира момонинг оқ фотиҳаси, халқ ишончи, фермер акаларининг дуолари унга доимо мадад беради.

Ҳар бир инсоннинг шаклланишида оила муҳити катта роль ўйнайди. Ахир, куш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмайди. Наврўзбаевлар сулоласидан 5 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари етишиб чиққан. Жумладан, Уснаддин Наврўзбаев “Мамбет”, Омонбай “Айнат Жамила”, Сирғабай “Наврўзбаев Муҳиддин”, Ғайратдин “Ғайратдин Наврўзбаев” фермер хўжаликларини бошқариб, йиллик режа ва топшириқларни ўз вақтида бажариб келмоқдалар.

– Бу ака-ука фермерлар ҳар йили тумандаги камхарж оилаларга 10–15 млн. сўмдан пул маблағи ажратиб, туман ва қишлоқдаги байрамларнинг кўнгилли ўтишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда, – дейди ҚФЙ оқсоқоли Ислон Қайифназаров.

Хайрли ишлар сари қадам ташлаётган чимбойликларнинг яна бир фазилати бор. Улар меҳмондўст, бир сўзли, матонатлидирлар. Зеро, уларнинг муваффақиятлари калити ҳам шунда.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Қ.Берданов (тракторда) ва фермер М.Наврўзбаев.

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Улуғнор, Бўз, Балиқчи туманлари зах, сув сатҳи юқори бўлган чўл ҳудудларида жойлашган. Шу боис бу туманларда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил кўтариш ниҳоятда қийин. Ҳосил чўғини кўтариш соҳа эгаларидан малака ва тажрибадан ташқари, табиат билан “келишиш”ни ҳам талаб қилади. Чунки биргина шамолнинг ўзи барча ҳаракатларингизни бир зумда йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Шундай бўлса-да, туманда меҳнат қилаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари йиллар ўтгани сайин юқори ҳосилдорлик сари интилмоқдалар. Бу мақсад йўлида уларга Улуғнор давсуммахсуспудрат давлат унитар корхонаси ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

– 2000 йили Андижон қишлоқ хўжалик институтининг муҳандис-гидротехник бўлимини тамомлаб, “Ирстрой” қошидаги Пахтаобод кўчма механизациялашган колонна муҳандиси лавозимида меҳнат фаолиятини бошлаганман, – дейди корхона раҳбари Наврўзбек Акрамов. – Бир неча йиллар давомида соҳам бўйича ишлаб тажриба ортирдим. Жорий йилдан ушбу корхонага раҳбар этиб тай-



инландим. Корхонамиз аҳли билан Балиқчи, Улуғнор, Андижон, Избоскан ва Бўз туманларида мелиорация, ирригация, реконструкция ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш бўйича давлат дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида бажариб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда корхонамизда 105 нафар ишчи бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Албатта, бизнинг соҳада ҳам замонавий техника ва асбоб-ускуналарга эҳтиёж катта. Шунинг учун барча техникаларимизни тўлиқ замонавийлаштиришга муваффақ бўлдик. 15 та экскаватор, 4 та бульдозер, 1 та автокран, 2 та самосвал, 1 та тягач, 1 та “Исузу” русумли тезкор техник хизмат кўрсатувчи автоустахона ва 15 та замонавий жиҳозланган вагонларимиз ҳар хил ҳудуддаги объектларимизда хизмат қилмоқда. Айни дамга қадар 3145 метрлик ёпиқ дренажлар реконструкция қилинди. Тентаксой дарёсининг 433 метр чап ва ўнг

қирғоқлари мустаҳкамланди. Андижон туманидаги Кўк гумбаз каналида таъмирлаш ишлари якунига етди. Улуғнор туманидаги 119-Д-5 ва ГД-7 хўжаликлараро коллекторлари таъмирланмоқда. Бўз туманидаги Ховос ва Шерқўрғон коллекторларида авария-тиклаш ишлари олиб борилмоқда



ҳамда Балиқчи туманидаги Бўстон хўжаликлараро коллектори ҳамда Аралхансой мироби СИУ коллектор дренаж тармоқлари реконструкция қилинди.

Албатта, ишчиларимизда баҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида устоз-шогирд анъанасига риоя қиламиз. Устоз экскаваторчи Муҳаммадқосим Деҳқонов ёшларга касб сир-синаотларини ўргатиш билан бирга илғорликни қўлдан бермай келяпти. Бу инсоннинг ўз касбига бўлган садоқати туфайли кўплаб ёшларда экскаваторчилик касбига бўлган қизиқиш ортди.

– Корхонамизда барча ишлар режа асосида йўлга қўйилган, – дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бекзодбек Қўчқаров. – Ишчиларимиз ўзларига бириктирилган техникаларини таъмирлаш вақтида 2 маҳал бепул овқат билан таъминланишади. Таъмирлаш ишларида тажрибали токаримиз Сардорбек Асқаров ва пайвандчи Мўминжон Абдусаматов бошқаларга ўрناк бўлишмоқда. 2,8 сотихлик иссиқхонада лимон, помидор ва бодринг етиштирамиз. Ҳосилни, албатта, ишчилар билан бирга баҳам кўрамиз. Ҳозирда яна иккита иссиқхона қуриш ишларини бошлаб юборганмиз. Мақсадимиз ишчиларимизни руҳини кўтариб, иш унумдорлигини ошириш.

Ҳа, корхона ишчилари ғайратига ҳавас қилса арзийди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли зах сувнинг сатҳи тушиб, ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида деҳқонларнинг ер билан тиллашишлари учун замин яратмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бекзодбек Қўчқаров (чапда) ва иш юритувчи Зайлобиддин Ҳамдамовлар иш жараёнини муҳокама қилишмоқда.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ



Президентимизнинг халқимизга қарата айтган ҳар бир сўзлари эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган кўплаб фуқароларимизни бир зум ортга назар солишга ундамоқда. Ҳа, атиги бир неча ўн йиллар аввал халқимиз турғунлик йилларини бошидан кечириб, эндигина мустақиллик насимлари эсаётган пайтларда ҳам сувдан нооқилона фойдаланиш, кимёвий воситаларни ҳаддан зиёд қўллаш натижасида она заминимиз ўзининг ҳосилдорлигини деярли йўқотган эди. Президентимизнинг ерга эътибор бериб, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақидаги фармон ва қарорларидан сўнг деҳқонларимиз заминимизга алоҳида эътибор қаратиб, озиқлантириш, ирригация ва мелиорация ишларига астойдил бел боғладилар.

— Туманимиз экин майдонларининг асосий қисмини чўл ва даштлар ташкил қилади, — дейди Олтиариқ тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Нодиржон Маҳмудов. — Аллақачон жорий йил ҳосили учун керакли тадбирларни бошлаб юборганмиз. Биринчи навбатда ғаллани маҳаллий ўғит билан озиқлантиряпмиз. Экин майдонлари атрофи ҳар хил ўт-ўланлардан тозаланиб, ариқ-зовурлар фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилмоқда, пахта экиладиган майдонларда агро-техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир туманимизда фаолият юритаётган 607 та фермер хўжаликларнинг 87 таси кўп тармоқли хўжаликка айланган. Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш имкониятининг берилиши хўжаликларимизнинг такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш учун бўлган иштиёқларини янада оширди.

“Хайрулла, Баҳром Бойматов” кўп тармоқли фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири.

— 1994 йили мактабни тамомлаб, собиқ Навоий номи ширкат хўжалигига оддий ишчи бўлиб ишга кирганман, дейди хўжалик раҳбари Исақжон Бойматов. — Отам Жалил ака Бойматов шу хўжаликнинг уста деҳқонларидан эдилар. Биринчи Президентимизнинг фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳақидаги фармонларини эшитиб, “Ўғлим, энди деҳқоннинг елкасига офтоб тегадиган вақт келди” деганлари

ҳали-ҳануз едимда. 1998 йили отам 2 гектар боғдорчилик хўжалиги ташкил қилдилар. 2003 йили хўжалигимиз майдони 6,5 гектарга кенгайди. Шу йили отам хўжалик бошқарувини менга ишониб топширдилар. Тинимсиз қилаётган меҳнатимиз натижасида экин майдонимиз 2007 йили 40 гектарга, 2009 йили 87 гектарга, 2016 йили эса 185 гектарга етди. Ўтган йили 105 гектарга ғалланинг “Асп” навини экиб, ҳар гектар майдондан режадаги 40 центнер ўрнига 80 центнердан ҳосил кўтардик. 69 гектар ерда пахтанинг С-8290 навини парваришлаб, ҳар гектар ердан 40 центнердан “оқ олтин” олишга муваффақ бўлдик. Жорий йилда ҳам 100 гектар майдонда ғалланинг “Асп” навини парваришляпмиз, 74 гектар майдонни пахтанинг С-8290 навини экиш учун таёрлаб қўйдик. Экин майдонларимиз Олтиариқнинг чўл ҳудудларида бўлганлиги учун бу ерлардан юқори ҳосил олиш машаққатли меҳнатни талаб қилади. Шу боис деҳқоннинг қаноти бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини доимо шай ҳолда сақлаймиз. Ўтган даврда 300 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, техникаларимизни бутлаб олишга эришдик. Ҳозирда “Класс Доминатор” комбайни, “Орион” ҳайдов трактори, 3 та МТЗ-80 қатор орасига ишлов берувчи, 3 та МТЗ-80 транспорт трактори ва 1 та “POLICE” ўт ўриш комбайни барча тиркамалари билан дала шийпонимизда сақланади.

Ҳозирда хўжалик таркибида насли қорамолчилик, қўйчилик,

туячилик, асаларичилик ва совутгич каби тармоқлар мавжуд. Биз хўжалик раҳбаридан ушбу тармоқларнинг шаклланиши ҳақида сўрадик.

Онажонимиз Розияхон Бойматованинг маслаҳати билан 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, чорвачилик йўналишини ташкил қилдик. Хонадонимизда бўлган 5—6 бош қорамол ва 10—15 бош қўйларимизни наслини яхшилаш ва кўпайтиришга ҳаракат қилдик. 90 бош насли қорамолни имтиёзли кредит асосида Германиядан келтирдик, 150 бош насли ҳисори қўйларни парваришляпмиз. 2012 йили она-бола туя сотиб олган эдик, ҳозир 4 бошга етди. Туянинг сути шифобахш бўлганлиги учун харидоргир. Дала шийпонимиз атрофига 50 та яшиқда асалари уяларини ўрнатдик. Натижада ишчиларимиз асалдай тансиқ неъматдан баҳраманд бўлишмоқда. 10 гектар боғимиз бор. Узумнинг 10—15 навини парвариш қиляпмиз. Авваллари айни пишиқчилик пайтида ҳосилни қаерга, кимга сотишни билмай қолардик. Натижада арзон-гаровга сотишга мажбур бўлардик. Давлатимиз яратган имтиёздан фойдаланиб 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб Хитой-Германия технологияси асосида ишлайдиган совутгични ишга туширдик. Шу билан хўжаликда етиштирилган 300 тонна боғдорчилик ва поллиз маҳсулотларини сақлаш имкониятига эга бўлдик.

Биз Исақжондан хўжалик ишчиларининг моддий манфаатдорлиги ҳақида сўрадик.

— Хўжалигимизда 120 нафар қишлоғимиз ёшлари меҳнат қилмоқда. Улар ойига ўртача 700 минг сўм атрофида маош олишади. Биз ҳам малакали мутахассисларни қўйиб юборгимиз келмайди. Бунинг учун ҳар бир ишчининг моддий ва оилавий аҳволидан хабардор бўлиб турамиз. Топган даромадимиз ҳисобидан кам таъминланган ишчиларимизга ва қишлоқ фуқароларига ҳар йили 15 млн. сўм ҳомийлик маблағлари ажратамиз. Бундан ташқари, Фарғона шаҳридаги Меҳрибонлик уйи ва Мурувват уйларига ҳам ўртача 50 млн. сўм ажратамиз.

Исақжон билан суҳбатлашар эканмиз, оддий деҳқоннинг фарзанди пешона тери билан шундай улкан мақсадлар сари интилаётганига ҳавасимиз келди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Қурбонали Отажонов (чапда) ва хўжалик раҳбари Исақжон Бойматовлар янги техникаларни кўздан кечиришмоқда.

КЎНГИЛ ИЧИДАГИ ДУРЛАР

Она – меҳр ва муҳаббат тимсоли. Юракдан юрак ажратиб, дунёни ҳис қилмоғимиз учун фидойи бўлган, бизни сийлаб, силаб-сийпаб, қайгуриб, тунларини болам деб уйқусиз ўтказган зот ҳам шу мўътабар, шу хокисор, шу дуогўй аёллар – Онажонларимиздир.

Ҳар гал Хоразмга борганимда Шовот туманида умргузаронлик қилаётган онахон Шарқия Алиева билан ҳамсухбат бўлиб тураман. Самимий, қатъиятли, ҳалиям дилбар, ўз фикрини суҳбатдошига ўтказа оладиган, йиллар тажрибасини, салоҳияти ва юкини ўзида мужассам этган 86 ёшни қоралаган, азиз ва мукаррам момомиз ўз кечинмалари, ҳаёт, ота-она ҳақидаги эзгу фикрларини одобнома шаклида жамлаб “Умр ҳикматлари” бадий публицистик талқиндаги иккита китобини нашр эттирган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу китоб мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” Республика танловининг вилоят босқичида 2-даражали дипломга сазовор деб топилган.

Ҳозирда ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари, кексалар ва ёшлар томонидан ўқиётган ушбу китобларини менга ҳам тақдим этди. Жуда ўқишли, ҳаётнинг турфа кечмишлари ифодаланган. Айниқса, ота-она ҳақидаги сатрлар ўқувчи қалбини тўлқинлантирмай қўймайди. Гурлан, Шовот, Янгибозор туманларида кечган ҳаёти мобайнида кўрган-кечирганлари, воқеликлар маъноли ҳамда бадий маҳорат билан баён қилинади.

– Кўзларим кўрмайди, шунга невараларимга айтиб ёздираман, – дейди Шарқия она. – Яхшиямки бахтимга “Хоразм” нашриёти директори Болтабой Бекметов бор экан. Шоирнинг юрагида нақш бўлади, бу нақш унинг халқчиллигида, Болтабой ана шундай инсон. Унинг шеърлари ҳам ўзидай самимий. Китобларим унинг таҳрири остида чиқарилди. Оллоҳга шукроналар айтаман, дилимдагини гоҳ шеър, гоҳ насрий мисраларда баён қила олдим. Бугунги ёш авлодга маънавий озуқа бўлса дейман. Бизнинг умр йўлларимиз ҳам ўзига хос ибратли, ҳайратли воқеликларга бой бўлди, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўриб синалиб шу ёшга етдик. Бугунги куннинг ёшларини телефон, ноутбукка ўхшаган турли туман техникаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо буларга муккасидан кетиб интернетдаги ёт гоёларга илакишаётганлар озмунчами? Ҳар нарсда меъёр бор, меъёрни билмай соғлигини йўқотаётганлар ҳам анчагина. Кўпроқ китобга ошно бўлган қалб адашмайди. Биз кўп китоб ўқирдик, ота-оналаримиз доимо китоб совға қилишар, тилло топгандай ўқиб, таассуротларга тўлиб яшардик. Бизнинг болалигимиз катталар йўриғида эди, бу кўрқис эмас, ҳурмат асосига қурилганди.

Негадир Шарқия исмига эътибор қаратаман. Шарқлик деганимикин, қуёшли деганими, ёки шарҳламоқ тарзида қабул қилмоқ керакми? Қайси

тарзда қабул қилсак-да онахон исмига жуда мос. Ҳаёт тарзида кўнгилчанлик, ибратлилик, меҳр ва садоқат акс этади.

1932 йилда Шовот туманида туғилган бўлса-да, Янгибозор, Урганч, Гурлан туманларида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Ўз фаолиятини асосан ёшлар тарбиясига бағишлаган Шарқия она нафақага чиққунича Шовот туманидаги 4-сонли билим юрти, яъни ҳозирги қурилиш касб-хунар коллежига раҳбарлик қилди.

– Ҳаёт синовларга бой экан, – дейди у ва ўз шеърида шундай ёзади:

Ҳаёт йўли балки нотекис,
Бордир чуқур-чақирлари ҳам.
Мен-ку хушёр, ақлим ҳам тўқис,
Сергак қадам ташлайман деган.
Ҳаётим жилови қўлимда-ку деб,
Хоҳлаган тарафга бураман деган,
Тақдиримни ўзим яратиб,
Тақдирни етаклаб юраман, деган –
Ўша менман, ўша мен эдим...

Тақдирни етаклаб бўлмас экан, тақдир сени етаклар экан. Эртақдаги сартарош юрагини бўшатиш учун “Искандарнинг шоҳи бор” – деб қудуққа қичқирганидай мен жуда сиқилиб кетганимда хоҳ уйда бўлсин, хоҳ ишда дардларимни қоғозга ёзиб-ёзиб кетаверар эдим, – дейди у.

Қизларга насиҳат ва тилаклари бисёр онахон бугун тез-тез ёшлар, аёллар даврасида бўлиб, ҳаёт ҳақидаги ақидаларини ўртоқлашади. “Қалб кўзидан айирмасин инсонни”, “Рашк”, “Ватан” деб номланган битикларини ўқиб ҳаммани шод қиларкан, кўнгли эзгуликлар уйғотувчи фикрларга лиммолим бўлиб яна ёзишга, тўғриси невараларидан бирини чақириб ёздиришга тушади. – Фақат юрагим сал панд беради, – дейди у ўй ҳаёлларга чўкиб.

Оллоҳимдан онахонимизга яна узоқ умр, саломатлик, ёшларимизга тарбия беришда куч-қувват тилаймиз, албатта улар бор ҳаётимиз нурли, шуқуҳли, ширин дуолари бизга мададқордир.

Ҳа, шоираликка давогар эмас-у, ҳаёт ўғитларига тўла кўнгилнинг кечинмалари янги дунё, меҳр-муҳаббат, садоқат, сиҳатлилик, юрт тинчлигини қўриқлаётган посбонларимиз, элбошимизга бўлган эҳтиромни, миллатимизнинг урф-одатларини, тарихи ва кечмишини, келажаги самимиятни, шу ҳаётда яшаётгани учун тўлиқ шукронани айтиб, Ватан мадҳини куйлашни ҳам шу азиз, муҳтарама онахонларимиздан ўргансак арзийди. Зеро, улар муқаддас, пойқадами жаннатга тенг Онажон деган шарафли номга лойиқдирлар.

ЖОЗИБА.

*Серғуёш Ўзбекистонимизга
тўқинлик, бахт-саодат,
улутворлик олиб келаётган
Наерўз айёми билан
республикамиз аграр соҳа
вакилларини, барча
юртдошларимизни чин дилдан
табриклаймиз.
Озодлик ва истиқлол нури
қалбингизни нурафшон айлаб,
ҳар кунингиз омадларга тўла
бўлсин!*

**Хива тумани ҳокимлиги ва
Қишлоқ хўжалиги бўлими
жамоаси**



“ТОШКЕСКАН”НИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллиги байрами нишонланаётган кунларда, аниқроғи ўтган йилнинг 2 сентябрь куни Зарбдор туманига ташриф буюрди. Президентимиз тумандаги “Тошкескан” фермер хўжалиги даласида воҳанинг аграр соҳа вакиллари билан самимий мулоқот қилди. Учрашув барча иштирокчилар, биринчи навбатда мезбон хўжалик аъзоларида катта таассурот қолдирди.

— Юртбошимизнинг хўжалигимизга ташрифи ҳаётимизда энг қувончли унутилмас воқеалардан бўлди, — дейди фермер Сайдулла Пармонов. — Президентимизнинг биз билан суҳбат давомида айтган: “Мустақилликнинг илк йилларидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Фермерлар ризқ-рўзимизни таъминловчи, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилувчи қудратли кучга айланди”, деган фикрлари мен каби фермерларнинг фаолиятига берилган юксак баҳо бўлди.

Бундан 21 йил аввал ташкил топган “Тошкескан” фермер хўжалиги ўтган йиллар мобайнида ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Биргина 2017 йил якунларига кўра, пахтачилик, ғаллачилик ва такрорий экинлардан жами 200 миллион сўмдан ортиқ даромад олингани, жамоанинг машина-трактор паркида 5 та замонавий тракторнинг ишга шай тургани, 20 нафар ишчининг доимий юмуш билан таъминланганлигининг ўзи ана шу ривожланишнинг ёрқин далилидир.

Юртимиз етакчиси машварат ўтказган ўша дала шийпониди жамоа аъзоларининг баракали меҳнатдан кейин мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит муҳайё. Бу маскан йилнинг тўрт фаслида, ҳатто қишнинг совуқ кунларида ҳам мавсумий ишлар билан машғул деҳқонларнинг иккинчи уйига айланган, десак муболаға бўлмас. Кенг, ёруғ ва иссиқ хонада кундалик зарурий жиҳозлар, телевизор, газета-журнал, омборда эса, шу ернинг ўзида етиштирилган сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муҳайё.

Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликнинг аҳил жамоаси 73 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Ўтган йили даланинг тенг ярмига пахта, қолганига ғалла экилди. Давлатга ғалла ва пахта сотиш шартномавий режалари ортиги билан уйданди. Шу билан бирга ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 20 гектарга мош, 5 гектарга полиз, 2 гектарга кунжут ва яна шунча ерга кунга-

да, маромига етказиб адо этишга одатланган. Қиш фасли ҳам бундан мустасно эмас: ғалла экилган далалар ғўзапоядан тозаланди, озиқлантирилди. Чигит экишга мўлжалланган майдонларга чилла суви таралиб, карталар бошида маҳаллий ўғит захираси жамғарилди. Ариқ-зовурлар атрофидаги бўш майдонлар ҳам эътиборсиз қолмади: Ҳозир бу ерларда барпо этилган ихчам иссиқхоналарда лимон, эртаги сабзавотлар парваришланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси жамоанинг Фурқат Мелиев, Давронбек Анорбоев, Равшан Кулиев сингари фидойи ва тажрибали аъзоларининг беминнат саъй-ҳаракатлари туфайли хайрли якутини топаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони мувофиқ Сайдулла Пармонов “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди. Қишлоқ мулкдорининг хонадони ўша кунлари кадрдонлари, ҳамкасблари, узоқ-яқин таниш-билишлари билан тўлиб кетди. Уларнинг самимий қутловларидан совриндор фермернинг боши осмонга етди...

Халқимизнинг “Меҳнат қилган элда азиз”, деган пурмаёно ҳикматига С.Пармоновнинг ҳаёти мисолдир. Фермер ўз меҳнати эвазига олдиға қўйган барча мақсадларига эришмоқда. Бунда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, Президентимиз раҳнамолигида тадбиркору фермерларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар муҳим омил бўлаётир. Зеро, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон юрдагина бунёдкорлик ишлари ривожланиб, фаровонлик ортаверади.

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбирими.

Суратда: “Меҳнат шухрати” ордени соҳиб, “Тошкескан” фермер хўжалиги раҳбари Сайдулла Пармонов.



боқар экилиб, мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди.

— Давлатимиз томонидан деҳқончилик қилишимиз учун барча шарт-шароитларнинг яратиб берилгани, фермерлик ҳаракати ривожига замин бўлаётган имконият ва имтиёзларнинг мавжудлиги бизни гайрат билан меҳнат қилишга ундамоқда, — дея сўзида давом этади С.Пармонов. — Биргина мисол, шу пайтгача янада самарали фаолият кўрсатишимизга сув танқислиги ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келарди. Ёнгинамизда Сардоба сув омбори фойдаланишга топширилгандан кейин бу борадаги муаммолар ўз ечимини топди.

“Тошкескан” деҳқонлари ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақти-

ЎРМОНЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

Марказий Осиёнинг дурдонаси ҳисобланмиш жонажон Ўзбекистонимизнинг Фарғона водийси ўзига хос мўътадил иқлими, сўлим табиати, беқиёс тоғлари, турфа боғлари, мовий кўллари, унумдор тупроғи, асосийси, меҳрли, меҳмондўст халқи билан донг таратган. Бу гўшага ташрифимиз давомида ўзининг ҳалол меҳнати эвазига “Дўстлик”, “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби бўлган, бир қанча илмий-амалий, бадиий нашрлар муаллифи, Қўқон давлат ўрмон хўжалиги директори Мансурхўжа Хўжаев билан суҳбатлашдик.

– *Суҳбатимизни, аввало, болалигингиз, ёшлигингиз ва илк меҳнат фаолиятингиз ҳақидаги ҳикоялар билан бошласак.*

– Халқ бошига оғир кунлар тушган даврларда, яъни 1941 йилда Данғара туманида оддий деҳқон оиласида туғилганман. Меҳнат фаолиятимини 1961 йилда Данғара туманидаги хўжаликлардан бирида иқтисодчи-ҳисобчи лавозимидан бошладим. Сўнгра туман ва вилоят миқёсидаги турли раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатдим. 1987 йилдан Қўқон давлат ўрмон хўжалиги директори, 2017 йилдан эса Фарғона вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Қўқон давлат ўрмон хўжалиги директори сифатида қўлимдан келганича ўрмонзорларни асраш ва кўпайтириш йўлида меҳнат қилиб келяпман.

– *“Яшил олам тилсимлари” китобингиз орқали Фарғона ўрмонлари тарихи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Бугун сиз ўзингиз бошқараётган ўрмон хўжалиги фаолиятига ҳам тўхталсангиз.*

– Қўқон давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 9428 гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қоплангани 3676 гектарни, туташмаган ўрмонзорлар 529 гектарни ташкил қилади. 2500 гектардан зиёд шағалли, зах ва шўрлаган ерлар кейинги уч йилда ўзлаштирилиб, пистазор, бодомзор ва маданий ўрмонзорларга айланди. Ўрмонлар ҳудудидан янги зовурлар, ариқлар қазилиб, эскилари таъмирланди. Натижада ерларнинг балл-бонитети яхшиланди.

Вилоят ҳокимлиги ёрдами билан маҳаллий бюджетдан 200 млн. сўм маблағ ажратилиб, Шоберди, Асад, Орол, Сирдарё, Қипчоқ ўрмончилик бўлимларига дренаж сувлари чиқариш ишлари охирига етказилди.

Водийдаги 360 та катта-кичик кўл, тоғ жилғаларини, сойларни, Сўх, Қувасой, Шоҳимардонсой, Исфарасой, Хўжабақирғон, Резаксой, Чодаксой, Ғовасой, Қорасув, Қорақўнғир, Фулти, Қорадарё, Норин ва Сирдарё соҳилларидаги бепоён тўқайзорлардаги хилма хил-



ликни ва бутун Фарғона вилоятидаги наботот олами, табиий гиёҳлар, ўт-ўланлар, ер ости ва ер усти бойликларини келажак учун асрамоқ биз ўрмончиларга боғлиқ.

– *Ўрмон хўжаликлари тизими-ни ривожлантириш, доривор ва озукабон ўсимликлар хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни кенгайтириш бўйича қўқонлик ўрмончилар айна кунларда қандай ишларни амалга оширмоқдалар?*

– 2015 йили хўжалигимиз дастлаб 41 гектар ерга кўпгина турдаги доривор ва озукабон ўсимликларнинг уруғларини экишни йўлга қўйган эди. Бугунги кунда хўжалигимизда 50 дан ортиқ турдаги доривор ўсимликлар етиштирилмоқда. 2 та жойда “Шифобахш” чой дамламалари ичиш масканини ташкил қилганмиз. Халқ саломатлигини асраш йўлида 500 млн. сўмлик доривор маҳсулот етиштириш ва бир қисмини хорижга сотиш чора-тадбирларини белгилаб олдик. Умумий даромадимиз 2018 йилда 2,5 млрд.

сўмдан ошиши кутилаяпти. Бу 2017 йилга нисбатан 171 фоизга кўпдир.

– *Ҳар бир соҳа каби ўрмончиликни ҳам техникасиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

– Моддий техника базамизни ривожлантириш мақсадида сўнгги уч йил ичида кўп ишлар қилдик. 3 та ҳайдов трактори, 3 та хизмат автомашинамиз бор. 2015 йилда лизинг асосида 1 та ҳайдов трактори ва бюджет даромадидан “Isuzu” юк автомашинаси сотиб олдик. Шифобахш маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш мақсадида хорижда ишлаб чиқилган “DXDCH-10D” ҳамда доривор озукабон маҳсулотларни суялтириб қадоқловчи “Fill up 2 visco” маркали ускуналар сотиб олдик.

– *Хориж билан ҳамкорлик, янги технология ва янги иш ўринлари яратиш каби бугуннинг долзарб масалалари хўжаликда қандай ўз ечимини топаёпти?*

– 2013 йилдан Туркиянинг “ТИКА” ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бугунги кунда Туркиядан келтирилган 56 турдаги тезўсар теракларни кўпайтиряпмиз.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ўрмончилик соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди, даромадларимиз бир неча баробар ошди. Бунда хўжаликларимизда куркачилик, беданачилик, балиқчилик куёнчилик каби соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Қўшимча тармоқлар ташкил этилиши натижасида биргина ўтган йилнинг ўзида 400 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Жорий йилда 1000 дан ортиқ иш ўрини яратишни режалаштирганмиз.

Ўрмон хўжалигимизда касаба уюшма фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчиларнинг дам олиш шароитлари, таътилда сиҳаттоҳларда ором олишлари, тўй-маъракалар ўтказишлари учун доимо ёрдам кўрсатилади. Барчамизнинг мақсадимиз Ватан равнақи, юрт фаровонлиги учун муносиб меҳнат қилмоқдир.

Ўз мухбиримиз

Ш.ЖАББАРОВА
суҳбатлашди.

**Муқаддас заминимиз аҳолисини баҳор
айёми — Наврӯз билан муборакбод
этамиз.**

**Тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳонда
нуфузи тобора юксалиб бораётган
бетакрор диёримизга ҳеч қачон кўз
тегмасин, озод ва обод юртимиз жамоли
янада чирой очаверсин!**

**Бунёдкор халқимизга баҳор элчиси
бўлмиш Наврӯз
мустаҳкам соғлик, оилавий
хотиржамлик, улкан муваффақиятлар
олиб келсин!**

“Қишлоққурилишинвест” МЧЖ

ФУРҚАТЛИК ФЕРМЕР ШИЖОАТИ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Фермер хўжаликлари кўптармоқчилиқ йўналишида фаолият олиб боришининг таҳлили хўжаликларнинг айланма маблағлари ошганлигини, экин майдонлари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келганлигини, пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайганлигини кўрсатди.

— Туманимизда 425 нафар фермер хўжалиги бор, — дейди Фурқат тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Фанижон Тошмуродов. — Уларнинг 55 таси кўптармоқли. Жорий йилда яна ўнлаб хўжаликлар янги йўналишларда фаолият юритиб, кўп тармоқли бўлиш учун ўз ҳаракатларини бошлашган.

Жорий йилда туманимизнинг 6650 гектар экин майдонида ғалла ва 5905 гектар майдонида пахта етиштирилади. Айни кунларда ғалладан бўшаган майдонларда етиштириладиган такрорий экинлар маҳсулотлари учун “Фурқат агроэкспо” экспорт компанияси билан шартномалар тузилмоқда. Бу дега, аллақачон кузги юмушларга ҳам тайёргарликни бошлаганмиз.

Туманда илғор хўжаликлар кўплаб топилади. “Қудратилло” фермер хўжалиги шулардан бири. Биз туман ҳокими ўринбосари билан хайрлашиб, ушбу хўжаликка йўл олдик.

— 1993 йилда Фарғона шаҳридаги савдо техникумини тамомлаб, туман тайёрлов савдо корхонасида меҳнат фаолиятимни бошлаганман, — дея сўз бошлади фермер Дарвешали Маматқулов. — Отам Тоҳиржон ака узоқ йиллар қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият олиб борганликлари сабаб бўлса керак, ерга меҳрим бўлакча эди. 1996 йили фермер хўжалиги ташкил этиб, 2 гектар ерга пахта ва ғалла экдик. Ҳосил чакки бўлмади, дастлабки йилдаёқ астойдил қилган меҳнатимиз ўз самарасини берди. Эришил-

ган натижаларни кўриб туман ҳокимлигининг бизга бўлган эътибори ортди. Ҳозирда 104 гектар майдонида 50 нафар доимий ишчи билан меҳнат қиляпмиз. Жорий йилда 37 гектар экин майдонида ғалланинг “Грация” навини етиштиряпмиз. Ҳар гектаридан давлатга ғалла сотиш бўйича 34 центнердан шартнома тузган бўлсак-да, ғалла кўчатлари ривожига қараб 70 центнердан ҳосил олишни мўлжалляпмиз. 52 гектар экин майдонида пахтанинг С-6524 навини экишни режа қилганмиз. Ўтган йили ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олган эдик, жорий йилда ишчиларимиз билан кенгашиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Ишлашни хоҳлаган имконият, хоҳламаган баҳона ахтаради, дейишади. Биз фермер хўжалигида қўшимча тармоқларни ташкил этиш тажрибаси билан қизиқдик.

— 2012 йилда 400 бош ломанн зотли жўжаларни парваришлай бошладик. Дастлабки натижалар бизни янада руҳлантирди. Ҳозирги кунда 2400 бош парранда парваришлаб, туманимиз бозорларига арзон ва сифатли тухум ҳамда товуқ гўшти етказиб берапмиз, — дейди фермер. — 2013 йили мутахассисларни жалб қилиб, хўжалик таркибиди ғишт ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйдик. Натижада 15 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Айни пайтда ушбу цехимизда ҳар куни 10 000 дона сифатли ғишт ишлаб чиқариляпти. Даромад ҳам шунга яраша,

йилига ўртача 50 млн. сўмни ташкил қилмоқда. 2015 йили хўжалик таркибиди янги соҳа — чорвачиликни йўлга қўйдик. Туманимизнинг таниқли зооветеринари Адҳамжон Тўйчиев билан маслаҳатлашиб, 19 бош симментал зотли қорамолни имтиёзли кредит асосида харид қилдик. Ўтган йиллар давомида уларнинг бош сони 60 тага етди. Кунига 1100 литр сут соғиб олиб, Наманган шаҳридаги “Нестле” сутни қайта ишлаш цехига шартнома асосида етказиб берапмиз.

Булар ҳаммаси эмас. Уддабурон ва тадбиркор раҳбар Дарвешали туман фермерлари экин майдонларига техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ҳам ташкил қилган. У ердаги 1 та “Пума” ҳайдов, 1 та “Нью холланд” дон ўриш, 1 та Т-80 ОБХ, 1 та В-90 юкловчи экскаватор, 4 та қатор орасига ишлов берувчи, 1 та универсал ТС-130 трактори туман фермер хўжаликларига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шохобчада 15 нафар малакали механизатор меҳнат қилади. Ўз ўрнида ушбу соҳа ҳам хўжалик ҳисобига йилига 150 млн сўм атрофида соф даромад келтирмоқда. Навбаҳор қишлоғи аҳолисининг таклифини инобатга олган ҳолда хўжаликда нон ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилган. У ерда 4 нафар қишлоқ новвойлари аҳолига иссиқ нон етказиб беришмоқда. Қишлоқ гузариди 30 кишига мўлжалланган умумий овқатланиш мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилиши натижасида 3 нафар қўли ширин ошпаз ишли бўлди.

— Жорий йилда озиқ-овқат моллари дўкони, қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмат кўрсатиш шохобчаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуриштириш цехини қуриб, ишга туширишни режалаштирганмиз, — дейди фермер. — Бунинг натижасида яна кўплаб қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланади.

Юртимизга фасллар келинчаги — кўклам ўзининг илк қадамларини қўяётган кунларда “Қудратилло” фермер хўжалиги аъзолари ишларига ривож тилаб, улар билан хайрлашдик.

Ўз мухбиримиз.

Сурабди: Дарвешали Маматқулов (ўртада) механизаторлик билан келгуси ишларни муҳокама қилмоқда.

СУВ — ПОКЛИК ВА ТЎКИНЛИК РАМЗИ

Сув она заминимизда ҳаёт аталмиш ноёб неъматни таъминловчи бебаҳо хазина. Уни асраб-авайлаш, исроф қилмасдан фойдаланиш инсониятнинг энг олий бурчидир. Шунинг учун ҳам халқимиз тоза сувга нисбатан беписанд бўлмасликни, уни олиб келган кишиларни эъзозлашни ҳамда оби ҳаётни тежамкорлик билан ишлатишни ёшларга такрор ва такрор таъкидлашдан чарчашмайди. Зеро, сув борган жой боғу бўстонга айланиб, халқ фаровонлиги таъминланади.

Кейинги йилларда республика-мизда ирригация ва мелиорация соҳасида кўплаб диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жорий йилда республика-мизда 1 млн. 300 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг километр коллектор ва дренаж тармоқларини босқичма-босқич тозалаш ҳамда 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотларини янгилаш ва таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Мақсад сувдан унумли ва самарали фойдаланиш орқали халқимиз дастурхонини янада тўкин қилишдир.

Биз Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида фаолият юритаётган “Нориндавсувмахсуспудрат” ДУК корхонаси раҳбари Баҳромжон Таджидинов билан учрашиб, 2017 йил якунлари ҳамда жорий йилда режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— 2000 йили Наманган муҳандислик институтининг Бино ва иншоотлар қурилиши факультетини тамомлаб, Наманган сув қурилиш очик акциядорлик жамиятида сув қурилиш устаси бўлиб фаолият бошлаганман, — дейди Баҳромжон Таджидинов. — 2014 йили ушбу корхонага бош муҳандис этиб тайинландим. Тезда корхона ишчи ва хизматчилари билан ака-укадек бўлиб кетдик. Шу боис бўлса керак, 2016 йили ҳамкасбларим менга ишонч билдиришиб, корхона раҳбарлигига тавсия этишди. Ишчилар билан келишиб ишладик, биринчи навбатда корхона техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилдик. 2016 йилда 2 млрд. 300 млн. сўмлик иш бажарган бўлсак, 2017 йилда бу кўрсаткич 4 млрд. 903 млн. сўмни ташкил этди. Энг муҳими, берилган вазифаларни аъло даражада бажариб, давлатимиз, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. Албатта, бундай юқори маррани забт этишимизда юксак унум билан ишлайди-

ган 7 та экскаватор, 3 та замонавий бульдозер, 1 та автокран, 1 та МАН русумли юк ташувчи, 1 та автотягач, 1 та Т-80 русумли ёнил-ги етказиб берувчи трактор ҳамда 3 та яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган вагонларимиз қўл келди. Натижада Наманган туманида жойлашган Шарқий зовурлар тизи-



мида 35,6 км, Норин туманида 60,02 км тозалаш ва тиклаш ишлари олиб бордик. Норин дарёси чап қирғоғининг 170 метр қисми дамба кўтарилиб, мустаҳкамланди, Қўқимбой носос станциясида таъмирлаш ишларини олиб борилди.

Жорий йилда корхонамиз ишчилари билан фаолиятимизни янада кенгайтириб, 12 млрд. сўмлик иш бажаришга бел боғлаганмиз. Бунинг учун Норин ва Наманган туманларида зовурларни таъмирлаш ва тиклаш учун 1 млрд. 800 млн. сўмлик, Қўқимбой насос станциясини қайта қуриш ишлари учун 8 млрд. сўмлик ҳамда тендерда қатнашиб 2 млрд. сўмлик объектни ютиб олишимиз ва сифатли хизмат кўрсатишимиз лозим бўлади. Айни кунларда 1 та юқори унумли экскаватор, 1 та бульдозер ва 1 та автомашинани лизинг асосида харид қилияпмиз. Корхонамизда устоз-шоғирдик анъаналарига қатъий риоя қилинади. Бош муҳандисимиз Абдумалик Алматов ва малакали экскаваторчи Орифжон Усмонов корхонадаги 45 нафар ишчи-ходимга ўз тажриба

сирларини ўргатиб келишмоқда.

— 1980 йили туманимиздаги касб-хунар билим юртини тамомлаб, Наманган кўчма механизациялашаган колоннада иш бошлаганман, — дейди Орифжон ака. — Раҳматли устозим Шамсиддин ака Сайфиддинов қўлимдан етаклаб экскаватор кабинасига ўтказгани ва “Ҳалол ишла, тўғри юр, хиёнат қилма” деганлари ҳамон қулоғим остида янграйди. У пайтлар ҳамманинг ҳам экскаваторчи бўлишга юраги бетламасди. Қишнинг совуғи, кабинада иссиқлик деган нарсанинг ўзи йўқ, совуқда калитни ушласанг, қўлга ёпишади. Одамлардан узоқда бир ўзинг зовур қазийсан, иш унуми паст, ёнилни сувдай кетади. Оладиган маошинг

рўзғорга зўрға етадиган пайтлар эди. Шундай бўлса-да устозимнинг гапларига доимо амал қилдим. Уйландим, турмуш ўртоғим Жамилахон билан 3 нафар фарзандни оёққа қўйдик. Ўғлим Аслбек менинг касбимни танлади. Ҳозирда мазза қилиб ишлайдиган даврда яшайпмиз. Техникамиз қудратли, тезкор, тежамкор ва иссиқ. Бундай ҳолда ишониб топширилган топшириқларни ўз вақтида бекаму қўст адо этиш мумкин. Фақат озгина ғайрат ва касбга садоқат керак. Ўтган йили ўғлим билан 34 км масофада тозалаш ва тиклаш ишларини олиб бордик. Жорий йил ушбу масофани 50–60 км. га етказишни режалаштирганмиз. 2017 йил мен учун унутилмас йил бўлди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирландим. Бу орден нафақат менга, балки корхонамиз ишчилари учун берилган мукофот деб ўйлайман. Сабоби корхонада ишлаш учун шароит ҳамда ишчилар орасида аҳиллик ва иноқлик бўлмаса муваффақият бўлмайди.

Орифжон ака тўғри айтдилар. Ҳақиқатан ҳам, аҳиллик ва иноқлик бор жойда самарадорлик ҳамда муваффақият бўлади. “Нориндавсувмахсуспудрат” ДУК фаолияти бунга мисолдир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Орифжон Усмонов (ўнгдан учинчи) корхона ишчилари даврасида.

СУВ КЕЛТИРГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Ризқу рўз яраладиган далаларга оби ҳаёт таралганда ердан кўтарилаётган буғни кузатиб, сувнинг шилдирашига қулоқ тутганмисиз? Бу мўл-кўл ҳосилга замин яратувчи тупроқ ва инсон ҳамкорлигини ифодаловчи илоҳий оҳангдир, балки...

Худоёр ака Қаландаров 1964 йили Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги Ҳалимбек қишлоғида сувчи ирригатор оиласида туғилди. У оиланинг тўртинчи фарзанди эди. Отаси Амин Қаландаров 43 йил сувчилик қилиб, шу шарафли касби туфайли элга танилганди.

Сувчининг фарзанди отасининг йўлини танлади. Шу мақсадда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш му-

нафар ишчи меҳнат қилади.

Амударё тумани бўйича 2018 йил ҳосили учун 20925 гектар майдонда шўр ювиш, 14497 гектар ерга яхоб суви бериш ишлари режалаштирилган. Шўр ювиш мавсумини вақтида ва сифатли олиб бориш учун 18 та суғориш отрядлари ташкил этилиб, ҳар бир СИУда суғориш штаблари тузилган. Айни пайтгача хўжаликлараро 31,6 км узунликдаги каналлар тўлиқ тозаланди. 297,5

Шу ўринда, бу ишларни бажариш учун кўп миқдорда техника керак бўлмайдими, деган савол



туғилди. Тажрибали ирригатор бунинг учун етарли техника ва имкониятлари борлигини айтиб шундай деди:

— Ўтган йили грант асосида Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 2 та земснаряд (лойқа тозалаш ускунаси) олдик. Бу техниканинг афзаллиги шундаки, у дарёнинг ичида юриб каналларга келадиган сув йўллари лойқалардан тозалайди. Ҳозирги кунда 6 та земснаряд, 6 та экскаватор, 4 та бульдозеримиз бор.

Дарё бўйида туриб бу техниканинг ишини кузатарканмиз, инсон ақл-заковатига қойил қолмай иложимиз йўқ. Земснарядчилар Гулмирза Ваисов, Ойбек Тожимбетов, экскаваторчилар Мадрим Нуриллаев, Қўчқор Эшмонов, бульдозерчи Жиянбай Садиқулов каби жасоратли йигитларнинг ҳар бири кунлик режа ва топшириқларини 120—130 фоизга уддалаб, техникадан унумли фойдаланмоқдалар.

Сув келтирган элда азиз, дейди халқимиз. Манғит-Назархон ирригация тизими бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳам далаларимизни оби ҳаёт билан таъминлашдек хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Уларнинг юртимиз ва халқимиз равнақи учун олиб бораётган ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Худоёр Қаландаров.



Земснаряднинг иш фаолияти.

ҳандислар институтига йўл олди. 1987 йили ушбу олий ўқув юртининг “Гидротехник иншоотлар қуриш” бўлимини тугатди. Илк иш фаолиятини қурилиш устаси сифатида бошлаган Худоёр аста-секин ҳалол меҳнати, тиришқоқлиги, олижаноб фазилатлари туфайли элга танилди. Шу боис тез орада “Манғит-Назархон” ирригация тизими бошқармаси “Қиличбай-Арна” бўлими бошлиғи, 2006 йилдан бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлди. 2014 йилдан буён эса бошқарма бошлиғи вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Бошқарма таркибида “Шихжамол”, “Манғит-Арна”, “Тошёб”, “Қиличбай-Арна”, “Қипчоқ”, “Назархон” каби олти участка бўлиб, уларда 164

км хўжалик суғориш тармоқлари, жумладан, 225,2 км узунликдаги тармоқлар қўл кучи билан тозалаб чиқилди. Бошқача айтганда, 2018 йил ҳосили учун сувчилар шижоат билан ишга киришдилар.

— Туманда 16 та канал бўлиб, уларнинг узунлиги 302 километрни ташкил қилади. Амударёнинг асосан 22 та нуқтасидан насос станциялари орқали сув олинади. Сув таъминотидаги электр, ёнилғи-мўйлаш материаллари қимматга тушмоқда, — дейди Худоёр ака.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун бу йил сувчилар жадал ишга киришган. Бодойтўқай массиви ҳамда Юмуртов кўприги қуйи қисмида шпоралар қуриш ишлари режалаштирилган. Бу билан 5 миллиард сўмлик иш бажарилади.

*Дийримиз саришталиги,
ободлиги, меҳр-саховат рамзи
бўлиб кириб келаётган Наврўз
байрами билан табриклаймиз.
Мамлакатимиз фаровонлиги
йўлида меҳнат қилаётган
аграр соҳа вакилларини,
бободехқон ва ғаллакорларнинг
хайрли ишлари бароридан
келишини тилаймиз.*

*Шижоату меҳнатсеварликка
чорловчи баҳор
нашидаси қалбларимизни
асло тарқ этмасин!*



*Арнасой
туманидаги
«Сангзор»
фермер
хўжалиги
жамоаси*

УРУҒЛИК УЧУН ЭКИЛГАН КУНГАБОҚАРДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалиги ривожига мойли экинлар алоҳида ўрин тутати. Жорий йилда мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида кунгабоқар 33 минг гектар майдонга экилиши режалаштирилган. Кунгабоқардан кўзланган ҳосилни етиштириш учун аввало юқори сифатли уруғлик экиш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, юқори сифатли уруғ экилганда 20–25% қўшимча ҳосил олишга эришилади.

Уруғлик учун экилган кунгабоқарни парваришlash яганалаш, озиклантириш, сунъий чанглатиш, апробация ўтказиш ва ҳосилни йиғиш каби агротехник тадбирларни ўтказиш билан тубдан фарқ қилади.

Биз 2005–2015 йиллар давомида республикаимизнинг жанубий вилоятлари ва Зарафшон водийси шароитида уруғлик кунгабоқар агротехникасига оид масалалар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказдик. Бунда эртапишар “Жаҳонгир” ва “Родник” навларидан фойдаланилди. Дала тажрибалари Сурхондарё, Қашқадарё Самарқанд ва Навоий вилоятларининг бўз тупроқли ерларида олиб борилди. Тадқиқотларни ўтказишда Бутунроссия мойли экинлар ИТИ, Бутунроссия ўсимликшунослик ИТИ, Ўсимликшунослик ИТИ ҳамда Давлат нав синовининг умумқабул қилинган услубларидан фойдаланилди.

Уруғлик кунгабоқарни ўстириш учун 8 йил кунгабоқар ва сўнгги бир йилда лавлаги, тамаки ва полиз экинлари экилмаган, бегона ўтлардан тоза, механик таркиби ўрта ва оғир қумоқли ер танланди. Бундан ташқари кунгабоқар асаларилар ёрдамида чангланишини ҳисобга олганда, бошқа кунгабоқар экиладиган майдонлардан 1500 метр узоқликда чеклаш масофаси ўрнатилди. Ўрганилган кўп йиллик маълумотлар асосида уруғлик кунгабоқарнинг эртапишар ва ўртапишар навларининг 1-2-3-репродукцияли уруғликларини ўстиришни қуйидаги тартибда олиб боришни таклиф этамиз (кунгабоқар дурагайлари уруғлигини етиштириш бундан мустасно).

Мой олиш учун кунгабоқар ўстиришга нисбатан, уруғлик кунгабоқарни ўстиришда маъданли ўғитларнинг меъёри 20–25% кўп қўлланилади. Уруғларни экиш олдида 10

тонна чириган гўнг солинади. Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри гектарига соф ҳолда 250 кг азот, 175 кг фосфор, 275 кг калий солиш тавсия этилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизи экиш олдида ва қолган қисми экиш билан бирга берилади. Азотнинг 20 фоизи уруғларни экиш билан бирга қўлланилади.

Уруғлик кунгабоқар эртаги муддатларда асосий экин сифатида Сурхондарё вилоятида 15–20 март,



Қашқадарё вилоятида 20–25 март, Навоий вилоятида 25–30 март, Самарқанд вилоятида 1–5 апрелда ва ёзда такрорий экин сифатида Сурхондарёда 25–30 июнь, Қашқадарёда 20–25 июнь, Навоийда 15–20 июнь, Самарқандда 10–15 июндан кечикмай экиш мақсадга мувофиқ. Асосий экин сифатида юқорида кўрсатилган муддатларда экилганда эрта муддатда униб чиққан майсалар баҳорнинг салқин ва илиқ кунларида яхши ўсиб-ривожланади. Қайд этилган муддатдан олдин экилса майсалар бир текис униб чиқмаслиги мумкин. Ҳаво намлигининг нисбатан кўплиги ҳисобига замбуруғли ва бошқа касалликлар пайдо бўлиб, ўсимликнинг меъёрида ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Такрорий экин сифатида эрта-роқ экилгандан сўнг униб чиққан

нихоллар ёзнинг ёруғ ва иссиқ кунларида яхши ўсиб-ривожланади. Такрорий экилган кунгабоқар белгиланган муддатдан кечикиб экилса, кунгабоқарнинг гуллаш фазаси кузнинг қисқа, салқин ва эрталаб шудринг тушадиган, ёғингарчилик бўладиган пайтларига тўғри келади. Юқори ҳаво намлиги таъсирида саватчаларда касалликлар пайдо бўлади. Ёруғ куннинг қисқа бўлганлиги фотосинтетик жараёни сушлаштиради. Иккинчи томондан гулни чанглатувчи асалариларнинг фаолияти сустлашганлиги сабабли, гулларда чангланиш ва уруғланиш жараёнлари тўлиқ амалга ошмаганлиги кабилар сабабли ўруғларнинг бир қисми пуч бўлиб қолиши кузатилади.

Кунгабоқарни уруғлик учун экиш тартиби 70х35 см ёки 60х40 см, экиш меъёри 5–6 кг, қатор ораси 70 см, қатор ораси 60 см (қатор ораси 70 см. ли культиватор бўлмаганда) да ўсимлик ораси 35–40 см. Уруғлик СКПИ–12 ёки СПЧ–6 сеялкаларида 5–7 см чуқурликда экилади. Майсалар униб чиққач, 1 метрда 3 туп, ҳар бир уяда битта ўсимлик қолдирилади. Туп сонлари бир гектарда 40 минг донадан зиёд бўлмаганда ўсимлик яхши ўсиб-ривожланади.

Майсалашдан кейин яганалаш ўтказилиб, битта уяда битта ўсимлик қолдирилади.

Нихолларда 2 жуфт чинбарг ҳосил бўлиш даврида 1-культивацияни 8–10, ўсув нуқтасида юлдузча ҳосил бўлиш даврида 2-культивацияни 10–12, гуллаш фазаси олдида 3-культивацияни 12–14 см чуқурликда ўтказиш мақсадга мувофиқ. 1 ва 2-культивацияни ўтказиш баробарида азотли ўғитлар билан озиклантириш амалга оширилади. Биринчи озиклантиришда азот соф ҳолда гектарига 60, иккинчисидан 80 кг. дан қўлланилади. Ҳар бир культивация ўтказиш ва озиклантиришдан сўнг эгатларга сув таралади. Сизот сувининг жойланиш сатҳига боғлиқ ҳолда 3 мартадан 5 мартагача суғорилади.

Гуллаш фазасида албатта бир гектар майдонга битта асалари уяси жойлаштирилади. Бундан ташқари гуллаш даврида қўшимча чангла-



тиш ўтказиш, эртаги муддатларда ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосилини 11–15%, уруғлик сифатини 15–18%, такрорий экин сифатида ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосилини 26–33%, уруғнинг сифатини 35–40 фоизга оширади. Қўшимча чанглатиш нав ичида ўтказилади. Бунда битта навга хос ўсимликлар бир-бири билан чанглатилади.

Иккита ўсимликнинг саватчасининг юзаси бир-бирига суркалади. Ёки патли матодан кунгабоқарнинг саватчасига ўхшаш махсус мослама тайёрланиб, уни кунгабоқар саватчаларининг юзасига бирма-бир суркалиб чиқилади. Шунда гулдаги чанг дончалар аралашмаси саватчадаги уруғчиларга тушади ва уруғчи, ундан хоҳлаган чанг билан уруғланиш натижасида уруғланиш жараёни жадал кечади. Унинг таъсирида уруғларнинг йириклиги бир хил, йирик ва мағзи тўлиқ бўлади. Пировардида бундай уруғнинг униш қуввати ҳамда ўсиш кучи юқори бўлади.

Уруғлик далаларида ўстириладиган навнинг софлигини таъминлаш мақсадида уч марта: гуллаш олдидан, ёппасига гуллаш фазасида ва

пишиш олдидан нав ўтоғи ўтказилади. Унда ўстирилаётган навга хос ўсимликнинг бўйи баланд ёки жуда паст, яхши ривожланмаган, касалланган, гул тўплами ўхшамаган, пистасининг ранги ўзгарган ўсимликлар ёки саватчалар олиб ташланади. Худди шу тартибда 3 марта негатив танлаш ўтказилади. Негатив танлашда морфологик белгилари ўстирилаётган навга ўхшамаган ўсимликлар юлиб ташланади. Фақат ўстирилаётган навга оид ўсимликлар қолдирилади.

Уруғлик пайкалларнинг ҳосили етилиш даврида апробация кўригидан ўтказилиб, навнинг софлиги, поянинг узунлиги ва эгилувчанлиги, саватчаларнинг йириклиги ва шакли, пистасининг типиклиги ва ранги каби жиҳатлар аниқланади. Олинган намуналар бўйича писта қобиғининг панцирлик хусусияти ҳам бевосита далада ёки лабораторияда аниқланиши мумкин.

Апробация кўригидан ўтган, талабга жавоб берадиган пайкаллардаги ўсимликларнинг ҳосилини йиғиштириш икки фазали усулда амалга оширилади. Биринчисида дастлаб саватчалар йиғиштирилади, иккинчи-

сида саватчалардаги уруғлар ажратиб олинади. Гуллаш фазасидан 35–40 кун ўтгандан кейин, ҳосилни йиғиштиришга киришилиб, орқа томони сариқ тусга кирган саватчалар 10–15 см пояси билан кесилиб, уруғлар (8–9 фоизгача) қуригунча қурилади. Қуриган саватчаларни йиғиштириш қўлда ёки ПНП–1,5 русумли мослама билан жиҳозланган СК–5 ёки “Кейс” комбайнлари ёрдамида амалга оширилади. Олинган уруғлар ОВП–20 машиналари ёрдамида ОС–4,5А, “ЗАВ–40” ёки “Петкус Гигант” мосламаларида тозаланadi. Сақлаш учун уруғликнинг намлиги 8 фоиздан ошмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги тавсияларга риоя қилинса, мўл ва сифатли кунгабоқар уруғлиги етиштиришга эришилади.

М.ЛУКОВ,
доцент,

Д.АБДУКАРИМОВ,
профессор, (СамҚХИ),

А.ИСРОИЛОВ,
қ.х.ф.н.,

З.АРТИКОВ,
масъул ходим, (“Ўзпахтаёғ” АЖ).

Юртдошларимизни, ҳамкасбларимизни баҳор айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Барча соҳаларда эришаётган ютуқларимиз ҳар қачонгидан салмоқли бўлиб, дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишга интилаётган мамлакатимиз янада тараққий этаверсин!

Баҳор кайфияти Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, яратувчанлик, ишжонаткорлик, тўкин-сочинлик ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин!

“Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти

ЛЮПИН — БЕБАҲО ЭКИН

Люпин (лот. *Lupinus*) – дуккакдилар оиласига мансуб, бир йиллик ва кўп йиллик бебаҳо ўсимлик. У бута, ярим бута ва ярим бутача кўринишида ўсади.

Табиатда люпиннинг Ўрта ер денгизи-шимолӣ Африкада 10 дан ортиқ, Патогониядан Аляскагача ва Атлантика океанидан то Тинч океанигача бўлган ҳудудда 200 га яқин тури тарқалган. Америка турларидан фақат ўзгарувчан люпин (уни кўпайтириш билан ҳатто инклар ҳам шуғулланган) ва кўп баргли люпин маданийлаштирилган.

Люпин қурғоқчиликка чидамли ўсимлик бўлганлиги учун унинг айрим турлари Аризона, Калифорния, Техас, Перу ва Чили саҳроларида ва ҳатто Саҳрои Кабрда ҳам ўсади.

1911 йилда англиялик селекционер Жорж Рассел люпиннинг

albus) бўйича тадқиқот ишлари бошланган. Олимларнинг ярим асрлик тадқиқотлари натижасида субтропик ўсимлик марказий қора тупроқ ўсимлиги сифатида иқлимлаштирилди ҳамда оқ люпиннинг 6 та (“Старт”, “Мановицкий”, “Гамма”, “Дельта”, “Дега”, “Детер-1”) нави яратилиб, Россияда экишга тавсия қилинган экинлар давлат реестрига киритилди. Эндликда оқ люпин Волганинг ўрта бўйларида, Кавказнинг шимолий тоғолди, Урал ва Сибирнинг жанубий қисмларида ҳам экилмоқда.

Оқ люпин бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Айниқса, “Дега” нави

ли ҳисобланади.

Оқ люпин уруғининг униб чиқиши учун ўз вазнига нисбатан 100–120% намлик ва 15–16°C ҳарорат талаб қилинади. Шунинг учун уруғини эрта муддатда 250–300 кг/га меъёрда оддий СЗ-3,6; СЗУ-3,6 ва пневматик СПУ-4; СПУ-6 дон сеялкалари ёрдамида 3–4 см чуқурликка экиш лозим. Ҳарорат юқори ва тупроқда намлик етарли бўлса унинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши жадаллашади.

Оқ люпиннинг “Дега” нави илдизларида туганак бактерияларнинг ҳосил бўлишида тупроқнинг намлиги асосий роль ўйнайди. Туганак бактерияларнинг пайдо бўлиши учун мақбул намлик чекланган дала нам сифмига нисбатан 60–70%, юқори ҳосил етиштириш учун эса вегетация даврида 70–80% ҳисобланади.

Оқ люпин намликни яхши кўрсда, илдиз тизимининг кучли ривожланиши туфайли қурғоқчиликка ҳам чидамлидир. У қисқа муддатли қурғоқчиликни қийинчиликсиз ўтказа олади. Фақат қурғоқчилик даври уруғ униб чиқаётган ва шоналашдан то дуккаклари пайдо бўладиган даврга тўғри келмаса бўлди.

Оқ люпиннинг “Дега” нави қулай шароитларда туганак бактериялари орқали атмосферадан гектарига 200–250 кг азотни симбиоз қилиб олади ҳамда ўзининг азотга бўлган эҳтиёжини 80 фоизгача қоплайди.

Вегетация даврининг бошида оқ люпин уруғпалладаги фосфордан, кейинчалик эса тупроқдаги қийин ўзлаштириладиган фосфатлардан ҳамда минерал ўғитдан фойдаланади.

Калий сув тақчиллигига бардошини оширади, ўсимликда углевод алмашинувини кучайтиради, оқсил бирикмалари синтезини тезлаштиради ва дон таркибидаги алкалоидлар миқдорини камайтиради.

Оқ люпин оқсил синтезида иштираётган молибден ва бор микроэлементларининг етишмаслигига таъсирчан. Молибден туга-



юқори манзарали турини яратган. Шунинг учун уни “Рассел дурагайи” деб юритилади ва ўша вақтдан бери боғ ва гулзорлар беазаги сифатида жуда машҳур ҳисобланади.

Қадимий қишлоқ хўжалик экинлари тоифасига кирадиган оқ люпин (лот. *Lupinus albus*) ҳозирда ҳам Ўрта ер денгизи атрофида жойлашган мамлакатларда кенг майдонларда парваришланади.

Россия Федерацияси учун оқ люпин ўсимлиги нисбатан янги ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60-йилларида К.А.Тимирязев номи Москва қишлоқ хўжалик академияси томонидан марказий қора тупроқ шароитларида оқ люпин (*Lupinus*

эртапишарлиги (вегетация даври 120 кун), серҳосилилиги билан ажралиб туради. Ундан энг юқори дон ҳосили гектаридан 54 центнер ва кўк масса ҳосили 735 центнер олинганлиги манбаларда келтирилган. Уруғида оқсил миқдори 40 фоизни ташкил қилади. Бош пояси тик ўсади, қулай шароитларда бўйи 80–90 см. га етади. Ўсимлик оч яшил рангда бўлиб, кучли шохланади ва кўп барг чиқаради. Гулининг ранги оқ, оч кўкимтир, оч пушти ва ҳаво ранг бўлади. Уруғи тўртбурчакли шаклда, ранги пушти, 1000 дон уруғининг вазни 260–380 граммга тенг. Оқ люпиннинг “Дега” нави ётиб қолишга ва фузариозга чидам-



нак бактерияларнинг пайдо бўлишига ҳамда ҳосил ва уруғларни шаклланишига, бор эса фотосинтез жараёнининг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

1 тонна оқ люпин дони ҳосил бўлиши учун 60–70 кг азот, 15–16 кг фосфор, 30–35 кг калий, 20–25 кг кальций ва 15–17 кг магний сарфланади. Унинг бундай миқдордаги озиқа моддаларидан фойдаланиши доннинг кимёвий таркибини яхшилайди.

Россиялик олимларнинг ёзишича, оқ люпин учун энг яхши ўтмишдош кузги ва баҳорги бошоқли дон экинлари, шунингдек, сидерат экинлар, карам, маккажўхори ва қанд лавлаги ҳисобланади. Уни зинҳор дуккакли дон ва дуккакли кўп йиллик ўтлардан кейин экиш ярамайди, чунки касалликлар, яъни фузариоз тарқалиши хавфи ортади. Оқ люпин экилган майдонга уни яна 5 йилдан кейингина экиш мумкин.

Оқ люпин бошоқли дон экинлари учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ундан кейин бошоқ-

ли дон экинлари экилганда, ҳосилдорлик гектаридан 5–10 центнер кўпаяди, чунки тупроқда тўпланган озиқа моддалари бундай қўшимча ҳосил олиш учун етарли бўлади.

Оқ люпиндан ҳосил етиштириш учун тупроқдаги фосфор ва калий миқдори етади, агар микроэлементлар миқдори тупроқда кам бўлса, керакли микроэлементларни ҳайдов олдида, экиш билан бирга ёки вегетация даврида озиқлантириш сифатида тупроққа қўлланилади.

Оқ люпинни тупроқ эритмаларининг муҳити (ph) нейтрал ёки унга яқин бўлган тупроқларда экиш мумкин. Сизот сувлари юза жойлашган, намлик ҳаддан зиёд ортиқча бўлган тупроқларни суймайди.

Россия илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибаларига қараганда, оқ люпин ҳосилдорлиги бўйича бошқа дуккакли дон экинлари (соя, тор баргли люпин, нўхат, баҳорги вика) дан 1,3–2,4 марта, оқсил тўплаши бўйича эса 1,5–2,4 марта устун туради.

Оқ люпиннинг дони чорвачиликда самарадор эканлиги аниқланган. Гўшт йўналишида товуклар ва беданаларга бериладиган комбикорм таркибидаги соя шроти ўрнига оқ люпин ишлатилганда гўшт маҳсулдорлиги ортган. Гўшт ва сут йўналишидаги қорамолчиликда, шунингдек, балиқчиликда ҳам ижобий натижаларга эришилган.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, оқ люпиннинг “Дега” нави республикамизнинг бўз тупроқлар минтақасида ҳам, текислик саҳро минтақасида ҳам (механик таркиби оғир, сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқ-ботқоқ тупроқлардан ташқари) етиштириш учун мос келади.

Оқ люпиннинг “Дега” нави уруғини кенг майдонларга экиб синов ишларини олиб бориш ва уни республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига интродукция қилиш (мослаштириш) мақсадга мувофиқдир.

Ш.НУРМАТОВ,
қ.х.ф.д., профессор.

Дехқонга эътиром

АЛЛОМАЛАР ЗИРОАТЧИЛИК ҲАҚИДА

Дунёнинг моддий асоси – тўрт унсурни муқаддас тутиш ва уни ҳаётнинг мезони сифатида қараш узок тарихга эга. Тупроқ, сув, ҳаво, олов олдин тириклик, кейин тирикчилик тарзига айланган. Тупроқ ва сувнинг таъсироти ҳамда мўътадил иқлим боис экинзор ва боғроғлар гуллаб яшнаган.

Ана шу илмни идрок этган ва пухта билган деҳқоннинг хизматидан руҳланмаган, эътироф этмаган аллома йўқ десак ҳам бўлади. Буюк мутафаккир, шоирларнинг султони Алишер Навоий асарларида ҳам деҳқоннинг чеккан заҳмати эътибордан четда қолган эмас.

Шоир “Ҳайрат ул-аброр” достонида подшоҳларга тобе бўлган гуруҳларни келтира туриб, тўртинчиси сифатида зироат аҳлини тилга олади:

*Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одамий ҳокийни ғулистони сунъ.*

Шу ўринда “деҳқон” атамаси яратувчининг ҳам санъати, ҳам синоати эканига ишорани сезиш қийин эмас.

Адиб деҳқончиликнинг сир-синоатларини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини чуқур билган ва юксак қадрлаган сиймо сифатида кўз олдингизда намоён бўлади. Бунга мисол сифатида “Маҳбуб ул-қулуб” асарини келтириш мумкин. Асарнинг ўттиз биринчи фасли “Деҳқонлар зикрида” деб номланади.

Тўғри, ризқни Тангри беради. Бандадан ҳаракат бўлганидан кейингина баракатнинг берилишини би-

ламиз. Навоий деҳқоннинг ана шунга йўл очиши борасида шундай дейди: “Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Агар ростлик ва салоҳи бордур, уйи солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқки одам”.

Деҳқоннинг чеккан заҳмати ва меҳнатини шарафлаш ва қадрлаш заруратини Навоий ҳазратлари шундай ўқтиради. “Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат. Деҳқонки, тузлик била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг бирла шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлик. Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи. Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кахудо тўқлуги ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмоқни танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, гурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин хузури тоат, обидга андин лофи қаноат...”

Эътибор қилган бўлсангиз, Навоий деҳқоннинг ерга уруғ қадашидан тортиб, ҳосил йиғиб олингунга қадар бўлган машаққатли жараёнини шундоқ кўз олдингиз-



да жонлантира олган.

Шоир деҳқончиликнинг тарихи билан боғлиқ ибратли мулоҳазаларини назмий йўсинда ифода эта туриб, энг қадимий касб зироатчилик бўлиб, у Одам алайҳиссаломнинг касб-кори билан боғланганлигини шундай келтиради:

**Кимки деҳқонлик айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.
Бўйла кимса улувви рифъатдин,
Одам ўлмаса, одамий худ бор.**

Деҳқончилик борасидаги фикрлар Навоийга қадар бўлган даврларда ҳам учрашини эътироф этиш лозим.

Кайковуснинг “Қобуснома”сида “Деҳқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида” деб номланган боб бор. Фарзандга насиҳат тарзида келтирилган ушбу мулоҳазаларга эътибор беринг. “Эй фарзанд, агар деҳ-



қон бўлсанг, барча деҳқондан шинастароқ (билим-донроқ) бўлғил ва ҳар бир экинни эксанг вақтидан ўтказиб экмағил. Агар вақтидан ўн кун бурун экканинг икки кун вақтидан сўнг экканингдан яхшироқдур”

Шу ўринда халқимизнинг бугунги ишни эртага қўйма деган нақди мазмундаги вақт қадри масаласига эътибор қаратилган. Деҳқон умид ва хавф орасида иш тутади. Табиатнинг инжиқликларига бардош беради. Ерга уруғ қадаб, тинмай меҳнат қилади, баракали ҳосилини кутади. Ҳосил қандай бўлишини билмайди. Қурғоқчилик, ёгингарчилик каби турли табиат ҳодисалари билан тиллашишни ният қилади.

Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам қаҳрамонлар тилидан савол ва жавоб йўсинида шу борада айрим мулоҳазалар келтирилади. Ўғдулмиш билан Ўзғурмиш орасидаги суҳбатда деҳқонлар жуда зарур ва керакли кишилар экани таъкидланади:

**Тағин бир тоифаси деҳқонлардир.
Булар мутлақо керакли кишилардир.
Булар билан сен аралаш ҳамда қовуш,
Томоқ жиҳатидан сен ташвишсиз яша.
Ҳамма қимирлаган(жон)га булардан манфаат бўлади...
Деҳқон кишилар қўли очиқ бўлади,
Кўнглини Худо берганидан ҳам зиёда кенг тутади.
Бутун ер юзидаги ҳамма қимирлаган жоннинг,
Юрадиғанларнинг овқати-ю, учадиғанларнинг дони**

**улардан,
Ўзинг булар билан аралашгин, қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут.**

Ҳар бир замин у замонда деҳқоннинг чеккан заҳмати сабаб раҳмат эшитиши, унинг табиатига хос бўлган фидойилик улуғланади.

Шунга монанд фикрларни Носир Хисравнинг “Сафарнома” асарида ҳам учратамиз.

**Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ,
Ҳамма жондорга этмиш ризқ тортиқ.
Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.
Бу ишдан яхши оламда не бордур,
Бу иш Одам Атодин ёдгордин.**

Одам Атодан ёдгор сифатида эътироф этилган деҳқончиликнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни борасида деярлик барча алломалар ўзаро уйғун фикрларни эътироф этишган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда худди шундай руҳдаги ибратли мулоҳазаларни илгари сурганлари бежиз эмас. Зеро, бизни кийинтирадиган, боқадиган миришкор боғбону заҳматкаш деҳқонлардир.

Ўз тақдирини ер билан боғлаб, тупроқни ҳазина, сувни олтин деб билган заҳматкаш деҳқоннинг машаққатли меҳнاتини тасаввур этинг. Сув — ернинг, экиннинг қони. Бободеҳқон ҳам, боғбон ҳам, сувчи ҳам бу ҳақиқатни яхши билади. Гап сув ва тупроққа оқилона муносабатда. Ҳар иккаласининг илмий асосини билган инсон ердан гиёҳ ундиради, ҳосил йиғиб тенгсиз хазинага эга бўлади. Деҳқончилик ҳам илм. Ерга уруғ сочишдан тортиб, уни парваришлаб, ҳосил ундириб, йиғиб-териб олишгача бўлган жараён катта илмий назар, тажриба ва кўникмани талаб этади. Албатта, бу жараённи табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, тупроқ таркибини жиддий ўрганиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Илм шунчаки фан учун, илмий рисола ёки монографиялар учун эмас, балки у ишлаб чиқариш билан бевосита боғланиши зарур. Илм ҳаётга, жараёнга хизмат қилмас экан, унинг қиймати йўқ. Илмнинг кучи унинг амалга қўчиши билан изоҳланади.



Ўтмиш алломаларимиз зикрида деҳқону боғбонларнинг машаққатли меҳнати, табиат билан жамиятни келиштира билиш эвазига ҳосил олишларини таъкидлаш бор. Унда катта бадий ва илмий ҳақиқат уйғун эканлигини илғаб олиш қийин эмас. Мозий улар меҳнатини улуғлаган экан, бугунги кун ҳам шу ақидага содиқ, истиқбол ҳам уни қадрлаши ҳақ. Бу эса юксак толе ва порлоқ иқболдан нишон.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,

ТИҚХММИ доценти, филология фанлари номзоди.

*Азиз юртдошларимизни,
бободехқонларимизни, сув хўжалиги
тизимида меҳнат қилаётган соҳа
мутахассисларини
баҳорги кун ва тун тенглиги
– Наврўз айёми билан
қизгин муборакбод этамиз.
Юртимизда байрам
шукуҳи кезиб юрган
файзли ва шодиёналарга
бой шу кунларда халқ
сайллари, байрам тантаналарида
билдирилаётган
барча эзгу ниятлар
ижобат бўлишини тилаймиз.*

*Наврўзи олам барчамизга
муборак бўлсин!*

**Қарши магистрал каналидан
фойдаланиш бошқармаси жамоаси**

ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ҲАМ ФАОЛ

Давлатимиз раҳбарияти мамлакатимизда аграр соҳа учун муносиб, ютуқ, замонавий билим ва кўникмаларини эгаллаган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Президентимизнинг биргина ўтган йили “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (20 апрель), “Қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (24 май) қарорлари келгусида соҳадаги олий таълим муассасалари фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим амалий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиалида ҳам замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласи бош мезон қилиб олинган. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги тегишли қарорига асосан институтимизда 3 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 4 та магистратура мутахассисликлари очилди. Эндиликда ўқув жараёнига 47 та янги фанлар киритилиб, уларнинг мазмун ва мундарижаси кенгайтирилди.

Олим-педагогларимиз томонидан етти устувор илмий йўналиш муаммоларига қаратилган илмий тадқиқотлар бажарилаётган ҳамда улар томонидан сўнгги йилларда 18 та дарслик, 123 та ўқув қўлланмалар яратилди.

Педагог-мураббийларимиз таълим соҳалари бўйича ўтказилган республика танловларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, 2017 йилда “Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи”, “Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялари бўйича 8 нафар профессор-ўқитувчиларимиз танловларнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллади.

Шу ўринда институтимизда кўп йиллар меҳнат қилиб келаётган олима педагогларимиз ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Институтимизда 170 дан ортиқ хотин-қиз педагоглар бўлиб, уларнинг 4 нафари фан доктори, 7 нафари профессор, 25 нафари фан номзодларидир. 5 нафар хотин-қизларимиз ка-

федра мудирлари лавозимида ишлаб келмоқда. Бу педагог мураббийларимиз ёшларга илм сабоқларини бериш билан бирга, ўқув даргоҳимизнинг 1125 нафар талаба қизларини маънавий баркамол қилиб ҳаётга тайёрлашда ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Улардан кўп йиллик меҳнати билан жамоада ва талабалар ўртасида юксак ҳурмат-эътибор қозонган М.Шоумарова, Ф.Юнусова, М.Ботирова, Х.Баҳриддинова, Д.Қўчқорова, Г.Шодмонова, И.Ахмедходжаева, З.Исмоилова, М.Саидова, У.Сангирова, Р.Ғазиева, М.Сулаймонова, Н.Тўхтаева, С.Юлдашева, М.Азизова каби кўплаб устозларни санаб ўтишимиз мумкин.

Бундай устозлардан ўрнатилган талаба қизларимиздан Х.Аманкулова Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, Х.Хусанбоева Беруний номли стипендия, М.Раҳматова И.Каримов номидаги стипендия соҳибаларидир. Бу қизларимиз аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, жамоат ишларида, маданий-маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, институтимизда хотин-қиз педагогларимиз ўзларининг бор билим ва тажрибалари, юксак маънавияти билан талабаларга ўрнатилган бўлиб, талаба қизларимиз эса, ўз тиришқоқлиги, ахлоқ-одоби билан тенгдошларига намуна бўлиб келишмоқда.

Зулфия ҲАФИЗОВА,
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси.

Саодатли аёл

Онанинг оиладаги садоқатини, ишдаги шижоатини, фидойилигию ҳокимдорлигини сўз билан таърифлашга тил ожиз. Аёлни яратган Аллоҳим унга етарлича куч, билим ва иқтидор берганлигининг ўзи илоҳий ҳақиқат. Қаҳрамонимиз Зулфия Пиржонови болалигидан яхши биламан, у менинг ҳамқишлоғим. Мактабда яхшигина таълим олди, оила қуриб шириндан шакар фарзандларига она бўлди. У ўзининг мулоимлиги, очиқкўнгиллиги билан ишда ҳам омадли эканлигини исботлади.



1986 йилда айна 21 ёшида янги очилган “Шовотдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятига дугоналари Дилором Жумабаева, Роҳат Оллабергановалар билан биргаликда оддий ишчи бўлиб ишга кирди. Тез орада жамоага танилиб, лаборатория таҳлил бўлимига ўтказилди.

— Менинг ишим асосан дон ва дон маҳсулотларини (яъни буғдой, шоли, ун, омухта ем) таҳлил қилиб, сифатини аниқлаб беришдан иборат, — дейди Зулфия оҳистагина. — Шу йўл билан аҳолининг тоза ва сифатли маҳсулотлар билан таъминланишида ҳиссамни қўшаман. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли бўларкан. Бахтлиман, сеvimли касбим, яқин жамоам, ўз уй-жойим, оилам, фарзандларим бор.

Корхона раҳбари Давронбек Давлетов билан суҳбатлашганимизда Зулфия Пиржонова ҳақида шундай деди:

— Зулфия ишда ҳам, жамоат юмушларида ҳам, тартиб-интизомда ҳам ишчиларимизга доимо ўрнат.

Бугунги кунда корхонамизда ишчи-хизматчилар учун қўлайликлар яратиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, янги технологияларни жорий қилиш орқали иш унумдорлигини оширишга жиддий эътибор беряпмиз. Ҳозирда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Зулфияга ўхшаган ишчан ходимларимиз анчагина. Биз уларга ишонамиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Зулфия Пиржонованинг меҳнатлари давлатимиз раҳбарияти томонидан юксак қадрланиб, Президентимизнинг Фармонида мувофиқ у “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Ҳар бир ишга эътиборли, 158 нафар аъзонинг ҳаёти ва фаолиятига даҳидор бўлган корхона

касаба уюшмаси раиси Қувончбек Ҳасанов Зулфияни ҳаммадан бурун мукофот билан табриклади.

— Ходимимизнинг меҳнати қадрланиб Президентимиз томонидан тақдирланиши биз учун ҳам фахр. Зеро, бу медаль бутун корхонамиз ишчиларига билдирилган ишонч. Зулфия Пиржонова эса бу мукофотга лойиқ инсон, — дейди АЖ кадрлар бўлими бошлиғи Муқаддас Оллаберганова.

Фахр ва ифтихордан мамнун, оилада садоқатли бека ва она, ишда фидойи бўлган Зулфия билан таҳлилхонада суҳбатлашдик. У ҳамишагидек ширингина кулиб турар, унинг ҳаётдан, бугунги фаровон кунларимиздан мамнунлиги юз-кўзларидан билиниб турарди.

Ўз мухбиримиз,
Суратда: З.Пиржонова ишда.

“Дехқонобод калийли ўғитлар заводи” ушитар корхонаси жамоаси

Ўзининг баракали меҳнат
ютуқлари билан истиқболи порлоқ
юртимизнинг гуллаб-яшнашига
ҳисса қўшаётган қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашларини,
ватандошларимизни Наврўз
байрами билан самимий
табриклайди.

Озод ва ҳур мамлакатимизнинг
ҳар кунини бунданда гўзал,
пурвиқор, хирмонларимиз
сарбаланд бўлаверсин!



ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРДА ЖОНЛАНТИРИЛГАН ИПАК ҚУРТЛАРИДАН ЮҚОРИ ПИЛЛА ҲОСИЛИ ОЛИШ МУМКИН

This article discusses methods for determining the timing of the laying of silkworm fern for revitalization in incubation based on the local conditions of each region.

Маълумки, тут ипак қурти монофаг ҳашарот бўлиб, фақат тут барги билан озиқланади, холос. Шунинг учун ҳам эрта баҳорда ипак қурти уруғларини жонлантиришга қўйишда айнан тут дарахти новдаларидаги куртакларнинг уйғониши ҳамда барг ёйиши эътиборга олиниб, уруғларни жонлантириш муддатлари белгиланади. Бу ишни тўғри бажариш республикаимизнинг кескин континентал иқлими шароитида мураккаб масала ва жойлардаги мутахассислардан ўта юқори малака ва тажрибани талаб қилади.

Бунинг учун мутахассислар биринчи навбатда ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўйича етиштириладиган пилла ҳажми, парваришланадиган ипак қурти миқдори, озуқа базасининг аҳволи, неча фозизи жайдари ва дурагай тутлардан ҳамда қанчаси наводор тутлардан иборат эканлигини яхши билиши керак.

Олимларимизнинг тадқиқотлари асосида уруғларни жонлантириш учун инкубаторияларга қўйиш муддатларини аниқлашнинг тўртта усули таклиф этилади:

1) кўп йиллик маълумотларни таҳлил этиб, бу йилги баҳор шулардан қай бирига ўхшаш келаётганлиги ва пилладан юқори ҳосил олинганлигига қараб;

2) тут дарахтидан олдин гуллайдиган ёки барг чиқарадиган дарахт ёки ўсимликларни ривожланишини кузатиб бориш, бунинг учун шу мутахассисда ўзининг ҳудуди бўйича кўп йиллик таққослама маълумотлар бўлиши керак;

3) фойдали ҳароратлар йиғиндига қараб;

4) тут дарахти куртакларининг ўсиб-ривожланишини кузатиб, ўлчаб бориш йўли билан.

Биринчи усулдан фойдаланиш учун маълум бир ҳудудга хизмат кўрсатадиган соҳа мутахассисда, шу ҳудуд бўйича камида 10–15 йиллик, уруғларни инкубаторияларга қўйиш, жонланган қуртларни тарқатиш муддатлари ҳамда пилладан олинган ҳосил тўғрисида маълумот

бўлиши ва шунга қараб у айни йилги муддатларни аниқлаши лозим.

Иккинчи усулда ҳам, биринчиси каби кўп йиллик солиштирма кузатув маълумотлари бўлиши талаб этилади. Бунда ҳар йили айнан тут дарахтидан олдин барг чиқарадиган ёки гуллайдиган шафтоли, ўрик, қоқи ўт ёки бодом дарахтини кузатиб, кунларини ҳисоблаб бориш керак ҳамда бодомнинг тут дарахтидан 21–25, қоқи ўтининг 18–20 ва ўрикнинг 15–22 кун олдин гуллашини инобатга олиш керак.

Учинчи усул ҳар бир ҳудуднинг ўзи учун жойлардаги метеорология идоралари маълумотларидан фойдаланиб, кечаю-кундузги ҳарорат



қўшиб ҳисобланиб, иккига бўлганда, +5°C даражадан юқори бўлган қисми қўшиб борилади, кўп йиллик кузатишлардан бу ҳароратлар йиғиндиси 160–210 даражага етганда тут дарахтида 2–3 та чинбарг пайдо бўладики, бунга қараб уруғларни инкубаторияга қўйиш мумкин. Шу билан бирга бу кўрсаткич жанубий вилоятлар учун 190–210, шимолий минтақалар учун эса 160–180 даражани ташкил этади.

Профессор И.Щербаков таклиф этган тўртинчи усулда тут дарахтининг уйғонмаган куртаги ҳажми ўлчаниб, шартли равишда ноль деб қабул қилинади ва шира ҳаракати бошланиб, куртак ўса бошлагач, ҳар 1,5–2 кунда унинг ҳажми ўлчаниб, қайд этиб борилади ҳамда дастлабки ҳажмига нисбатан ўсиш даражаси 150–160 фозини ташкил этганда уруғларни инкубаторияларга қўйиш мумкинлиги айтилади. Шу билан бирга, уруғ ичидаги эм-

брионнинг ривожланиш босқичи солиштириб борилиши керак.

Юқорида таклиф этилаётган тўртта усулдан ташқари йиллар давомида шундай халқ усули шаклланди, қайсики ипак қурти боқининг охириги куни 20 майда яқунланиб, қуртларга даста қўйилиши керак, чунки эски тақвим бўйича 21 майда “жавзо” киради ҳамда барг таркибидаги сув миқдори кескин камайиб, пиллалар кичкина ва ипак миқдори кам бўлади. Бу усул кўпроқ жанубий ва ўрта минтақада жойлашган вилоятларга тааллуқли.

Боқиладиган ипак қурти миқдори нисбатан озуқа базасининг захираси кўп бўлган ҳудудларда уруғлар инкубаторияларга қўйилиши керак бўлган мўътадил муддатлардан 2–3 кун олдинроқ қўйса ҳам бўлади. Шунда олинадиган ҳосил юқори бўлиб, мавжуд тут дарахтарининг барчаси кесилади.

Афсуски, республикаимизнинг аксарият ҳудудларида кейинги йилларда уруғларни инкубаторияларга ўз вақтига нисбатан кеч қўйиш одат тусига кириб бормоқда. Оқибатда пилла ҳосили ва ипак чиқиш фозиси кескин камайиб кетмоқда, чунки олимларимизнинг кузатишларига қараганда, барг таркибидаги мақбул сув миқдори 75 фозидан бир фозизга, пилла ҳосили 2 ва мос равишда 5 фозизга, ҳосилдорликнинг 10 фозизга пасайиши кузатилган.

Бир сўз билан айтганда, жойлардаги мутахассисларимиз жорий йилда етиштириладиган пилла ҳосили, парваришланадиган ипак қурти миқдори ҳамда озуқа базасининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўз ишларини ташкил этиб, уруғларни жонлантириш муддатларини тўғри белгиласалар, пилладан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришадилар, албатта.

С.НАВРЎЗОВ,
доцент,

Ф.ЖУМАЕВА,
бакалавр, (ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. С.Наврозов, Н.Қаххоров. Ипак қурти уруғларини жонлантириш// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Т.: 2012. 3-сон.
2. Н.Ахмедов. Ипак қурти уруғини жонлантириш. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1992.

МИРЗАОБОД ТУМАНИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИДА ШЎРГА ЧИДАМЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ

Мирзаобод тумани Сирдарё вилоятининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, туманнинг умумий ер майдони 50309, шундан суғориладиган ер майдони 34717,9, қишлоқ хўжалиги ер турлари суғориладиган майдонлари 32247 гектарни ташкил этади. Туманда жами шўрланган ерлар майдони 33833,0 гектарни (99,04 %) ташкил этгани ҳолда, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар майдони 23325,52 гектар ёки жами суғориладиган майдонларга нисбатан 68,18% кўрсаткичларда қайд этилган.

Бу тоифа шўрланган ерлар туман бўйича жами 53—55 дан 66—89,4 гача, шу жумладан, “Гулистон” массивида — 53,76, А.Кулбеков номли массивда 55,29, “Янгиобод” массивида — 77,0, “Янги ҳаёт” массивида — 83,7, Й.Охунбобоев номли массивда — 84,3, “Барлос” массивида — 89,3 ва Янгиер массивида — 89,4% кўрсаткичларда қайд этилган.

Туман ҳудуди иқлим шароитларига кўра, ярим чўл ҳудуди континентал субтропик иқлим минтақасига мансуб бўлиб, иқлимнинг кескин континенталлиги ва ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб тургани ҳолда, ёз ойларида барқарор қуруқ ва жазирама, қишда эса ўта беқарор об-ҳаво ҳукм суради.

Вилоят ҳудудининг иқлим шароитлари пахтанинг ўртапишар навлари ва бошқа иссиқсевар экинлар етиштириш учун жуда қулай. Шу билан бирга ҳавонинг юқори ҳарорати, атмосфера ёғинларининг камлиги, абсолют ва нисбий ҳаво намлигининг пастлиги юқори миқдордаги буғланишни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида тупроқда туз тўпланиши ва қайта шўрланиш жараёнларини жадаллаштиради.

Мазкур тадқиқотни амалга оширишдан асосий мақсад вилоят шароитига мос шўрга чидамли ўсимлик навларини танлаш, гўза ҳосилдорлиги 8—10 центнердан ошмайдиган, қайта ўзлаштириш даври камида 6—8 йилни ташкил этадиган, ниҳоятда қийин мелиорацияланувчи, катта меҳнат ва харажатлар талаб этувчи бундай ерларни пахта майдонлари тасарруфидан чиқариш, уларни ғалла, озиқабоп экинлар, чорвачилик учун беда, полиз-сабзавот экинлари етиштириш ва мевали боғлар, узумзорлар барпо қилишда фойдаланиш катта самара беради, шўрланишнинг олди олинадиган, тупроқлар унумдорлиги ошиб боради.

Шўрланган тупроқ шароитига мос шўрга чидамли экинлар гуруҳини танлаш улардан сифатли кўчатлар тайёрлаш ва суғориладиган экин майдонларида сув тежамкор усулларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Мирзаобод туманининг тупроқлари бўз-ўтлоқ ва ўтлоқ тупроқлар бўлиб, турли даражада шўрланган. Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда уларнинг шўрга чидамлилиги даражасини ҳисобга олиш зарур. Бу ушбу ҳудудларда фаолият олиб бараётган фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият

касб этади. Шу сабабли шўрга чидамли ўсимликларни етиштириш фермер хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини ва кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликларни ташкил этишга имконият яратади. Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда тумандаги ўртача ва кучли даражада шўрланган майдонларда турли шўрга чидамли экин турлари экилиб тажриба ишлари бошланган.

Нафақат туманда, балки Сирдарё вилоятидаги мавжуд қийин мелиорацияланувчи шўрланган тупроқларнинг аксарият қисми доимий равишда агромилиоратив тадбирлар ўтказилишини талаб этади, акс ҳолда катта меҳнат ва маблағ эвазига тикланган унумдорлигини қисқа вақт ичида йўқотиши мумкин.

Бундай кам даромадли мелиоратив ноқулай тупроқлардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Сирдарё вилояти ҳудудида анорзорлар барпо этилмоқда.

Зеро, анорнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта бўлиб, у доривор, турли витаминларга бой, бўёқли мева ҳисобланади. Тиббиётда анорнинг тана пўстлоғи ҳамда илдиз пўстлоғидан тайёрланган дори-дармон билан ичак ва йўғон ичакдаги гижжаларни туширишда фойдаланилади. Мева пўстидан тайёрланган шарбатидан ошқозон ва ичак шамоллашида, зотилжам хасталигини даволашда ҳам қўлланилади. Меваси турли касалликларга, яъни тиш тўкилиши, қичима, сариқ касаллиги кабиларга даъво бўлиб, юрак фаолиятини ҳам яхшилайдиган. Анор таркибида 4% лимон кислота, 21% қанд, 20—30% танид, оз миқдорда крахмал, ёғ, сариқ бўёқ моддаси, минерал тузлар, А, В₁, В₂, РР, С витаминлари, каротин каби дармондорилар бўлади.

Умуман олганда, анор кўчати уч ёшидан бошлаб ҳосилга кира бошлайди, ҳар бир тупидан ўртача 20—30 кг. гача ҳосил беради. Анор парваришланган шароитда жуда узоқ, 250—300 йилгача умр кўриши мумкин. Анор уруғидан, илдизи ва қаламчасидан кўпайтирилади.

Илмий манбалардан маълумки, амалиётда анор об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб, етиштириладиган қаламчалари ўсиш даврида 10—12 марта суғорилади.

Шу боис суғориш сувлари танқислигини ҳисобга олган ҳолда, гидроморф ва яримгидроморф тупроқлар шароитида анорни суғоришнинг янги илмий асосланган ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Сирдарё вилоятидаги мавжуд турли даражада шўрланган гидроморф ва яримгидроморф тупроқлар шароитида агромилиоратив тадбирларни қўллаш орқали анор етиштиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

**Х.НАМОЗОВ,
А.ҚОРАҲОНОВ,
(ТошДАУ).**

ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СТРОИТЕЛЬСТВА МАЛЫХ ГЭС НА ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЯХ МЕЛИОРАТИВНЫХ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ

In the article the prospects and evaluation of technical and economic parameters of construction and restoration of small hydroelectric power stations on hydraulic structures of reclamation facilities such as pressure water conduits, canals and reservoirs of reclamation purpose, pipelines and main canals of large pumping stations stages are considered taking into account the specificity of the agricultural sector of Uzbekistan.

В условиях проводимой в Республике Узбекистан программы энергосбережения, а также с возрастанием стоимости органического топлива все большее внимание специалистов привлекает использование возобновляемых источников энергии, и в частности, гидравлической энергии.

Постановлением Президента Республики Узбекистан “О программе мер по дальнейшему развитию гидроэнергетики на 2017–2021 годы” предусмотрено увеличение ввода генерирующих мощностей до 2025 года в 1,7 раз, в том числе увеличение строительство новых гидроэлектростанций в 13,7 раз.

Перспективным направлением в данном вопросе является строительство и восстановление малых гидроэлектростанций (МГЭС). Малыми принято считать гидроэлектростанции с установленной мощностью от 100 кВт до 30 МВт.

Как показал опыт, распределять энергию высоковольтными линиями по мелким далеко разбросанным потребителям небольшой мощности, по населенным пунктам в труднодоступных местностях экономически не оправдано. Большими оказываются потери энергии на передачу и издержки эксплуатации.

Малая гидроэнергетика является наиболее эффективным источником для сельскохозяйственных потребителей районов, далеко расположенных от центральных электросетей и потребляющих небольшую мощность. Близость малой гидроэнергетики к потребителю, малые сроки строительства, более высокая надежность энергообеспечения, малые потери энергии при передаче потребителю на короткие расстояния, при приемлемых стоимостях установленного 1 кВт мощности и себестоимости 1 кВт.ч электроэнергии, меньшее экологическое воздействие на окружающую среду делают ее экономически эффективной.

Наиболее низкая стоимость 1 кВт МГЭС получается при восстановлении старых законсервированных МГЭС, а также при использовании гидротехнических сооружений мелиоративных объектов, таких как напорные водоводы, каналы и водохранилища мелиоративного назначения, трубопроводы и магистральные каналы крупных каскадов насосных станций.

В Узбекистане выявлены перспективные объекты и установлены параметры 30 МГЭС суммарной мощностью 445 МВт с выработкой 2880 млн. кВт.ч. В их число входят 12 МГЭС на ирригационных водохранилищах с установленной мощностью 66,5 МВт и выработкой электроэнергии 301 млн. кВт.ч; на перепадах магистральных каналов насосных станций — 15 ГЭС мощностью 276 МВт и 2000 млн. кВт.ч; на малых реках — 3 ГЭС мощностью 103 МВт и 550 млн. кВт.ч.

Интерес к МГЭС в Узбекистане увеличивается из-за возросших и повышающихся цен на электроэнергию. В наиболее тяжелом положении оказались сельскохозяйственные потребители. На насосных станциях он привел к тому, что потери электроэнергии в на-

порных трубопроводах не имели должного значения при технико-экономических расчетах и в результате были существенно занижены как диаметры напорных трубопроводов, так и количество их ниток. А если учесть, что подавляющее большинство сельскохозяйственных насосных станций в Узбекистане было построено до 1992 года, то можно считать, что значительная часть потребляемой электроэнергии теряется на гидравлическое трение в напорных трубопроводах. Поэтому установка МГЭС на перепадах машинных каналов, с возвратом части электроэнергии, затраченной на водоподъем для орошения весьма перспективна.

Из общих вложений в МГЭС примерно половину составляет стоимость гидротехнических сооружений, 40% — основное гидроэнергетическое оборудование и около 8% — линии электропередачи.

Традиционное оборудование ГЭС — гидротурбины и синхронные генераторы (СГ) и их системы регулирования приспособлены для обеспечения максимального КПД во всевозможных и даже маловероятных или с небольшим числом часов режимах работы. Это приводит к усложнению и удорожанию агрегатов, трудностям в монтаже, наладке и эксплуатации и в конечном итоге — к снижению надежности.

На малых ГЭС с увеличением мощности и числа энергоисточников в энергообъединениях появляется возможность упростить некоторое оборудование. Известно, что в крупных энергообъединениях на ряде МГЭС агрегаты работают без регуляторов частоты и напряжения. Имеются поворотно-лопастные гидротурбины с выведенными из работы устройствами изменения углов лопастей рабочих колес. Отказываются даже от подвижности лопаток направляющих аппаратов.

На малых ГЭС целесообразна установка асинхронных генераторов (АГ) ввиду простоты конструкции, относительно небольшой стоимости, значительной статической и динамической устойчивости и возможности полной автоматизации технологических процессов. При компоновке МГЭС асинхронными генераторами отпадает необходимость в сложных устройствах синхронизации. Такие станции могут быть полностью автоматизированными и эксплуатироваться без дежурного персонала.

Включение и синхронизация асинхронных генераторов на параллельную работу с ЭЭС может осуществляться весьма просто — методом синхронизации, при котором кратности возникающих ударных электромагнитных моментов и токов в обмотках генераторов примерно в два раза меньше, чем аналогичные параметры синхронных генераторов.

При компоновке МГЭС синхронными и асинхронными генераторами условия работы автоматических регуляторов возбуждения СГ существенно улучшаются в связи с увеличением областей устойчивости и плоскости настроечных параметров регулятора возбужде-



ния по сравнению с одиночной работой СГ. СГ и АГ при этом представляют собой саморегулируемую систему, т.е. возникающие колебания быстро подавляются. Качество переходного процесса на электрических станциях с АГ при динамических процессах лучше, чем с СГ.

На МГЭС мощностью до 1 МВт при работе в ЭЭС с надежной связью наиболее простым и дешевым является вариант использования насосов вместо гидротурбин и асинхронных электродвигателей вместо синхронных генераторов. Потребляемая небольшими АГ реактивная энергия для намагничивания практически не обременительна для мощных ЭЭС. В ряде случаев, при избыточной реактив-

ной энергии, например, при недогруженных длинных линиях воздушной связи в системе, потребление ее асинхронными двигателями даже полезно.

Даже предварительный технико-экономический анализ показал, что МГЭС из насосов и асинхронных электродвигателей проще и дешевле в несколько раз, чем из гидротурбин и синхронных генераторов. Проще их эксплуатация, автоматизация и защита, выше надежность работы электрического оборудования. Эксплуатационного персонала требуется меньше и меньше простоев в ремонте, что в итоге компенсирует некоторое снижение КПД агрегатов ГЭС.

Таким образом, изучение про-

блемы малой гидроэнергетики Узбекистана показывает ее перспективность, необходимость углубленных обследований гидротехнических сооружений мелиоративных насосных станций, магистральных каналов и законсервированных станций для ускоренного ввода их мощностей, дальнейшей проработки материалов, намечаемых к строительству МГЭС для их возведения и оснащения оборудованием с учетом новых технических решений и принципов энергосбережения.

В.ХОХЛОВ,

д.т.н., Научно-производственное предприятие "Водоподъемник",

А.КУРБОНОВ,

соискатель, Ташкентский государственный технический университет.

ЛИТЕРАТУРА

1. Хохлов А.В., Хохлов В.А., Титова Ж.О. Режимы работы насосных станций Каршинского каскада. - Т.: Навруз, 2015. - С. 271.
2. Аллаев К.Р., Хохлов В.А., Сытдыков О.Р.А., Титова Ж.О. Электромеханические и гидромеханические процессы в гидроэнергетических установках. - Т.: Fan va tehnologiya, 2013. - С. 264.

БУ АЖИБ ДУНЁ



**ЖЎМРАКНИ ОЧ-ДА,
ҚҰЙИБ ОЛАВЕР**

Австралиялик асалчилар Стюарт ва Седар Андерсонлар анъанавий асал олиш усулини мукамаллаштиришга эришдилар. Жўмрак буралиб, идиш тутилади, бир зумда идиш асалга тўлади. Йигитлар ўйлаб топган махсус ром бу ишни амалга оширишга имкон берди.

Ўз ишларини бутун дунёга кўрсатишни истagan йигитлар аввалига 70 минг доллар даромад бизга кифоя қилади, деб режалаштиришган эдилар. Аммо бугунгача жами 13 млн. долларлик буюртма келиб тушган. Ҳозиргача 50 мингта уя сотиб олиш борасида таклифлар бор. Бу таклифларнинг катта қисми АҚШга тўғри келади. Бир донга уя тахминан 600–700 долларга баҳоланмоқда.

Ажабланарлиси, Андерсонлар ҳеч қандай муҳандислик билимига эга эмаслар, улар буюм яшашга, устачиликка қизиқадиладар холос. Ҳозирча, уларнинг уялари одатий уялар берадиган миқдорда асал бериш, бермаслиги борасида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Андерсонлар буюртмалар кўплигига қарамай,

тижорий асаларичилик фермаларига мос келувчи янги шу турдаги уялар ишлаб чиқиш устида бош қотиришмоқда.

БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН



Шрек лақабли қўй умуман жунини қирқтиришни хуш кўрмасди. Янги Зеландиядаги ушбу қўй горда яширинган ҳолда олти йил баҳорги қирқиш мавсумидан қочиб қутула олди.

Уни тутиб олганларида қўйнинг эгаси ҳатто унинг қўйлигига ҳам шубҳа қила бошлади. Ундан нақд 20 та эркаклар костюмига етадиган жун олинди.

ҚОРАЙМАЙДИГАН ОЛМА

Умуман қораймайдиган олма нави Канадада баҳор ойларидан бошлаб сотувга чиқиши мумкин.

Қораймайдиган "Арктика фужиси" навли олмага Канаданинг Савдо-сотикни назорат қилиш агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ижобий баҳо берилди. Уларнинг хулосаларига кўра "Арктика фужиси" навли олма



Канададаги мавжуд олма навларига қараганда инсон саломатлиги учун хавф туғдирмайди.

Бундан ташқари, олмалар аллергия кўзгатиш ва тўйимлилиқ даражасига кўра синовдан муваффақиятли ўтган. Олма етказиб берувчилар мазкур мева савдосининг муваффақиятли бошланишидан умидвор.

Мазкур олма ўзига хос хусусиятга эга: мевани кесиб майда бўлақларга бўлсангиз ҳам, пиширсангиз ҳам у қораймайди. Биотехнологиядан фойдаланган ҳолда олмадаги қорайтиришга жавоб берувчи фермент иши тўхтатилган.

Энди ушбу олмага истеъмолчилар баҳо бериши керак, холос.

НАВБАТ ЎСИМЛИК ОҚСИЛИГА

Данияда энди тухум каби аминокислоталарга бой ўсимлик оқсили ишлаб чиқарилади. Ихтирочиларнинг фикрича, ўсимлик оқсили ўсиб бора-



ётган дунё аҳолисини очарчилик хавфидан сақлаши мумкин. Озуқа бўладиган ўсимликни Данияда ишлаб чиқариш ҳам осон, ҳам арзон. Шу вақтгача озуқа ўсимликларидан фақат чорва молларини озиқлантиришда фойдаланиларди.

Кўпайиб бораётган дунё аҳолиси учун барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида Дания озиқ-овқат маҳсулотлари Миллий институти мутахассислари ўтлардан оқсил ажратиш усулини ишлаб чиқишди. Айнан шу оқсилдан улар озуқа манбаи сифатида фойдаланишмоқда.

Ўсимлик оқсили таркибидаги аминокислоталар бошқа оқсил маҳсулотлар, жумладан, соя, тухум, сут маҳсулотлари таркибидаги аминокислоталар билан бир хил. Бунинг устига ўсимликдан оқсил ажратиш олиш жараёни атроф-муҳитга ва иқлимга бошқа маҳсулотларга қараганда камроқ зарар етказиши.

Оқсил ажратиш олишда биринчи бўлиб ўсимликлар шарбат ажратиш берувчи улкан механизмга солинади. Ўсимлик шарбатидан оқсил ажратиш олиниши ва у қуритилиб кукун ҳолига келтирилади.

Ҳозирча Миллий савдо-сотиқ институти ўсимлик оқсили аралаштирилган ширинлик ишлаб чиқаришга эришдилар. Аммо одамлар ўтнинг мазасини сезмасликлари учун ўсимлик оқсилининг миқдори 10 фоизлик кўрсаткичдан оширилмаган.

Ўт оқсили солинган маҳсулотлардан унинг таъми келмаслиги учун ўткир ҳидли аралашмалар, жумладан, ерёнғоқ ёғи, асал, занжабил ва қизилмия ўсимлигидан фойдаланишмоқда.



МАЗАЛИ "ТОМЧИ" ЛАР

Уч нафар исроиллик фермер дунёдаги энг кичик, шу билан бирга, энг ширин помидор навини яратишга муваффақ бўлишди. Помидорнинг янги нави "Томчи" деб ном беришди.

Охирги уч йилда Ариел Китрон, Дуби Дагай ва Давид Мизрахиларх ҳамкорлигида яратилган ушбу сабзавот тури оддий помидорга қараганда 30 фоизга ширин. Фермерларнинг мазкур ихтиролари ўзига хос хушбўй иси билан ажралиб туради. Ҳозирча унинг икки хил – қизил ва сариқ рангли турлари мавжуд, кейинчалик бошқа рангдагила ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Помидорга бўлган талаб нафақат умумий овқаланиш соҳасида, балки оддий халқ орасида ҳам катта бўлишига тадқиқотчиларнинг ишончлари комил.

ҚУРТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ



Вьетнамда кокос қуртларини кўпайтириш таъқиқланди. Аммо маҳаллий ишбилармонлар бу қарорга қатъиян қаршилар ва даромад учун қонунни бузишга ҳам тайёрлар. Кокос палмаларида яшовчи кокос қуртлари нафақат сотилади, балки ҳукуматнинг чекловига қарамай Вьетнамда таом сифатида тановул қилинади.

Қуртларни унга уқалаб ёғда қовуришди ёки балиқли соусга ботириб тириклигича еишади. Қуртлар сайёҳлар ва маҳаллий овқат шинавандлари орасида машҳур бўлгани боис, кўпайтирилиб сотилади.

Қуртларни кўпайтириш оқибатида келтириладиган зарар Вьетнам табиий ресурслар вазирлигини мазкур қарорга келишга мажбур қилди.

Айни вақтда жимжилоқдай келадиган 50 дона қурт Вьетнам қора бозорида 12 долларга тенг маблагга баҳоланади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



**Эзгу ниятлар билан барака уруғи
қадаётган бободехқонларимизни,
фермерларимизни, қишлоқ хўжалиги
ривожига ҳисса қўшаётган илм
аҳли-ю соҳа мутахассисларини
баҳорги кун ва тун тенглиги —
Наврўз айёми билан қутлаймиз.
Оилангиз тинч, хирмонингиз
ҳамиша баракали бўлсин.**

**Қалбингизни баҳорий кайфият
асло тарк этмасин!**

**Қишлоқ хўжалик
экинлари навларини
синаш давлат комиссияси
жамоаси**

НАВРЎЗ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

Қадим-қадимдан одамлар табиатнинг ҳаракатиға қараб ҳаёт кечиришган. Шу боис, қиш фаслидан баҳор фаслиға ўтиш, яъни баҳорги тенгкунлик кўплаб мамлакатлар аҳолиси томонидан байрам сифатида нишонланган. Ҳозирги тақвим пайдо бўлгунга қадар баҳорнинг келишини қуёшнинг жойлашувига қараб аниқлашган. Қуёш Ергатик чизик бўйлаб жойлашганда, табиат янгиланишни бошлайди – қушлар иссиқ ўлкалардан учиб келади, момақалдироклар гumbурлаб, чақмоқ чақиб ёмғир ёғади, дарахтларда куртаклар пайдо бўлади, ҳамма ёқ яшилликка бурканади.

Дунёнинг Тожикистон, Қозоғистон, Эрон, Қирғизистон, Афғонистон каби кўплаб мамлакатларида, жумладан, бизда ҳам баҳорги тенгкунликдан янги давр бошланади. Бу байрам “Наврўз – янги кун” деб аталади.

Барча мамлакатларда бу интиқ кутилган баҳор шодиёнаси қувончли воқеа, янги ҳаётнинг бошланиши сифатида кутиб олинади.

Тожикистонда Наврўз расмий байрам сифатида 21-24 март кунлари нишонланади. Наврўз нафақат табиат уйғониши, балки руҳий покланиш байрамидир. Байрам арафасида хафалашиб қолганлар ярашадилар, қарздор-

лар ўз қарзларини узадилар. Одамлар гулхан ёқиб, атрофида айланиб, олов ёрдамида покланадилар. Бу удум Янги йилда тўкинлик, руҳий осойишталик, соғлиқ ва муваффақият келтиради деб ҳисоблашади.

Гўштли қатлама сомса ва, албатта, палов байрам дастурхонининг асосий таоми саналади. Ниш урган бугдой Наврўздаги янги ҳаёт рамзидир. Одамлар бугдой қанчалик узун ниш олган бўлса, янги йил шу қадар муваффақиятли келади деб ўйлашади.

Баҳорги тенгкунлик **Озарбайжонда** расмий дам олиш кунидеб белгиланган. Бу қадимий ва қадрли байрамдир. Озарбайжонликлар байрамга тайёргарликни эртароқ бошлашади. Байрамга бир ой қолганда, ҳафтанинг ҳар сешанба кунидеб ҳаётнинг тўрт унсуридан бирига аталади. Наврўз кунидеб ушбу тўрт унсур руҳий осойишталик улашиш ва тўкинлик келтириш учун бирлашади.

Байрам дастурхонининг асосий таомлари – ой шаклидаги ёнғоқли ширинлик – шакярбура, дунёнинг тўрт томони маъноси-ни берувчи пахлава, ниш урган бугдой, бўялган тухум.

Қозоғистонда Наврўз 22 мартда нишонланади. Бу кун халқ сай-

ллари ва томошалар билан ўтади. Одамлар безаниб, қўшиқ куйлашади, беллашиб куч синашади, умуман, баҳорги тенгкунликни қувноқ ва шоду хуррамликда ўтказишади.

22 март кунидеб туғилган бола жуда бахтли ва бой бўлади, деб ҳисоблашишади. Қозоғистонда байрам арафасида чала ишларни битириш, қарзлардан қутулиш, ҳамма ёқни тозалаш жуда муҳим. Айниқса, кир ювишга жуда эътибор қаратишади. Янги йил киргунча хонадонда биронта кир нарс қолмаслиги лозим.

Дастурхонни тўкинлик ва ширин ҳаёт рамзи – ҳолва, бугдой ниши ва сут безаб туради.

21 март **Эронда** Қуёш тақвими бўйича Янги йилнинг биринчи кунидеб белгиланган. Эронликлар байрамга олдиндан тайёргарлик кўрадилар. Эски йил умумхалқ ҳашари билан кузатилади. Уйлар, кўчалар тозаланadi, тартибга солинади.

Эски йилнинг охириги сешанбасида одамлар гулхан ёқиб, машъалалар билан ўйин кўрсатишади, байрам тантанаси гулхан устидан сакраш билан якунланади. Айтишларича, ким гулхан устидан шу кунидеб сакраса, ўшани тўкинлик кутар, табиатнинг ўзи уни ёмон кучлардан ҳимоя қилар экан.





Янги йил киргач эронликлар бир-бириникига меҳмонга боришиб, совғалар улашишади. Байрамнинг 13-кунини очик ҳавода ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Ҳиндистонда баҳорги тенгкунлик бўёқлар фестивали сифатида нишонланади. Холи – ҳиндларнинг баҳор келишини нишонлайдиган халқ байрами. Бу ёвуз кучларнинг қувлиши ва қиш уйқусидан уйғонган ернинг янгилалиши рамзидир.

Бўёқлар фестивали икки кун давом этади. Биринчи куни одамлар гулхан ёқиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушишади. Иккинчи куни ҳамма – қариядан тортиб, кампиргача, эркагу аёл, болалар ўтли ўсимликлардан тайёрланган рангли бўёқ кукунларини бир-бирларининг устларидан сепишади. Бўёқ қанча кўп тана, кийимни қоплаган бўлса, шу одамга шунча яхши тилаклар билдирилган бўлади.

Сюмбун-но хи байрами **Японияда** ўзига хос кундир. Баҳорги тенгкунликда японлар аввал ўз уйлари тозалашга киришадилар. Бунда асосий айтибор хонадон меҳробига қаратилади.

Одамлар, айниқса, вафот этиб кетган аجدодлари руҳини шод этиш ва хотирасини қадрлашга жиддий қарашади. Байрам кунининг асосий қисмини японлар тоат-ибодат билан қабристонда ўтказишади.

Японияда бу байрам 17 мартдан бошланиб, 23 мартда тугайди. Баҳорги тенгкунлик байрамида дастурхонга гўштли таомлар тортилмайди. Маросим тао-

Кукулан эҳромига чиқиб, маросим-удумларни амалга оширишади, миллий рақсларни ижро этишади. Ҳамма янги беҳор қуёшидан хурсанд бўлиб, яхши умидлар билан янги ҳаётга қадам қўйишади.

Славян халқлари баҳорга бир ҳафта қолганда қишни кузатиш байрами (масленница)ни нишонлашади. Байрамнинг асосий удуми қиш илоҳаси бўлмиш Морена тасвири туширилган қўғирчоқни ёқишдир. Тантананинг авж нуқтаси баҳорги тенгкунликка тўғри келади. Халқ сайлларида аҳоли қўшиқлар айтишади, рақсга тушишади. Бу куннинг асосий таоми қуймоқ ҳисобланиб, у қуёш рамзи ҳисобланади. Шунингдек, тўрғай қуши тасвирли ширинликлар пиширилиб, одамларга тарқатилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳамма жойда баҳорги тенгкунлик руҳий покланиш ва янгилалиш рамзи ҳисобланар экан. Биз ҳам бу шодиёгани хурсандчиликда, эртанги кунга ишонч руҳида, ёрқин жилоларда кутиб олайлик.



ми – инари суши, гуруч, қўзиқорин, сабзи ўралган қовурилган пишлоқ тайёрланиб, бутун оила билан тановул қилинади.

Мексикаликлар бу байрамни қадимий шаҳар Чиген Седа нишонлашади. Аҳоли машҳур



ЧЎПНИ ЖОНЛАНТИРГАН СЕҲРГАР ЎЗИНГ

О, БАҲОР

Баҳор шамолига бағримни очдим,
Кўксимда сирғалди ипак ҳаволар.
Кўшқулоқ ялғизнинг бўйларин ичдим,
Булутдан ушатиб олдим ҳалволар.

О, баҳор!
Ўзингсан ҳаётбахш Масих,
Чўпни жонлантирган сеҳргар ўзинг.
Сен менга Худонинг дўстлик тўхфаси,
Томиримга туташ чилвир илдизинг.

Бойчечакдан олдин очилган қизлар
Кўчамдан ўтаркан таратиб ифор,
Қонимда живирлар гушакл ҳислар,
Бахтимни кўргандек бўламан такрор.

Гўё ҳализамон келар хушхабар,
Ошиқ ўсмир каби тараддуддаман.
Юрагим қаттиқроқ урса ҳар сафар
Эшикка қарайман, қулоқ тутаман.

Умидим чечаги чаманинда жам,
Тасалли берурсан ўксик дилимга.
Бўшаган ғумбакка бекинади ғам,
Табриклар йўлайман йўқ севгилимга.

Ичимга ютаман кўёшларимни,
Эрийди юрагим бошидаги қор.
Агар келмай турсанг синаб сабримни,
Мен ўзим ёнингга борардим, баҳор!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

НАЙСОН

Юраклар умидвор тафтингдан, Наврўз,
Тилаклар сочилар далаларингга.
Зиёга бурканар бу кўҳна олам,
Нафосат яралар лолаларингдан.

Бободехқон сирли энтикиш билан,
Олис-олисларга ташлайди назар.
Кўшларнинг чуғури, сувлар шивири -
Ҳорғин қиш солган дил чигилин ёзар.

Меҳр-муҳаббатга ошно момолар
Ёшликка қайтгандай айтишар ўлан.
Дуогўй боболар шукронасида
Тилаклар муштарак қисматинг билан.

Инсонлар умрига чанг солган зулм,
Сени-да маломат ўқига тутиб,
Одамни, ганж-зарни кўмди-ю, аммо
Сени кетолмади бу замин ютиб...

Ҳар баҳор дунёга сочиб меҳрингни,
Чечаклар ундириб келавер, Наврўз!
Она тупроқ бағрин тўлдириб нурга,
Оламни кулдириб келавер, Наврўз!

Элининг юрагида сендан муқаддас,
Сендан-да азалий қадрият йўқдир,
Озод юрт осмони мусаффо бўлсин,
Бундан олий ният ва неъмат йўқдир!

ХУРШИДА

НАВРЎЗ

Сен менинг Наврўзимсан, баҳоройнинг элчиси!
Қалбимга оро берган ризқ-рўзимиз куйчиси.

Сен менинг баҳоримсан, қучоғингда гул битган.
Ҳормай, толмай куйловчи боғда булбулинг билан.

Сен менинг анҳоримсан, тоғдан шошиб тушгувчи.
Чўлу даштга ошувчи, танга ҳаёт бергувчи.

Сумалаклар улашган менинг толмас бекамсан,
Кўк сомсалар талашган бағримдаги боламсан.

Сен ўшалсан, сен ўша ўтган кунлардан келган
Боболаримдан мерос, узоқ йўлда толмаган!

Сен менинг Наврўзимсан!...

Маҳмудхон ТОИРОВ

КЕЛДИ ЯНА ФАСЛИ КЕЛИНЧАК

Баҳор келди, яшнади олам,
Гуллар билан тўлди боғ-чечак.
Кўриб кўзлар қувонар бирам,
Келди яна фасли келинчак.

Нишонланар Наврўзи айём,
Қалбда ажиб ҳислар жўш ураб.
Дилда туйдиқ улўғ эҳтиром,
Элда шодлик шукуҳи кезар.

Ўйин-кулги чиқиб авжига,
Қувонади жажжжи болалар.
Буюк эрур бу азиз сана,
Тоғ бағрида унар лолалар.

Яшил сепинг ёявер баҳор,
Талпинади интизор юрак.
Ҳар бир кунинг бўлур бетакрор,
Юртим, бўлсин Наврўз муборак!

Гўзал Файратова.

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ФАНИ ФИДОЙИСИ

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ғаллачиликни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, устоз ва мураббий, фан ва илм фидойиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Насриддин Халилов 70 ёшни, илмий педагогик ва жамоатчилик фаолиятининг 50 йиллигини қаршиламоқда.



Н.Халилов 1948 йил 5 февралда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманининг Равот қишлоғида туғилган. 1965 йилда тумандаги 5-мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1967 йилда Самарқанд давлат университети биология факультетига ўқишга қабул қилинди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, биология ва кимё ўқитувчиси мутахассислигини олди.

У меҳнат фаолиятини 1972 йилдан Жомбой туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабида кимё-биология фани ўқитувчилигидан бошлади. Кейинги тўрт йил давомида Пайариқ туманидаги 7-мактабда фаолиятини давом эттирди.

Илмнинг юксак чўққиларини кўзлаган Н.Халилов Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига йўл олди. 1976 йилдан кейинги фаолияти мазкур даргоҳ билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида ўсимликшунослик кафедраси ассистенти, доценти, профессори, кафедра мудири, илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича проректор каби лавозимларида ишлаб, талабаларга сабоқ бериши баробарида, ўсимликшунослик фани сир-асрорларини ўрганиб келмоқда.

Н.Халилов 1982 йилда “Ўзбекистоннинг Зарафшон водийси суғориладиган ерларида интенсив типдаги юмшоқ буғдой навларининг дон ҳосили ва сифатига азотли ўғит ва экиш меъёрларининг таъсири” мавзусида номзодлик, 1994 йилда “Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида буғдой етиштиришнинг илмий асослари” мавзусида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Н.Халилов рус ва инглиз тилларини мукамал ўзлаштирган. Инглиз тилини ўрганувчилар учун тайёрлаган луғат китоби нашрдан чиқиш арафасида. 250 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлари муаллифи, жумладан, “Деҳқончилик асослари ва ем-хашак етиштириш” (1987 й.), “Ўсимликшунослик” (1990; 2007; 2008 й.) дарсликлари, 10 дан ортиқ ўқув, ўқув-услубий қўлланма ҳамда “Кузги буғдойни суғориш” (2005 й.), “Кузги буғдойни суғориш ва ўғитлашнинг илмий асослари” (2009 й.), “Буғдой” (2011 й.), “Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси” (2014 й.) монографиялари чоп этилган. Олим юмшоқ буғдойнинг “Жасмина”, “Фарбома”, “Амира”, “Зарафшон” ва ловиянинг “Равот”, “Маҳсулдор” навларини яратиб, 3 та патент, 2 та муаллифлик гувоҳномаси олган.

Н.Халилов ҳозирги вақтда шогирдлари билан мамлакатимиз ғаллачилигини ривожлантириш, айниқса, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммолари, шу билан биргаликда соя, ловия, мош экинларини биологик азот тўплаш хусусиятлари, суғориладиган ерларда занг касаллигига, та-

биатнинг ноқулай омилларига чидамли, серҳосил, кучли ва қимматли юмшоқ буғдой талабларига

жавоб берадиган интенсив типдаги кузги буғдой ҳамда анғизга экиладиган ловиянинг тезпишар навларини яратиш, интродукция қилинган соя навлари агротехникасини ишлаб чиқиш, уларнинг замонавий, сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасидаги тадқиқотларни олиб бормоқда.

Н.Халилов юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор беради. У кишининг раҳбарлигида 10 га яқин фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD), номзодлик ва 20 дан ортиқ магистрлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди ва ҳозирда 7 та докторлик диссертациялари тайёрламоқда.

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалик масалалари маслаҳат кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб, илм-фан янгиликларини жорий этиш асосида донли экинлардан юқори ҳосил етиштириш борасидаги ишларда иштирок этмоқда. Шу билан биргаликда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг иловаси – “Агро илм” журнали таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг, Ўзбекистон олий аттестация комиссиясининг қишлоқ хўжалиги бўйича эксперти сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар агентлигининг амалий ва инновация лойиҳаларининг илмий раҳбари.

Н.Халиловнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш олиндидаги хизматлари давлатимиз раҳбарияти томонидан юксак баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15; 20; 25 йиллиги кўрак нишонлари ҳамда ўтган йили “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди.

Олим турмуш ўртоғи Раҳима опа билан 4 нафар фарзандни эл қаторига қўшди. Катта қизи Турсуной ўқитувчи, ўғли Элбек молия ходими, қизи Лола докторант, кичик қизи Юлдуз Самарқанд давлат чет тиллари институти магистранти. Тўрт нафар неваранинг суюкли бобоси.

Биз ҳурматли устозимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, келгусидаги ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

*Самарқанд қишлоқ хўжалик
институти жамоаси.*

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув ҳўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2018 йил,
№3. Март

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Бунёдкор юрт баҳори	1
Ф.ТЕШАЕВ, Ш.АБДУАЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА. Ерни сифатли тайёрлаш, чигитни макбул муддатда экиш	2
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ. Культивацияни сифатли ўтказиш омиллари.....	5
Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ. Март – кузги ғалла ҳосилига ҳосил қўшиш ойи	6
А.МЎМИНОВ, З.ЯҚУБОВ. Соя – келтиради сармоя	8
Р.АБДУЛЛАЕВ. Боғлардаги баҳорги юмушлар	9
Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Эртаги экинларни экдингизми?	11
Б.ХУСЕНОВ, М.МИРЗААБДУЛЛАЕВА. Фермерлик – ишонч, имконият ва маъсулият	12
К.ЭРГАШЕВ. Кўптармоқчилик – даромад манбаи	14
Матонатли инсон ҳузурида	15
Дарахт эккан савоб олар	16
Ш.СОДИҚОВА. Бобо изидан бораётган набира	18
Ер билан тиллашиб	19
Эзгу мақсадлар сари	20
ЖОЗИБА.Кўнгил ичидаги дурлар	21
Х.КАРИМОВ. “Тошкескан”нинг ривожланиш йўли	23
Ш.ЖАББАРОВА. Ўрмончилик – сердаромад соҳа	24
Фурқатлик фермер шижоати	26
Сув – поклик ва тўкинлик рамзи	27
Сув келтирган – элда азиз	28
М.ЛУКОВ, Д.АБДУКАРИМОВ, А.ИСРОИЛОВ, З.Артиков. Уруғлик учун экилган кунгабоқардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш	30
Ш.НУРМАТОВ. Люпин – бебаҳо экин	32
Р.ЖУМАНИЁЗОВ. Алломалар зироатчилик ҳақида	33
Саодатли аёл	36
З.ҲАФИЗОВА. Хотин-қизларимиз ҳам фаол	36
С.НАВРЎЗОВ, Ф.ЖУМАЕВА. Қулай муддатларда жонлантирилган ипак қуртларидан юқори пилла ҳосили олиш мумкин	38
Х.НАМОЗОВ, А.ҚОРАХОНОВ. Мирзаобод тумани шўрланган тупроқларида шўрга чидамли экинлар етиштириш	39
В.ХОХЛОВ, А.КУРБОНОВ. Техничко-экономические аспекты строительства малых гэс на гидротехнических сооружениях мелиоративных насосных станций	40
Бу ажиб дунё	41
Наврўз қаерда қандай нишонланади?	44
Чўпни жонлантирган сеҳргар ўзинг	46
Ўсимликшунослик фани фидойиси	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24,
+998 71 249 13 24, +998 71 249 13 54.
www.qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru
© «Ўзбекистон қишлоқ хо‘жалиги»

Босмаҳонага топширилди: 2018 йил 28 февраль. Босишга рухсат этилди: 2018 йил 28 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №71 Нусхаси 4500 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Ж.ПИРИМҚУЛОВ